

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ХОЛМУРОД НАЗАРОВ

**ЭКОЛОГИЯ ВА СУВ ҲУҚУҚИ:
МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА
ЖАВОБГАРЛИК**

/ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА /

**Тошкент
2022**

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти -миллий тадқиқот университети (2022 йил” ___ ” _____ даги ___ - сонли баённома). Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва наширга тавсия этилган.

Мазкур ўқув қўлланма “Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”- миллий тадқиқот университетининг 5630100-“Экология ва атроф муҳит муҳофазаси (сув хўжалигида)”, 5630200-“Сув хўжалигида экологик хавфсизлик”, 5230100-Иқтисодиёт (сув хўжалигида менжмент), 5450200-“Сув хўжалиги ва мелиорация”, 5450700-“Сув таъминоти муҳандислик тизимлари” мутахассисликлари бакалавр ва магистратура йўналишида ўқиётган талабалар, магистрлар ва Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси тизимида хизмат қилаётган давлат инспекторлари, бошқа мансабдор шахслари тамонидан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиат бойликлардан фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасида содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини ўрганиш ва уларни қўллаш тартибларини ёритишга бағишланган.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ходимларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази тингловчиларига, соҳа буйича давлат инспекторларига, институт ва университетларнинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши буйича ихтисослашган мутахассисликлари бакалавр йўналиши талабалари, магистрларига ва ушбу масалалар билан қизиқувчи мутахассисларга мўлжалланган.

Муаллиф: юридик фанлар номзоди, доцент **Холмурод Назаров**

Тақризчилар: **Б.Исмоилхўжаев** - Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги “Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти”- миллий тадқиқот университети профессори, биология фанлари доктори

О. Нарзуллаев - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат Юридик университети Экология ва аграр ҳуқуқ кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

© “ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ (“ТИҚХММИ” МТУ), 2022 й.

МУҚАДИМА

Мазкур ўқув қўлланма Тошкент Ирригация ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти-миллий та 5630100–Экология ва атроф муҳит муҳофазаси(сув хўжалигида), 5630200-Сув хўжалигида экологик хавфсизлик” мутахассисликлари буйича бакалавр ва магистратура таълим йўналиши талабалари, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази тинловчилари учун мўлжалланган.

Экологик ҳуқуқбузарлик ва жавобгарликнинг ҳуқуқий-назарий-асосларини пухта ўзлаштириш экологик ҳуқуқ нормаларини амалда тўғри қўллашда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ўқув қўлланма табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни сақлаш ва қайта тиклаш, табиий ресурс объектларининг тақсимланиши, улардан турли мақсадлар учун фойдаланиш ҳамда уларни турли салбий таъсирлардан муҳофаза қилиш мақсадида уларни назорат қилиш ва мониторингини ўтказиш, шу билан бир қаторда ҳалқаро ва давлатлараро миқёсидаги экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини ёритишга қаратилган. Айниқса, бу ўқув қўлланма сув иншоатлари ва сув ресурсларидан фойдаланиш, муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш, табиий ресурсларга нисбатан ёш мутахассисларга, амалда хизмат қилаётган атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторларига маъмурий ҳуқуқбузарликларни тўғри аниқлаш ва уларга қонунда белгиланган маъмурий жазо чораларини тўғри қўллаш, экология соҳасидаги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида назарий билимларини мустаҳамлаш ва амалда қўллаш малакаларини шакллантиришда ҳам муҳим қўлланма бўлади.

Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажариш, олий таълим муассасаларини илғор жаҳон тажрибалари асосида яратиладиган янги авлод

дарслик, ўқув қўлланмалари ҳам даврий нашрлар билан тизимли таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон қарорида белгиланган талабларга асосан тайёрланган: **ўқув қўлланма — дарсликни қисман тўлдирувчи, муайян фан дастури бўйича тузилган ва мавзуларни зарурий ҳажмда тизимли ёритиб берадиган, фан асосларининг мукамал ўзлаштирилишини таъминловчи, мазмунан ва шаклан таълим турларига бакалаврият, магистратура, олий таълимдан кейинги қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим талабларига мослаштирилган, назарий ёки амалий машқ ва машғулотларга мўлжалланган, талаба ва малака ошириш курслари тингловчилариларда фанга тааллуқли билим, кўникма ва малакалар шаклланишига хизмат қиладиган, расмий тасдиқланадиган ўқув нашридир.**

Ушбу ўқув қўлланмада асосий эътибор Экология ҳуқуқи фанининг асосий мақсадини амалга оширишга, бўлажак мутахассисларга Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, уларнинг бошқарув тизимида, аҳолини ҳаёти ва соғлиғига етказиладиган экологик ҳавфларни олдини олиш учун зарур бўлган назарий ва амалий ҳуқуқий билимлар билан қуроллантиришга қаратилган. Ўқув қўлланмада экология ва атроф муҳит соҳасида табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашнинг амалий масалаларини давр талаби даражасида ҳал қилиш тажрибаси ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда турли табиий ресурслар билан боғлиқ халқаро ва давлат миқёсидаги масалаларни ҳал қилишдаги аҳамиятини билиш, амалда қўллаш малакасини шакллантиришга алоҳида эътибор берилган.

Ўқув қўлланмада фан бўйича талабалар ва қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказлари тингловчиларининг тасаввур, билим, кўникмаларига қўйиладиган талаблар, экологик ва сувга оид қонунлар, қонунга асослани чиқарилган ҳужжатлари мазмун ва моҳиятини тушуниш, уларни ҳаётга тадбиқ этиш ва тарғиб қилиш, ҳуқуқий ҳужжатларни расмийлаштириш борасидаги малака ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

I. ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш тизимида экологик ҳуқуқбузарликлар яъни, экология ва атроф муҳит тўғрисидаги қонун ва қонунга асосланиб қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоида ва талабларни бузганлик учун юридик жавобгарлик муҳим ўрин эгаллайди.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик жавобгарлик - бу экология ва атроф муҳит соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган қоида ва нормаларни бузган шахсга ўзининг ижтимоий зарарли ёки ижтимоий ҳавфли, айбли, ҳуқуқ нормаларига зид ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун ваколатли давлат идораси ёки мансабдор шахс томонидан қонун ҳужжатларда белгиланган жазо чорасини қўллашдир.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун экологик юридик жавобгарлик-бу ижтимоий жавобгарликнинг бир туридир. Жавобгарликнинг бу тури қуйидаги хусусиятлари билан бошқа ижтимоий жавобгарлик турларидан фарқ қилади:

Биринчидан, юридик жавобгарлик оқибат, жараён сифатида фақат амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ регламентланади;

Иккинчидан, юридик жавобгарлик давлатнинг мажбурлов кучи орқали амалга оширилади;

Учунчидан, экологик ҳуқуқбузарликлар учун белгиланадиган юридик жавобгарлик бошқа соҳалардаги ҳуқуқбузарликларга белгиланадиган жавобгарликлардан ҳам фарқ қилади. Хусусан, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш билан бирга, атроф муҳитга етказилган зарарни қоплашни ҳам талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига кўрсатилган экологик жиноятлар учун, агар экология ва атроф муҳитга етказилган зарар тўлиқ қопланган бўлса, қонунда белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўрнига, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо чораларини қўллаш мумкин.

Тўртинчидан, юридик жавобгарликни қўллаш воситаси орқали давлатни экологик сиёсати амалга оширилади. Албатта шуни ёдда тутиш зарурки, юридик жавобгарлик давлатнинг экологик сиёсатини амалга оширишнинг муҳим воситаси бўлиши билан бирга, жисмоний ва юридик шахслар экологик қонун ҳужжатларида белгиланган экологик талабларни ўз

хоҳиши билан бажармаган ёки зарур даражада бажармаган ҳолларда қўлланилади;

Бешинчидан, экологик жавобгарликнинг айрим турлари юридик шахсларга нисбатан ҳам қўлланилади.

Жисмоний ва юридик шахсларни экологик қонунларда белгиланган экологик ҳуқуқий талабларни бузганлик учун юридик жавобгарликка тортиш қўйидаги мақсадларни назарда тутати:

-экологик қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган норма ва қоидаларига роя қилишни рағбатлантириш;

-атроф табиий муҳитга, шунингдек жамиятга еткилган зарарларни қоплаш;

-экологик ҳуқуқий муносабатларнинг қолган бошқа субъектларини экология ва атроф табиий муҳит тўғрисидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларни бузмасликлари тўғрисида огоҳлантириш, уларни шу каби ҳуқуқбузарликларни содир этишларини олдини олиш;

-экологик қонунларда белгиланган қоидаларга роя қилмаган ва экологик талаблар бажармаган жисмоний ва юридик шахсларни жазолаш мақсадларида қўлланилади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида юридик жавобгарлик учун асос экологик ҳуқуқбузарликни содир этилишидир.

Экологик ҳуқуқбузарлик -бу юридик ёки жисмоний шахсининг экологик қонун ҳужжатлари талабларини бузишга, атроф табиий муҳитга зарар келтирувчи ёки зарар келтириш хавфи бўлган, ёхуд экологик ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфатларини бузишга қаратилган ижтимоий зарарли ёки ижтимоий хавфли бўлган ҳуқуққа хилоф, айбли , ҳатти- ҳаракат(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лардир.

Экология ҳуқуқида экологик ҳуқуқбузарлик яъни , табиатни муҳофаза қилишга доир қонунларни бузиш учун жавобгарлик белгиланадиган ҳолатлар руйхати Ўзбекистон Республикасининг ”Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” қонуннинг 47-моддасида белгиланган:

-табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузишда, шу жумладан корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа объектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаи назаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузишда;

-табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланишда, давлат экология экспертизаси талабларини бажармаганликда;

-Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун белгиланган тўловни, шунингдек атроф муҳитни ифлослантирганлик ва унга зарарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун компенсация тўловлари тўлашдан бош тортганликда;

-табиатни муҳофаза қилиш объектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармасликда;

-атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган зарарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаганликда;

-табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаганликда;

-табиатни муҳофаза қилиш объектлари ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг ҳуқуқий режимини бузганликда;

-атроф табиий муҳитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузганликда;

-чиқиндиларни, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вақтида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда;

-атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни муҳофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз ҳуқуқ ва вазифаларини рўёбга чиқаришларига тўсқинлик қилганликда;

атроф табиий муҳитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вақтида ва тўғри ахборот беришдан бош тортганликда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига биноан интизомий, маъмурий, жиноий ва бошқа йўсиндаги жавобгарликка тортиладилар.

Экологик ҳуқуқбузарликларни турли хил асосларга кўра таснифлаш мумкин:

-зарар етказилган табиий ресурсларни турлари буйича ер,ўрмон, сув билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, қонлар ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси каби соҳалар тўғрисидаги қонунларни бузилиши ;

-етказилган зарарларнинг характери буйича атроф табиий муҳитни,алоҳида табиат объектларини (ўрмон, сув, қонлар, ерлар ва шу қабилар) ифлосланиши;

-табиат объектларни nobуд қилиниши, шикастланиши, бузилиши (ерларни бузиш, Қизил китобга киритилган ҳайвонларни nobуд қилиш, оқова сувлар, кимёвий моддалар, саноат ва коммунал хўжалик чиқиндилари ва шу кабилар билан ўрмонларни, сув манбаларини ифлосланиши,сув иншоатларини шикастланиши);

-табиат ресурсларини қуриши(ер усти ва ер ости сувларини қуриши, фойдали қазилма бойликлар жойлашган участкаларда асоссиз йўқотишларга олиб келадиган қайта ишлаш ва бошқа шу каби камайишлари);

-табиий ресурслардан норационал фойдаланиш (масалан, сувлардан хўжасизларча фойдаланиш, қишлоқ хўжалик ерларидан норационал фойдаланиш).

Ижтимоий зарарлилиги ва ижтимоий хавфлилик даражасига қараб экологик ҳуқуқбузарликлар интизомий,маъмурий фуқаролик (мулкый ва мулк билан боғлиқ номулкий) ва жиноий ҳуқуқбузарлик(жиноят)ларга бўлинади. Ҳуқуқбузарликларнинг турларига қараб ҳуқуқбузарлик субъектларига турли хил жавобгарликлар : интизоми, маъмурий,фуқаролик ва жиноий жавобгарликлар белгиланади.

Шу билан бир вақтда бир экологик ҳуқуқбузарликга бир неча юридик жавобгарлик турлари қўлланилиши мумкин(масалан, шахс ишдан бўшатилиши ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.)

Ваколатли идоралар ва мансабдорлар шахслар ҳар бир содир қилинган экологик ҳуқуқбузарликга аниқ ҳолат буйича жавобгарликнинг тури ва миқдорини алоҳида, алоҳида белгилайди.

Умумий ҳуқуқ назариясига кўра, ҳар бир экологик ҳуқуқбузарлик тузилиши тўрта таркибий қисмдан : объект, субъект, объектив тамон, субъектив тамон иборат. Ана шу элементлар мавжуд бўлгандагина экологик ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлади, бу элементлардан бирортаси мавжуд бўлмаган тақдирда экологик ҳуқуқбузарлик ҳам мавжуд бўлмайди.

Экологик ҳуқуқбузарликнинг объекти – бу атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолини экологик хавфсизликни таъминлаш, инсонга фаровон яшашии учун зарур бўлган экологик табиий муҳитин яратиш соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир.

Бу муносабатлар ўз мазмунига кўра, табиий ресурслардан фойдаланишда яна ҳам торроқ ижтимоий муносабатларни бирлаштиради: табиий ресурсларга мулкчилик, жамият экологик хавфсизлиги, табиатни сақлаш ва шу кабилар билан боғлиқ муносабатлар.

Мазкур экологик ҳуқуқбузарликларнинг предмети табиий муҳит ёки унинг алоҳида компонентлари, атроф табиий муҳит билан табиий равишда

экологик боғлиқ бўлган табиат объектларидир. Агар бундай алоқа узилса, экология билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқбузарлик содир этилган бўлади. Масалан, йиғилган ҳосилни толон-тарож қилиш, қишлоқ хўжалиги ёхуд уй ҳайвонларини нобуд қилиш ва шу кабилар.

Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектлари - бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида экологик ҳуқуқбузарликни содир этган юридик ва жисмоний шахслардир. Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъекти бўлиши учун уни қайси давлат фуқароси бўлишининг фарқи йўқ. Экологик ҳуқуқбузарликларни айрим турлари буйича жавобгарликка махсус субъектлар тортилиши мумкин (масалан, мансабдор шахслар ёки муайян фаолият билан шуғирланишга лицензияси, рухсатномаси бор шахслар).

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг турлари буйича субъектлар таркиби ҳам ҳар хил бўлади. Масалан, интизомий ҳуқуқбузарлик учун белгиланадиган жавобгарликнинг субъектлари: корхонанинг мансабдор шахслари ва ходимлари, жиноий жавобгарликнинг субъектлари: мансабдор шахслар ва фуқаролар, фуқаролик жавобгарликники эса: юридик ва жисмоний шахслар бўлади.

Таъкидлаш лозимки, экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектлари ҳуқуқий лаёқат ва муомила лаёқатига эга шахслар бўла олади. Ҳуқуқий лаёқат бу ҳуқуқ ва бурчларга эга бўлиши қобилияти бўлиб, жисмоний шахсларда туғилга вақтдан вужудга келади, айрим масалалар буйича она қорнидаги бола ҳам ҳуқуқий лаёқатга эга бўлади. Шахснинг ўзи ҳуқуқ ва бурч ярата олиш, бурчларни ўзи мустақил ижро эта олиш қобилияти муомила лаёқати бўлади. Муомила лаёқати субъектларнинг ҳар хил турлари шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг турларига қараб белгиланади. Муомила лаёқати қоида буйича 18 ёшдан, яъни жисмоний шахсни балоғатга етган кундан бошланади. (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 22 моддаси). Айрим ҳолларда жисмоний шахснинг муомила лаёқати 13 ёшдан бошланади. Бу жиноий ҳуқуқий муносабатларда, масалан қотиллик жиноий ҳуқуқий муносабатларда (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси 17 модда).

Юридик шахсларнинг ҳуқуқий лаёқати ва муомила лаёқати уни давлат руйхатидан ўтган вақтдан бошланади (Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси 44 модда).

Умумий қоида буйича маъмурий ва жиноий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик 16 ёшдан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик 18 ёшдан, интизомий жавобгарлик 16 ёшдан, моддий жавобгарлик 18 ёшдан белгиланади. Бироқ, экологик ҳуқуқбузарликлар буйича субъектларнинг муомила лаёқати ҳар бир муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Экологик ҳуқуқбузарликнинг объектив томони - қуйидаги элементлар мажмуида ўз ифодасини топади:

-ҳуқуққа хилоф ҳатти-ҳаракат(ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);

-атроф табиий муҳитга етказилган зарар ёки шундай зарар етказилишини аниқ хавфини мавжудлиги ёхуд экологик ҳуқуқ субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузилиши;

-ҳуқуққа хилоф ҳаракат билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланишни мавжудлиги.

Мазкур элементлар экологик ҳуқуқбузарлик объектив томонининг бўлиши шарт бўлган, зарур, асосий элементлари бўлиб, уларнинг бирортасини бўлмаслиги объектив тамонни йўқлигидан далолат беради. Бу эса, содир қилинган ҳатти-ҳаракатда ҳуқуқбузарлик таркиби йўқлиги боис шахсни жавобгарликдан тўлиқ озод қилишга мажбур қилади. Экологик ҳуқуқбузарликнинг объектив томони қўшимча элементларга ҳам эга бўлади: ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой, усул ва вазият. Бу қўшимча элементларнинг аҳамияти шундаки, содир этилган экологик ҳуқуқбузарликларни ижтимоий хавфлигини индивидуаллаштириш, адолатли жазо чораларини танлаш ва қўллаш имконини беради. Шу билан бирга қонун чиқарувчи тамонидан бу асосий элементларни санаб кўрсатишидан мақсад бу асосий элементларнинг мавжуд эмаслиги ҳуқуқбузарни жавобгарликка тортиш мумкин эмаслигини билдиради (масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 195 моддасига мувофиқ, зарарланишни олдини олиш чорасини кўрмаганлиги учун, агар экологик ифлосланиш ҳолати юз бермаса, тадбирни ўтказиш учун зарур вазият бўлмаса ҳуқуқбузарни содир этилган ҳуқуқбузарликни ижтимоий хавфи бўлмаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди).

Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектив тамони -бу экологик норма ва қоидаларнинг бузилишига ҳуқуқбузарнинг психологик, яъни руҳий муносабатидир. Қоида буйича экологик ҳуқуқбузарликлар субъектив томондан қасддан ва эҳтиётсизликдан содир этилади. Экологик ҳуқуқбузарликнинг қасддан содир этилиши – бунда ҳуқуқбузар ўз ҳатти-ҳаракатлари натижасида ижтимоий зарарли ёки хавфли оқибатни келиб чиқишини олдиндан кўради, хоҳлайди ёки онгли равишда бу оқибатни келиб чиқишига йўл қўяди. (масалан, корхона ўзининг заҳарли ишлаб чиқариш чиқиндиларини мўлжалланмаган жойга ташлайди). Қасд икки турга бўлинади: тўғри ва эгри қасд. Этиётсизлик ҳам икки турга: ўз ўзига ортиқча ишониш ва бепарволик турларига бўлинади. Ўз ўзига ортиқча ишониш бу экологик талабларни бузувчи шахс ўз фаолиятининг салбий оқибатларини очиқчасига истамасада,

бу оқибатни олдини оламан деб ўзига ортиқча ишонади, аммо зарарли оқибат келиб чиқади. Бепарволик эса, экологик ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқадиган зарарни келиб чиқишини ҳуқуқбузар очикчасига истамасада, унинг бепарволиги, ўзига ортиқча ишониши туфайли салбий оқибат юзага чиқади.

Экологик талабларни бузилишида экологик ҳуқуқбузарнинг айби бўлиши шарт, акс ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари шахсни барча экологик ҳуқуқий жавобгарлик турларида шахсни жавобгарликка тортиш мутлоқа мумкин эмас(масалан, ортиқча ҳавф манбаи эгаларини жавобгарлиги).

Юридик шахслар содир этган экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектив тамони уларнинг мансабдор шахслари ва ходимларини айбида ифодаланади. Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектив тамонининг ҳам объектив тамони каби қўшимча белгилари ҳам бўлади: мақсад ва мотив. Мазкур белгиларнинг аҳамияти худди объектив тамоннинг белгилари каби жазо чоралари турларини танлашда, адолатли жазолашда, ҳуқуқбузарни шахсини инobatга олишда, жазо чорасини тарбиявий аҳамиятини таъминлашда муҳим ҳисобланади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва уларга белгиланадиган юридик жавобгарликлар ҳам юқорида таъкидланганидек, тўрта турга бўлинади:

1. Интизомий ҳуқуқбузарлик ва интизомий жавобгарлик;
2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик;
3. Фуқаролик(мулкӣ ва мулк билан боғлиқ номулкӣ) ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик;
4. Жиноий ҳуқуқбузарлик(жиноят) ва жиноий жавобгарлик.

Назорат учун саволлар:

1. Экологик ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик нима?
2. Экологик ҳуқуқбузарлик белгилари ва таркиби қандай?
3. Экологик ҳуқуқбузарликлар қандай ва ким томонидан аниқланади?
4. Экологик жавобгарликнинг мақсади нима?
5. Экологик ҳуқуқбузарлик турлари қандай ?
6. Экологик жавобгарликнинг ҳусусиятлари айтинг?
7. Экологик жавобгарлик қайси давлат органлари томонидан қўлланилади?
8. Экологик ҳуқуқбузарлик ва жавобгарликлар қайси қонунларда белгиланган?

II. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

Мазкур қўлланмада маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тўғрисида фикр юритилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик – бу қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайри ҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Маъмурий жавобгарлик – бу қонунда белгиланган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун қонунда кўрсатилган маъмурий жазо чораларини ваколатли мансабдор шахс ёки давлат органи томонидан қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг бир туридир.

Маъмурий ҳуқуқбузарликларни вақтида аниқлаб, вақтида уни олдини олиш мақсадида маъмурий жазо чоралари қўлланилса, оғир мулкӣ ва мулк билан боғлиқ номулкий ҳуқуқбузарликлар, экология ва атроф муҳит соҳасидаги жиноятларни содир этилишининг олди олинади ва жиноятларни содир этилишига барҳам бериш имкони яратилади.

Башарти, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги ғайри ҳуқуқий эканлигини билган бўлса, унинг зарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйган бўлса, бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик қасддан содир этилган деб ҳисобланади.

Содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида маъмурий жазо белгиланиб, у маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек, ана шу ҳуқуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган пайтда ўн олти ёшга тўлган, ақли расо шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш қоидаларига риоя этмаганлик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликлари учун мансабдор шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозимдир.

Мансабдор шахс - бу доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, ҳокимият вакили вазифаларини

базарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахсдир.

Ҳокимият вакили – бу давлатнинг бирон-бир ҳокимият органи номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи, ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахсдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади. Дипломатик иммунитетга эга бўлган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖтК)нинг Ўзбекистон Республикаси қатнашчи бўлган халқаро шартномалар ва битимларга зид бўлмаган қисми қўлланилади.

Маъмурий жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар (МЖтКнинг 31-моддаси) жумласига қуйидагилар киради:

- 1) айбдорнинг ўз қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиши;
- 2) айбдорнинг ҳуқуқбузарликнинг зарарли оқибатлари олдини олиши, етказилган зиённи ихтиёрий равишда тўлаши ёки келтирилган зарарни бартараф қилиши;
- 3) ҳуқуқбузарликнинг кучли рухий хаяжон таъсири остида ёки оғир шахсий, оилавий ёхуд бошқа шароитлар юзага келганлиги оқибатида содир этилиши;
- 4) ҳуқуқбузарликнинг таҳдид ёки мажбурлов таъсирида ёхуд хизмат юзасидан, моддий ёки бошқа жиҳатдан қарамлиги таъсири остида содир этилиши;
- 5) ҳуқуқбузарликнинг вояга етмаган шахс томонидан содир этилиши;
- 6) ҳуқуқбузарликнинг ҳомиладор аёл ёки ўн тўрт ёшгача бўлган боласини яққа ўзи тарбиялаётган шахс томонидан содир этилиши.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) бошқа ҳолатларни ҳам жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин.

7. Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар (МЖТКнинг 32-моддаси) жумласига қуйидагилар киради:

1) ғайри ҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ваколати бор шахслар томонидан қўйилган талабга қарамай, бундай ҳаракатларни давом эттириш;

2) маъмурий жазо чорасига тортилган шахснинг бир йил мобайнида яна ўша хилдаги ҳуқуқбузарликни содир этиши, худди шунингдек ҳуқуқбузарликнинг илгари судланган шахс томонидан содир этилиши;

3) вояга етмаган шахсни ҳуқуқбузарликка тортиш;

4) ҳуқуқбузарликнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши;

5) ҳуқуқбузарликнинг табиий офат шароитида ёки бошқа фавқулодда ҳолатларда содир этилиши;

6) ҳуқуқбузарликнинг маст ҳолда содир этилиши.

Маъмурий жазо чорасини қўлланувчи орган (мансабдор шахс) содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликнинг хусусиятига қараб мазкур ҳолатни айбни оғирлаштирувчи ҳолат деб топмаслиги мумкин.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келтирилган зарарни қоплаши шарт.

Башарти, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш оқибатида жисмоний шахсга, корхона, муассаса, ташкилотга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ёки давлатга етказилган мулкий зарар белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақидан кўп бўлмаса, орган (мансабдор шахс) жазо қўлланиш пайтида айбдор бу зарарни қоплаши тўғрисидаги масалани ҳам ҳал этишга ҳақлидир. Маъмурий суд эса - бу масалани етказилган зарар миқдоридан қатъи назар ҳал қилаверади. Бошқа ҳолларда маъмурий ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш фуқаролик-ҳуқуқий тартибида ҳал қилинади.

Назорат учун саволлар:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тушунчаси ва унинг хусусиятлари;
2. Маъмурий жавобгарлик тушунчаси ва белгилари;
3. Маъмурий жавобгарликни оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатлар;
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик оқибатида келиб чиқадиган зарарлар.

III. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИКНИ ИСТИСНО ЭТУВЧИ ҲОЛАТЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида (МЖтК) ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиловчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган, лекин «зарурий мудофаа ҳолатида, яъни шахсни ёки мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларини, жамият ёки давлат манфаатларини ғайри ҳуқуқий тажовузлардан шундай тажовуз қилаётган шахсга зарар етказиш йўли билан ҳимоя қилиш вақтида, башарти бунда зарурий мудофаа чегарасидан чиқиб кетилишига йўл қўйилмаган бўлса, содир этилган ҳаракатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик деб ҳисобланмайди.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим:

- 1) маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳодисаси ёки аломати йўқ бўлса;
- 2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш пайтида шахс ўн олти ёшга тўлмаган бўлса;
- 3) ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этган шахс ақли норасо бўлса;
- 4) шахс ҳаракатни зарурий мудофаа ҳолатида ёки охириги зарурат ҳолатида қилган бўлса;
- 4¹) шахс ҳаракатни жисмоний ёки руҳий мажбурлаш ёхуд қўрқитиш натижасида қилган бўлса;
- 5) амнистия акти чиқиши, агар у маъмурий жазо чорасини қўлланишни бекор қилса;
- 6) маъмурий жавобгарликни белгиловчи ҳужжат бекор қилинган бўлса;
- 7) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтига келиб МЖтКнинг 36-моддасида назарда тутилган муддатлар ўтиб кетган бўлса;
- 8) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс хусусида шу факт юзасидан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида ваколатли орган (мансабдор шахс) қарор чиқарган бўлса ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни тугатиш тўғрисида чиқарилган қарор бекор қилинмаган бўлса, шунингдек мазкур факт юзасидан жиноят тўғрисидаги иш қўзғатилган бўлса;

9) шахс иши юритила бошланган пайтда вафот этган бўлса;

10) ҳуқуқбузарликнинг оқибатлари бартараф этилган тақдирда шахсни жавобгарликдан озод этиш ушбу МЖтКнинг тегишли моддасида назарда тутилган бўлса.

Назорат учун саволлар:

1. Маъмурий жавобгарликни истисно қиладиган, яъни маъмурий жавобгарлик қўлланилмайдиган ҳолатлар;

2. Маъмурий жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатлар қайси кодексда белгиланган.

IV. МАЪМУРИЙ ЖАЗОНИНГ ТУРЛАРИ

1. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қўйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

5) маъмурий қамоққа олиш.

6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.

2. Ашёларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш ҳам асосий, ҳам қўшимча маъмурий жазо тариқасида қўлланилиши мумкин.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик қуроли ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш ёки мусодара қилиш асосий ёки қўшимча маъмурий жазо тариқасида қўлланилаётганида ашёни ҳақини тўлаш ва буюмни мусодара қилиш фақат маъмурий ҳуқуқбузарлик воситаси бўлган (қурол, тур, қайиқ, автомашина ва

бошқ) ҳуқуқбузарнинг мулки сифатида назарда тутилиши лозим. Маъмурий ҳуқуқбузарликнинг бевосита буюмлари (қуш, балиқ, ёввойи ҳайвон ва бошқ) МЖТКнинг 290-моддасига биноан улар давлат мулки сифатида мусодара қилиниши лозим.

Қўлга олиш вақтида олиб қўйилган ашё ва ҳужжатлар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилгунга қадар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспектори (мансабдор шахслар) томонидан белгилаб бериладиган жойларда сақланади. Ашё ва ҳужжатларнинг характери, хусусияти ва мазмунига қараб сақлаш жойи белгиланади. Буюм ва ҳужжатларни сақлашга топшириш ҳужжат асосида расмийлаштирилиши лозимдир.

Ўқ отар қўроллар ва ўқ-дориларни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйилиши ҳақидаги қарор Миллий гвардия органи томонидан амалга оширилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни амалга ошириш қуроли ёки бевосита предмети бўлган буюмни мусодара қилиш тўғрисидаги қарори ушбу ишни кўриб чиқувчи маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан чиқарилади ва суд ижрочиси томонидан ижро этилади.

Буюмни мусодара қилиш (сотиш ёки йўқ қилиш) ҳақидаги қарор ижро этилганидан сўнг бажарилганлик ҳақида баённома тузилиб, маъмурий ишлар бўйича қарор чиқарган судьяга юборилади.

МЖТКнинг 342-моддасига биноан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарор ов қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат экологик назорати олиб боровчи органлар – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги Давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг мансабдор шасхлари томонидан овчилик билетини олиб қўйиш йўли билан ижро этилади.

Битта шахс икки ёки ундан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда, ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан кўрилатган ишлар учун маъмурий жазо МЖТКнинг 34-моддасига асосан ҳар бир қилинган ҳуқуқбузарлик учун алоҳида-алоҳида қўлланилади. Башарти, шахс бир неча маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган бўлса, шу ҳақдаги ишлар бир вақтнинг ўзида айна бир орган (мансабдор шахс) томонидан кўриб

чиқиляётганда, ўша шахсга нисбатан қўлланиладиган узил-кесил жазо оғирроқ маъмурий жазони назарда тутувчи санкция доирасида қўлланилади.

Маъмурий жазо ҳуқуқбузарлик содир этилган кундан бошлаб, давом этаётган ҳуқуқбузарликлар учун эса ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин. Жиноят ишини қўзғатиш ҳақида ариза юборилганда жиноят иши қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ойдан кечиктирмай қўлланилиши мумкин.

Башарти, маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб бир йил мобайнида янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Назорат учун саволлар:

1.Маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этганлиги учун белгиланадиган жазо чоралари;

2.Маъмурий жазоларнинг мақсади ва вазифалари;

3.Экологик маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир этилишини олдини олишда жазо чораларини ўрни ва аҳамияти қандай?

4.Маъмурий жазоларнинг турлари;

5.Маъмурий жазоларни қўллаш тартиби, маъмурий ишларни кўрувчи муассасалар;

6.Маъмурий ишларни кўрувчи мансабдор шахслар

V. МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК КОДЕКСИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 2018 йил 10 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–495-сон Қонун билан тузатишлар киритилди.

Мазкур Қонун «Халқ сўзи» газетасида эълон қилиниб, уч ой ўтгач, яъни 2019 йил 12 январдан эътиборан кучга кирди.

Ушбу Қонуннинг аҳамияти шундаки, биринчидан, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, айниқса, ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги санкциялар кучайтирилди:

1. Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 72-моддаси 1, 2, 4-қисмлари)

Сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сув тўплаш иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш:

фуқароларга – ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (ҳозирда – 1-3 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 3-5 баравар).

Корхоналар, коммунал ва бошқа объектларни сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объектларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш:

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 3-5 баравар)

МЖТКнинг 72-моддаси 1, 2 ёки 3-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса:

фуқароларга – ЭКИХнинг 7 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 5-7 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 15 бараваридан 20 бараваригача (ҳозирда – 7-15 баравар).

2. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 74-моддаси)

Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни

муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш:

фуқароларга – ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (ҳозирда – 1-2 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 2-6 баравар)

Сунъий сув оқимлари (очиқ ва ёпиқ каналлар, коллектор-дренаж тармоқлари), сув ҳавзалари (сув омборлари, сел сувлари тўпланадиган жойлар, ҳовузлар ва бошқалар) ҳамда бошқа сунъий сув объектларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш, яъни сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сувларнинг ва сув объектларининг ҳолатига таъсир этувчи гидротехника ишларини ва бошқа ишларни ўзбошимчалик билан бажариш, сув объектларидан белгиланган сув олиш лимитлари, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли режаларини бузиш:

фуқароларга – ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача (ҳозирда – 2/3 қисмидан 1 бараваригача)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 1-4 баравар)

МЖТКнинг 74-моддаси 1 ва 2-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса:

фуқароларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 7 бараваригача (ҳозирда – 2-6 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 10 бараваридан 20 бараваригача (ҳозирда – 6-14 баравар)

3. Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 75-моддаси)

Сув объектларидан олинадиган ва уларга қуйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш:

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (ҳозирда – 1-3 баравар)

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса:

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 3-7 баравар).

4. Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 76-моддаси)

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш:

ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (ҳозирда – 1/3 қисмидан 1 бараваригача)

Сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш:

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 7 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 1-3 баравар).

5. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш (МЖТКнинг 82-моддаси)

Давлат қўриқхонаси режимини бузиш:

фуқароларга – ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (ҳозирда – 1-3 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 15 бараваридан 20 бараваригача (ҳозирда – 3-5 баравар)

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор қўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш:

фуқароларга – ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (ҳозирда – 1/3 қисмидан 1 бараваригача)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 15 бараваридан 20 бараваригача (ҳозирда – 1-3 баравар)

МЖТКнинг 82-моддаси 1 ёки 2-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса:

фуқароларга – ЭКИХнинг 15 бараваридан 30 бараваригача (ҳозирда – 3-5 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 30 бараваридан 40 бараваригача (ҳозирда – 5-7 баравар).

6. Саноат, рўзғор чиқиндилари ва бошқа чиқиндиларни тўплаш (тўлдирилмоқда, таҳр.), ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш (ҳозир – кўмиб ташлаш, таҳр.)*, сақлаш (тўлдирилмоқда, таҳр.), утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш (МЖТКнинг 91-моддаси)

Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш (ҳозир – кўмиб ташлаш, таҳр.)*, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш:

фуқароларга – ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (ҳозирда – 1-3 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 7 бараваригача (ҳозирда – 3-5 баравар)

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса:

фуқароларга – ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача (ҳозирда – 3-5 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача (ҳозирда – 5-10 баравар).

7. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш (МЖТКнинг 123-моддаси)

Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортидан (ҳозир – электр транспортидан, таҳр.)** ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш:

ЭКИХнинг 1/5 қисмидан 1 бараваригача (ҳозирда – 1/10 қисмидан ½ қисмигача).

8. Шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 161-моддаси)

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларининг ҳудудларини ободонлаштириш қоидаларини бузиш, шунингдек тозалик ва санитария тартибини таъминлаш қоидаларига риоя қилмаслик:

фуқароларга – ЭКИХнинг 1 бараваридан 3 бараваригача (ҳозирда – ½ қисмидан 1 бараваригача)

мансабдор шахсларга – ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (ҳозирда – 1-2 баравар).

9. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш (МЖТКнинг 163¹-моддаси)

Уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларни, шунингдек ер участкаларини канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш, таркибидаги ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган даражадан ортиқ бўлган оқова сувларни канализацияга оқизиш ҳамда канализациядан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда канализация тармоқларини

муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса:

фуқароларга – ЭКИҲнинг 3 бараваридан 5 бараваригача (ҳозирда – 2-3 баравар)

мансабдор шахсларга – ЭКИҲнинг 5 бараваридан 7 бараваригача (ҳозирда – 3-5 баравар).

Изоҳлар

* Зарарсизлантириш анча кенг тушунча, бунда чиқиндиларни нейтрал ҳолга келтириш, дезактивациялаш, дезинфекциялаш, демеркуризациялаш, чиритиш, ёқиб юбориш, термик жихатдан қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш билан боғлиқ фаолият тушунилади.

** Шаҳар йўловчилар транспортига автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, метрополитен, йўналишли ва линияли таксилар киради.

Иккинчидан, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун янги санкциялар киритилмоқда:

белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш – фуқароларга ЭКИҲнинг ½ қисмидан 3 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ЭКИҲнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган бўлса: фуқароларга ЭКИҲнинг 3 бараваридан 5 бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ЭКИҲнинг 5 бараваридан 10 бараваригача;

санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш – фуқаролардан жарима ЭКИҲнинг ½ қисмидан 3 бараваригача, мансабдор шахслардан – ЭКИҲнинг 3 бараваридан 7 бараваригача миқдорни ташкил этади;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш – мансабдор шахслардан ЭКИҲнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима;

сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш мансабдор шахслардан ЭКИҲнинг 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда, жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса – ЭКИҲнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима ундиришга сабаб бўлади.

Учинчидан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси органлари (18.04.2017 йилдаги ПФ–5018-сон Фармонга мувофиқ ташкил этилган) маъмурий

хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришга ваколатли идоралар сирасига киритилди.

Давлат инспекциясининг бошлиғи, унинг ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бош мутахассислари, шунингдек ҳудудий инспекцияларнинг бош давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари қуйидагилар бўйича ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чорасини қўллашга ҳақли:

МЖТКнинг 72-моддаси 3 ва 4-қисмлари – ичимлик эҳтиёжлари учун сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузишга оид қисмида;

МЖТКнинг 74-моддаси – ичимлик суви олишнинг белгиланган лимитларини бузишга доир қисмида;

МЖТКнинг 75-моддаси – сув объектларидан олинадиган ичимлик суви миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш қоидаларини бузишга оид қисмида;

МЖТКнинг 76-моддаси – ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга доир қисмида;

МЖТКнинг 163-моддаси – водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ва ичимлик суви таъминоти водопроводидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузишга оид қисмида;

МЖТКнинг 1631-моддаси – уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олишга доир қисмида;

МЖТКнинг 1632-моддаси (сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун янги модда, юқорига қаранг).

Назорат учун саволлар:

- 1.Маъмурий жавобгарлик кодексига экологик маъмурий жавобгарлик бўйича қандай ўзгаришлар киритилди;
- 2.Сув соҳасидаги маъмурий жавобгарлик кодексига киритилган ўзгаришлар;
- 3.Канализация тармоқлари бўйича маъмурий жавобгарлик кодексига киритилган ўзгаришлар;
- 4.Мухофаза қилинадиган ҳудудлар мухофазаси бўйича маъмурий жавобгарлик кодексига киритилган янгиликлар.

VI. АТРОФ ТАБИЙ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ТЎҒРИСИДА ИШЛАРНИНГ ИДОРАВИЙ ТААЛЛУҚЛИГИ

Давлат экологик назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар давлат экологик назоратини қуйида келтириб ўтилган йўналишлар асосида ташкил этадилар.

Ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасидаги экологик назоратни амалга оширишда:

ер ажратиш;

ер участкаларидан мақсадли фойдаланиш ва улардан фойдаланиш шартларига риоя этиш;

ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селлардан, сув босишидан, ботқоқлашишдан, иккиламчи шўрланишдан, қуриб қолишдан, зичлашишдан, ишлаб чиқариш чиқиндилари, кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишдан, емирилишнинг бошқа жараёнларидан ҳимоя қилинишини;

қишлоқ хўжалик экинларини буталар, ёввойи ўтлар билан ғовлаб кетишидан ва ерлар ҳолати ёмонлашувига олиб келадиган бошқа жараёнлардан ҳимоя қилишни;

бузилган ерларнинг рекультивациясини;

ерларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширишда тўпроқнинг унумдор қатламини кесиб олиш, фойдаланиш ва сақлаб қолишни;

фойдали қазилма бойликларни қазиб олиш, қурилиш ва бошқа ишлар учун берилган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ерларини, бошқа ерларни, уларга зарурат қолмаганда - мақсадга кўра фойдаланишга яроқли ҳолга келтиришни ўз ичига олувчи ерларни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар мажмуасининг бажарилишини текширади ҳамда назорат қилади.

Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш борасида:

ер қаъри участкасидан у берилган мақсадга мувофиқ фойдаланишни;

ер қаъридан фойдаланиш ва минерал хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш технологиясининг меъёр ва қоидаларига риоя этилишини;

кон ишларининг техник лойиҳалари ва уларни ривожлантириш режалари, шунингдек углеводород конларини қазилари ва жиҳозлаш лойиҳалари талабларига риоя этилишини;

фойдали қазилмалар конларини қазиб, ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш жараёнида геология, маркшейдерлик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжат юритилиши ва уларнинг сақланиши таъминланишини;

ер қаъридан қазиб олинадиган ва унда қолдириладиган асосий ва улар билан биргаликда чиқадиган фойдали қазилмалар компонентлари, шунингдек минерал хом ашё ва техноген минерал ҳосилалар маҳсулотларининг миқдор ва сифати ҳисоби юритилишини;

қазиб олинадиган, бироқ вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали йўлдош қазилмалар ва йўлдош фойдали компонентларнинг сақланишини;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хом ашёни қайта ишлашда йўқотиш нормативларига риоя этилишини;

фойдали қазилма конларининг бой участкаларида танлаш асосда қазиб ишларига йўл қўйилмаслигини;

асосий ва улар билан биргаликда жойлашган фойдали қазилмалар, фойдали йўлдош компонентлар захираларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек фойдали қазилма конлари, уларнинг аломати бўлган ва техноген минерал ҳосилалар конлари давлат кадастрини юритиш учун маълумотлар тақдим этилишини;

қазиб олинган фойдали қазилмалар ҳажмлари ҳақидаги маълумотлар тақдим этилишини;

ер қаъри участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ олиб борилаётган ишлар минтақасида аҳоли хавфсизлиги таъминланганлигини;

ер қаъридан фойдаланиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирларини қабул қилиш, аварияларни тугатиш режаларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишлар хавфсиз олиб борилишини;

фойдали қазилмаларни қазиб олиш корхоналари ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервациялаш тартибига риоя этилишини;

конларни қазиб ҳосил бўлган кон уюмлари ва ён деворлари нишабликларини текислаш ёки террасалаш ишлари, шунингдек эрозияга қарши чора-тадбирлар амалга оширилишини;

атроф муҳит муҳофазаси чора-тадбирларининг амалга оширилиши, шунингдек ер қаъридан фойдаланишда бузилган ер участкалари ва бошқа табиий объектлар кейинчалик фойдаланишга яроқли ҳолга келтирилишини;

ер қаърини геологик ўрганиш ишлари фойдали қазилмаларнинг беҳуда йўқотилишини ва улар сифати пасайишини истисно қилувчи усул ва йўллар билан олиб борилишини;

ер қаърини, фойдали қазилма конларини қидириш ва қазишнинг кон-техник, гидрогеологик, геологик-иктисодий ва бошқа шарт-шароитлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш учун ер ости иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш учун бериладиган ер қаъри участкаларининг геологик ўрганилиши тўлиқлигини;

фойдали қазилмалар юзасини очишда ҳосил бўладиган ва аралаш жинслар хусусиятларини, улардан ишлаб чиқаришда ва ерларни рекультивациялашда, шунингдек фойдали қазилмаларни радиация-гигиеник баҳолашда фойдаланиш учун улар бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг тўлиқлигини;

фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг оқилона, экологик хавфсиз технологиялари қўлланилишини;

кон ишларини амалга ошириш натижасида қазиб олинаётган ва ёндош фойдали қазилмалар конлари ва ер қаъри бошқа участкаларининг бузилишига йўл қўйилмаётганлигини, ер қаърида консервацияланадиган фойдали қазилмалар захиралари сақланишини;

конлардаги ўйиқлар ва уларнинг ён деворлари бардошлилиги, тоғ жинсларининг силжиш жараёнлари, ер юзаси, иморат ва иншоотлар деформациялари устидан асбоблар ёрдамида кузатувлар олиб борилишини;

маҳсулотлардан ва қайта ишлаш, оқова сувлар чиқиндиларидан фойдаланишнинг тўлиқлигини;

таркибида фойдали компонентлар бўлган, вақтинча фойдаланилмаётган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари жойлаштирилиши, ҳисоби юритилиши ва сақланишини;

чиқиндилар ва оқова сувларни белгиланган чегараларда зарарсизлантириш ёки локализациялаш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларидан фойдаланилганда уларнинг кон қазиш жойларига, ер юзасига, атмосфера ҳавосига ва сув объектларига тушишининг олдини олиш чора-тадбирлари кўрилишини назорат қилади.

Сувдан фойдаланиш, уни муҳофаза қилиш ва экологик ҳавфсизликни таъминлаш борасида:

сувдан оқилона фойдаланиш, мақсадсиз сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилишга йўл қўймаслик, сувни тежамкорлик билан ишлатиш, сув сифатини тиклаш ва яхшилашни;

ўрнатилган сув олиш лимитларига, сувдан фойдаланиш ва сувни истеъмол қилиш қоидаларига риоя қилинишини;

таркибида ифлослантирувчи моддалар бўлган оқова сувлар сув объектларига оқизилишини тўлиқ тугатишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишини;

сув объектларига, хўжалик объектларига ва табиий ресурсларга зарар етказилишининг олдини олишни;

сув олиш жойларини сувни тартибга солиш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлашни;

сув объектларини, сувни муҳофаза қилиш иншоотларини ва бошқа иншоотларни, техник қурилмаларни техник соз ҳолатда сақлашни, уларнинг фойдаланиш сифатини яхшилашни ва улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этишни;

сувни олиш ва етказишда унинг миқдори, сув объектларига ва коммунал канализация тизимларига оқизилаётган оқова сувларнинг миқдори ва сифати ҳисобини юритишни, ҳисоботлар тақдим этишни;

сув ресурсларидан фойдаланганлик, шунингдек сувни етказиб бериш хизмати ва шартнома асосида кўрсатилган бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини;

сувни тежаш чоралари кўрилишини;

сув муҳофазаси бўйича технологик, ўрмон-мелиоратив, агротехник, гидротехник, санитария тадбирлари ва бошқа тадбирлар амалга оширилишини;

сувнинг ифлосланиши, булғаниши ва камайиб кетишининг олдини олиш, сув объектларига зарарли таъсирларни тугатиш, шунингдек ер усти ва ер ости сув йиғиш майдонларининг ифлосланишига йўл қўймаслик чоралари кўрилишини;

сув объектларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари, қирғоқ бўйи полосалари ва санитария муҳофаза зоналарини сақлашнинг белгиланган режимларига риоя қилинишини;

балиқларни, бошқа сув флора ва фаунасини муҳофаза қилиш тадбирлари амалга оширилишини назорат қилади.

Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш борасида:

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни муҳофаза қилиш, қайта тиклаш ва кўпайтириш қоидаларига риоя қилинишини;

ўсимлик дунёси объектларидан оқилона фойдаланилишини;

ўсимлик дунёси объектларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш чоратadbирлари амалга оширилишини;

ёнғин хавфсизлигига риоя қилинишини ва ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш жойларида ёнғинга қарши тadbирлар амалга оширилишини;

ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилишини;

ўсимлик дунёси объектларининг ўсиш муҳитини муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя қилиниши борасида назорат юритадилар.

Ҳайвонот дунёси объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш борасида:

ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш муддатлари, нормаларига риоя қилинишини, уларнинг муҳофаза қилинишини, қайта тикланишини ва кўпайтирилишини;

ҳайвонот дунёсидан уларнинг табиий жамоаларининг бутунлиги бузилишига йўл қўймайдиган ва фойдаланишга берилмаган ҳайвонлар сақлаб қолинишини таъминлайдиган усулларда фойдаланишни;

ҳайвонлар яшаш муҳити бузилишига йўл қўймаслигини;

ҳайвонлар сони ва улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисоби юритилишини;

ҳайвонот дунёсини қайта тиклаш ва уларни кўпайтириш тadbирлари ўтказилишини;

ҳайвонларнинг яшаш муҳити муҳофазаси ва кўпайиши шароитлари ва миграцияси йўллари ташкил этилишини;

ҳўжалик фаолиятини ва бошқа фаолиятни амалга оширишда, транспорт воситаларидан фойдаланишда ҳайвонлар нобуд бўлишининг олди олинишини;

йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган ва кам учрайдиган ҳайвонлар турлари тутқунликда кўпайтирилишини;

ҳайвонлар касалланганда, табиий офатлар ва бошқа сабаблар натижасида уларнинг нобуд бўлиш хавфи бўлган ҳолларда ёрдам кўрсатилишини;

хайвонларни сақлашда ветеринария-санитария қоидалари ва талабларига риоя қилинишини назорат қиладилар.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасида:

атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи саноат (муқим) ва транспорт (кўчма) манбалари томонидан атмосфера ҳавосига кўрсатилаётган зарарли таъсири;

саноат корхоналари томонидан экологик нормативларни ишлаб чиқиши, шунингдек атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича ишлаб чиқилган ҳамда тасдиқланган экологик нормативларда келтирилган шартлар ижроси;

атмосферага чиқариб юбориладиган чиқиндиларни тозалаш учун иншоотлар, аппаратлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш ва уларнинг зарарли таъсирини камайтириш, шунингдек улар устидан назорат қилиш қоидаларига риоя қилиниши;

атмосфера ҳавосининг ҳолатига, иқлимга ва озон қатламига зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналарини жорий этишни, техника, технологиялар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллардан, ёқилғидан фойдаланишни ҳамда тайёр маҳсулот чиқаришни экологик сертификатсиз ёки унда белгиланган кўрсаткичдан четга чиққан ҳолда амалга оширилишини;

озон қатламига зарарли таъсир кўрсатишнинг олдини олишга доир талаблар ижроси;

минерал хом ашёни қазиб олиш, ташиш ва қайта ишлаш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир талаблар ижроси;

Ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини жойлаштириш ёки кўмиб ташлашга доир талаблар ижроси;

корхоналар, иншоотлар, транспорт магистраллари ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш ва фойдаланишга топшириш, ишлаб турган технология жараёнлари ва асбоб-ускуналарни такомиллаштириш ҳамда янгиларини жорий этилишида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши;

кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналарини, техника ва технологияларни жорий этиш пайтида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши;

фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятларига риоя этилиши;

корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятларига амал қилиниши;

атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатганлик учун компенсация тўловлари корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган тартибда ва миқдорларда ундирилиши;

давлат ҳисобини юритилиши юзасидан давлат экологик назорати амалга оширилади.

Чиқиндилар билан муносабатда бўлиш борасида:

чиқиндилар билан муносабатда бўлишда санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга ва бошқа талабларга риоя қилинишини;

чиқиндиларнинг паспортни тузиш, чиқиндиларнинг ҳисоби юритилишини, ҳисоботлар топширилишини;

чиқиндиларнинг фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, атроф муҳит учун хавфлилиги даражаси аниқланишини;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларининг мавжудлигини;

фойдаланилиши лозим бўлган ва ресурс қийматига эга бўлган чиқиндиларнинг бузилиши ва йўқ бўлишига йўл қўйилмаслигини, уларни йиғиш, зарур тарзда сақлаш таъминланишини;

чиқиндилардан фойдаланиш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш чоралари кўрилишини;

чиқиндиларни аралаштиришга йўл қўйилмаслигини, ишлаб чиқариш технологияларида кўзда тутилган истисно ҳоллардан ташқари;

чиқиндиларни рухсат берилмаган жойларда сақлаш, қайта ишлаш, фойдаланиш ва кўмиб қўйишга йўл қўйилмаслигини;

чиқиндилар билан муносабатда бўлишда бузилган ер участкаларини қайта культивация қилиш ишлари амалга оширилишини;

чиқиндилардан максимал даражада фойдаланиш, уларни чиқиндиларни йиғиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки бериш, шунингдек фойдаланиш лозим бўлмаган чиқиндиларни экологик хавфсиз қилиб кўмиб қўйиш таъминланишини;

чиқиндилар билан муносабатда бўлиш соҳасида атроф муҳитга рухсат берилмаган чиқиндиларни ташлаш ҳолатлари ва кўрилган чоралар ҳақидаги маълумотлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ваколатли давлат органларига тақдим қилинишини;

чиқиндиларни экологик сертификатлаштиришни;
чиқиндиларни жойлаштириш учун компенсация тўловларини киритишни
назорат қиладилар.

Атроф муҳити борасида:

атроф муҳитни инсон ҳаёти ва соғлига салбий таъсир этувчи биологик,
кимёвий, радиоактив моддалар билан ифлосланишини;
ичимлик сув таъминоти ва санитария қоидаларини бузилиши;
физик омилларнинг атмосфера ҳавосига зарарли таъсирини олдини олиш
ва бартараф этишни назорат қиладилар.

**Табиатдан фойдаланиш иқтисодий механизмларининг бажарилиши
борасида:**

атроф муҳитга ифлослантирувчи моддалар чиқарилганлиги
ва ташланганлиги, чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун компенсация
тўловлари тўланишини;

табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари талабларининг
бузилиши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ҳолати бўйича текширади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги
кодексининг 261-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Экология ва
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат
инспекторлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон
Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг,
вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
бошқармаларининг бош давлат инспекторлари ҳамда уларнинг
ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг, Қорақалпоғистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасининг, вилоятлар ҳамда
Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
бошқармаларининг катта давлат инспекторлари, Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг,
Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология
ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг давлат инспекторлари,
давлат кўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг,
табиат боғларининг, давлат биосфера резерватларининг кўриқлаш ходимлари
экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунбузилишлар
бўйича ушбу кодекснинг 63, 65-модда 4-қисми, 68, 70, 70-1, 71, 72, 73, 74, 75,
77, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84, 85, 86, 87, 88, 89, 89-1, 90, 91, 91-1, 91-2, 91-3, 92,
32

93, 95, 96, 148, 162, 163-1, 214, 228 (ушбу моддаларнинг, яъни 70-1-моддасининг 2-қисми, 77-модданинг 3 ва 4-қисмлари, 90-модданинг 2, 3, 4-қисмлари бундан мустасно) моддаларида назарда тутилган қонунбузилишлар аниқланганда маъмурий баённома ҳамда маъмурий қарор расмийлаштириб, маъмурий жаримага тортиш ваколоти берилган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, МЖтКнинг 245-моддасининг 2 ва 3-қисмлари тартибида маъмурий судларга иш ҳужжатларини юбориш фақатгина ушбу қисмларда таъкидланган ҳолатларда йўл қўйилади. Бошқа ҳолатларда давлат инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича жавобгарлар маъмурий жаримага тортилиб, унинг ижроси умумий қоидаларга кўра таъминланади.

МЖтК 245-моддасининг 2-қисмига кўра, агарда:

- ҳуқуқбузар ҳуқуқбузарлик фактини тан олмаса ёки меҳнат органининг маъмурий жаримага тортиш тўғрисидаги қароридан норози бўлса;

- маъмурий жазони камайтиришни ёки жавобгарликдан озод этишни сўраб, ариза билан муурожаат қилса,

- бу ҳақида ташкилот номидан илтимоснома ёки тегишли хат киритилса, иш ҳужжатлари маъмурий судга кўриб чиқиш учун юборилади.

МЖтК 245-моддасининг 3-қисмига кўра, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғида якка тартибдаги тадбиркорлар ва (ёки) уларнинг ходимлари, юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ва (ёки) бошқа ходимлари томонидан содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий судларга кўриб чиқиш учун юборилади.

Демак, ҳуқуқбузарлик тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан содир этилганда, тўпланган маъмурий иш ҳужжатлари маъмурий судларга юборилиши лозим.

№	Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодекснинг тегишли моддалари	Мустаснолиги
1.	63-модда. Ғайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилиб олиш	
2.	65-модда. Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш 4-қисми. Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга тушириш, уларни ишлаб чиқариш чикитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий	бундан қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик мустасно

	ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш	
3.	68-модда. Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш	шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисмида
4.	70-модда. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш	бундан ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги мустасно
5.	70¹-модда 1-қисми. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш	
6.	71-модда. Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш	табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида
7.	72-модда. Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш	бундан ер ости сувларига доир қисми мустасно)
8.	73-модда. Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема ҳужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик	
9.	74-модда. Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш. 1-қисми. Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объектларидан олинadиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш 3-қисми. Ер ости сувли қатламларидан олинadиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, ер ости сувли қатламларидан сув олиш лимитларини бузиш, ер ости сувларидан ўзбошимчалик билан сув олиш, бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун сувдан умумий фойдаланиши мустасно,	
10.	75-модда. Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш	бундан ирригация тармоқларидан олинadиган сувларни ҳисобга олиш мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун
11.	77-модда. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш. 1-қисми. Тегишли руҳсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа	

	иншоотлар куриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш 2-қисми. Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузиш,	
12.	78-модда. Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш	
13.	79-модда. Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш	
14.	80-модда. Ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш	
15.	81-модда. Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш	
16.	82-модда. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш	
17.	83-модда. Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш	
18.	84-модда. Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш	мазкур ҳолатда Давлат ёнғинга қарши курашиш оргалари ҳам маъмурий жазо кўриш ҳуқуқига эгадирлар.
19.	85-модда. Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш	бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно
20.	86-модда. Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик	
21.	87-модда. Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш	бундан атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш мустасно
22.	88-модда. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик	
23.	89-модда. Ўсимликларни химоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш	бундан атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш мустасно
24.	89¹-модда. Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш	
25.	90-модда. Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга	МЖТКнинг 245-моддасига асосан Маъмурий судлар кўриб чиқади.

	<p>ошириш қоидаларини бузиш</p> <p>1-қисми. Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш</p> <p>2-қисми. Тегишли рухсати бўлмаётган туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлаш</p>	
26.	91-модда. Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш	
27.	91¹-модда. Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш	
28.	91²-модда. Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш	
29.	91³-модда. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш	
30.	92-модда. Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш	
31.	93-модда. Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш	
32.	94-модда. Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, соғи камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш	МЖТКнинг 245-моддасига асосан Маъмурий судлар кўриб чиқади.
33.	95-модда. Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик	
34.	96-модда. Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш	давлат экологик экспертизасига оид қисмида

35.	148-модда. Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш	бундан ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар мустасно
36.	162-модда. Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлан-тириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш	
37.	163¹-модда. Канализация тармоқларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш	(бундан уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш мустасно)
38.	214-модда. Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиш	(табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида)
39.	228-модда. Мухрлар (пломбалар)ни қасддан бузиш ёки юлиб олиш	(табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар)

63-моддага мувофиқ, Гайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини қабул қилиб олиш:

Гайриқонуний ов, балиқ овлаш маҳсулотини, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш маҳсулотини тайёрлаш ёки қайта ишлаш ташкилотининг, савдо ёхуд умумий овқатланиш ташкилотининг мансабдор шахси томонидан қабул қилиб олиш, —энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ҳайвонот дунёси объектларига табиий эркинликда яшовчи ёввойи ҳайвонлар - сутэмизувчилар, паррандалар, судралиб юрувчи ҳайвонлар, балиқлар ва умуртқасизлар киради, улар ҳайвонот дунёсини ташкил этади ва табиий муҳитнинг объектларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 20 ва 49 - моддаларига мувофиқ,

қонунга хилоф равишда тугилган ҳайвонот дунёси объектлари, улардан олинган маҳсулот қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олиб куйилиши лозим. Қонунга хилоф равишда тугилган ҳайвонот дунёси объектлари деб тегишли руҳсати бўлмаган ҳолда, ман қилинган жойларда, ман қилинган вақтда ёки ман қилинган қуроллар билан ов қилинган ҳайвонлар тушунилади.

Объектив томон - тайёрлов ташкилотлари мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабўл қилиб олишидан иборатдир. Ғайриқонуний ов маҳсулотларини қабўл қилиш деганда мансабдор шахснинг ов қилишга ҳуқуқи бўлмаган шахсдан қандайдир ҳайвонларни ёки уларнинг қисмларини (шоҳлари, териси, гўшти ва ҳоказо) олиши тушунилади. Ушбу мансабдор шахслар ов маҳсулотларини ҳарид қилишдан олдин, уни тақдим этаётган шахслардан Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ёки овчилик жамияти ёхуд овчилик хўжалиги томонидан берилган белгиланган шаклдаги руҳсатнома (ов йўлланмаси, лицензия) талаб қилишлари керак.

Ушбу ҳуқуқбузарликнинг субъекти тайёрлов ташкилотининг мансабдор шахси ҳисобланади.

Субъектив томондан ҳуқуқбузарлик тўғридан-тўғри ғаразли ният билан содир этилади: шахс маҳсулот қабўл қилиш қонунларини атайлаб бузаётганини ва шундай ҳаракатлар содир этишни истаётганлигини ҳис қилади.

65-моддага мувофиқ, Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш:

Қишлоқ хўжалиги ва бошқа ерларни ишлаб чиқариш чикитлари ва бошқа чиқиндилар, кимёвий ва радиоактив моддалар ҳамда оқова сувлар билан ифлослантириш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса - беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

1. Ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ерлардан оқилона фойдаланиш қоидаларини бузишда ифодаланади ва ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ерларни ижарага олувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси 39, 40, 48, 79-моддаларида назарда тугилган мажбуриятларнинг амалга оширилмаслигида намоён бўлади (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 82-модда).

Ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ерларни ижарага олувчиларнинг ерлардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги вазифалари куйидагилардан иборат: ер участкасидан белгиланган мақсадга мувофиқ оқилона фойдаланиш; тупроқ унумдорлигини ошириш; ишлаб чиқаришда табиатни

муҳофаза қилиш техноло- гиясини татбиқ этиш, ўз хўжалик фаолияти натижасида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашувига йўл қўймаслик; ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш (деҳқончиликнинг энг самарали тизимларини, ўтлоқларни сув билан таъминлаш ва пичан ўрминини яхшилаш, ерлар шурланишининг олдини олиш, суғориладиган ерларнинг ботқоқлашуви ва ифлосланиши, тупроқнинг шамол, сув эрозияси, ифлосланишининг олдини олиш, қишлоқ хўжалик экинлари экиладиган ерларни буталар ва майда ўрмонлар, бегона ўтлар ва ҳоказолар босиб кетишидан ҳимоя қилиш).

Иккинчи томондан, ерлардан хзжасизларча фойдаланиш ерлардан фойдаланмасликда ёки мақсадсиз фойдаланишда, яъни ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни берувчи ҳужжатларда, Шу жумладан, ерга доимий эгалик қилиш ёки доимий фойдаланиш Давлат актида, шунингдек, ижара шартномасида кўрсатиб ўтилган мақсадларга мувофиқ; фойдаланмасликда ифодаланиши мумкин.

68-моддага мувофиқ, Хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш

Тасдиқланган ер тузилиши лойиҳа ҳужжатларидан тегишли руҳсат бўлмайд туриб четга чиқиш, худди шунингдек тегишли органлар билан келишмай туриб объекти ларни жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва уларни фойдаланишга топшириш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш, ерлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни бузиб кўрсатиш, ахборотларни беришдан бўйин товлаш ёки нотўғри ахборот бериш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органларига шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисми амал қилади.

Ер кодексининг 12-моддаси саккизинчи ва тўққизинчи қисмларига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5 — 6-сон, 82-моддага қаранг) ички хўжалик ер тузиши турли қишлоқ хўжалик корхоналари, муассаса ва ташкилотларнинг ҳудудини ички хўжалик негизида белгилаб олиб, илмий асосланган алмашлаб экишни юритиш, барча қишлоқ хўжалик ерларини (пичанзорларни, яйловларни, боғлар, узумзорлар ва ҳоказоларни) жойлаштиришни, тупроқ эрозиясига қарши кураш тадбирларини, шунингдек, суғориладиган ерларни комплекс қайта ташкил этиш (реконструкция қилиш)ни қамраб олади.

Субъектлар — давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг мансабдор шахслари, фуқаролар ҳисобланади.

70-моддага мувофиқ, Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини бузиш:

Фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга ўзбошимчалик билан иморатлар қуриш, фойдали қазилма конларини экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда кон назорати органлари билан келишмай туриб ишга солиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш талаблари ва тартибини бузиш, ер қаъридан фойдаланишда ишларни олиб бориш хавфсизлиги талабларини бузиш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш қоидаларини ва табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш талабларини бажармаслик, ер ости сувлари режимини кузатиш учун қазилган қудуқларни, маркшейдерлик ва геологик белгиларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, худди шунингдек умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларини ерга эгалик қилувчилар ва ердан фойдаланувчилар томонидан бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Конларнинг бой участкаларини танлаб ишлатиш, минерал хом ашёни казиб олаётганда ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларни нормативдан ортиқ нобуд қилиш, фойдали қазилма конларини яроқсиз ҳолга келтириш ва фойдали қазилма захираларидан оқилона фойдаланиш талабларини бошқача тарзда бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маркшейдерлик ҳужжатларини йўқотиш, тугатилаётган ёки консервация қилинаётган конларни ва бурғиланган қудуқларни аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи ҳолатга келтириб қўйиш талабларини, шунингдек консервация

вақтида конларни, қазилаётган жойларни ва бурғиланган қудуқларни муҳофаза этиш талабларини бажармаслик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг йигирма бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер ости бойликларидан фойдаланишда бу бойликларни муҳофаза қилиш бўйича қуйидаги қоидаларга риоя этилиши лозим: фойдали қазилмалар конларини ифлосланишдан, сув босишидан, сувга тўлишидан, ёнғинлардан, фойдали қазилмаларнинг сифатини ва конларнинг саноат қимматини пасайтирадиган ёки уларнинг қазиб олинишини қийинлаштирадиган бошқа омиллардан муҳофаза қилиш; сув чиқариш майдонларида ва ер ости сувлари жойлашган ерларда саноат ва маиший чиқиндиларнинг тўпланиб қолишини бартараф этиш; ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга оширишда, айниқса, нефть ва бошқа моддаларни ер остида сақлаш, зарарли моддаларни, радиоактив чиқиндиларни ва ишлаб чиқариш чиқитлари материалларини кўмиб ташлашда ер ости ифлосланишининг оддини олиш; конлардан фойдаланишда экологик хавфсизликни таъминлаш.

Кузатиладиган режим қудуқларини йўқ қилганлик ёки уларни шикастлантирганлик учун мазкур моддада Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 115-моддаси асосида жавобгарлик белгиланади.

Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасига ҳамда Ер кодексининг 39-моддасига мувофиқ; ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг умумтарқалган фойдали қазилмалардан махсус руҳсатларсиз ўзларига берилган ер участкалари доирасида фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар, шу билан бирга, улар фойдаланиш жараёнида муайян қоидаларга риоя этишлари, масалан, умумтарқалган фойдали қазилмалардан фақат ўз хўжалик эҳтиёжлари учун фойдаланишлари, уларни қазиб олишни муайян чуқурликда амалга оширишлари лозим ва ҳоказо.

Ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг асосий вазифалари қуйидагилардир: конларнинг бой участкаларини танлаб қазиб олишга, минерал хом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашда фойдали қазилмаларнинг меъёрдан ортиқ нобуд бўлишига йўл қўймаслик; конлардан мақсадли

фойдаланиш; ишларни лойиҳаларга мувофиқ амалга ошириш ва ҳоказолар. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонуннинг 18-модда, иккинчи қисмида ва бошқа моддаларида назарда тутилган ер ости бойликларидан оқилона фойдаланишга доир мажбуриятларни ер ости бойликларидан фойдаланувчилар бажармасалар, шарҳланаётган модданинг иккинчи қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Шарҳланаётган модданинг тўртинчи қисми ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси татбиқ этилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

Мазкур ҳуқуқбузарлик субъекти мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланади. Лекин фуқаролар ер ости сувларини кузатиш режим қудуқларини йўқ қилганлик ёки шикастлангирганлик учун, уларга эгалик қилиш ёки фойдаланиш учун берилган ер участкаларидаги умумтарқалган фойдали қазилмалардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини бузганлик оғир оқибатларга олиб келса, мазкур ҳуқуқбузарлик ЖКнинг 197-моддаси билан квалификация қилинади.

70¹-моддага мувофиқ, Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш:

1-қисми. Дарёларнинг ўзанларини тозалашга ва қирғоқларини мустаҳкамлашга доир ишларни амалга ошириш тартибини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача, мансабдор шахсларга эса — эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

71-модда га муқофиқ, Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш:

Ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини топилган фойдали қазилмалар захираларига ёки фойдали қазилмалар қазиб олиш корхоналари, шунингдек фойдали

қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шароитларига нотўғри баҳо берилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тарзда бузиш, ер ости бойликларини кейинги геологик жиҳатдан ўрганишда ва конларни ишга солишда зарур бўлган геологик ҳужжатларни, фойдали қазилма намуналари дубликатларини ва кернларини йўқотиб қўйиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганишга қўйиладиган асосий талаблар Ер ости бойликлари тўғрисида» қонуннинг 24-моддасида белгиланган Ер қаърини геологик ўрганишни амалга ошираётган фойдаланувчилар ер қаъри геологик ўрганишнинг қидириб топилаётган конларни, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун, шунингдек, зарарли моддалар, радиоактив чиқиндилар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кумиб ташлаш учун бериладиган ер қаъри участкаларини ишга солишнинг кончилик-техника, геологик-иктисодий ва бошқа шарт-шароитларининг бекаму кустигини; асосий қазилма ва у билан бирга жойлашган бошқа қазилма бойликлари миқдори ва сифати аниқ белгиланишини; ер қаърини геологик ўрганиш бўйича ишларнинг фойдали қазилмалар асоссиз нобуд бўлиши ва сифати пасайишини истисно этувчи усулларда олиб борилишини таъминлашлари лозим.

Мазкур талабларнинг бузилиши, башарти улар фойдали қазилмаларнинг қидириб топилган захираларига, фойдали қазилмалар қазиб олиш бўйича корхоналар, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш шарт-шароитларига нотўғри баҳо беришга олиб келиши мумкин бўлса ёки олиб келган тарзда маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

Ер остини геологик жиҳатдан ўрганишни амалга оширувчи корхоналар, ташкилотлар қидириладиган конлар ва бурғуладиган кудуқарнинг, геологик ва ижро этиш техник ҳужжатларнинг, кон жинслари ва рудалар намуналари, керн, фойдали қазилмалар пробалари нусхаларининг

сақланишини таъмин этишлари лозим, улардан ер ости бойликларини янада ўрганиш, конларни қидириш ва ишлов беришда фойдаланиш мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганишни амалга оширувчи юридик шахсларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик билан қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

Модданинг 2-қисми кўрсатилган ҳуқуқбузарликларни такроран содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутди.

72-модда мувофиқ, Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш:

Сувларни ифлослантириш ёки бўлғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режимини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Корхоналар, коммунал ва бошқа объекти ларни сувларнинг ифлосланиши ва бўлғаниши ёки уларнинг зарарли оқибатлари олдини олувчи иншоотлар ва қурилмаларсиз фойдаланишга топшириш, шунингдек сув объекти ларининг табиий ҳолатини бузувчи бошқа ҳаракатлар қилиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сув қудуқларини қазининг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузиш (бундан жисмоний шахсларнинг ўз эҳтиёжлари учун, шу жумладан томорқа ер участкаларини суғориш учун ер ости сувларини якка тартибда олишга мўлжалланган қудуқларни қазини ҳоллари мустасно), ишлатилаётган ва кузатув қудуқларини йўқ қилиб юбориш ёки шикастлантириш, сув ўзи чиқадиган қудуқларни уларни тартибга соладиган қурилмалар билан жиҳозлашга, шунингдек ишлатишга яроқсиз қудуқларни консервациялашга ёки йўқ қилишга доир чораларни кўрмаслик, сифатли ер ости сувлари ҳосил бўладиган теграда ер ости сувлари ифлосланишининг ёки сифати ёмонлашинининг манбаи бўлиб қолиши мумкин бўлган саноат, қишлоқ хўжалиги иншоотларини ва бошқа объектларни жойлаштириш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи, иккинчи ёки учинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Барча сувлар (сув объекти лари) аҳоли соғлигига зарар келтириши, шунингдек, балиқ захираларининг камайиб кетишига, сув таъминоти шароитларининг ёмонлашувига ва бошқа ноқулай ҳолларга олиб келиши мумкин бўлган ифлосланиш, бўлғаниш ва тугаб (қуриб) қолишдан муҳофаза этилиши лозим (Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 97-моддаси)

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларга қуйидагилар ман этилади: сув объекти ларига ишлаб чиқариш, маиший, бошқа чиқиндилар ва ахлатларни ташлаш; ёғ, ёғоч, кимёвий, нефть ва бошқа маҳсулотларнинг нобуд бўлиши орқасида сувларии ифлослантириш ва бўлғантириш; ювилиши ер усти ва ер ости сувларининг ёмонлашувига сабаб бўладиган музликлар сиртини ишлаб чиқариш, маиший чиқиндилар, ахлатлар ва ташландиқлар, шунингдек, нефть ва кимёвий маҳсулотлар билан ифлослантириш, булғантириш, сувларни уғитлар ва захарли кимёвий моддалар билан ифлослантириш («Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 99-моддаси).

Шу билан бирга, қонунларда сув объекти ларига оқава сувларни ташлаш, башарти улар сувдаги ифлослантирувчи моддаларнинг белгиланган нормалардан ортиб кетмаган тақдирда ва сувда фойдаланувчининг оқава сувларни белгиланган чегарагача тозалаб туриши шарти билан руҳсат этилиши асосида йўл қуйилади.

Сув объекти ларини ифлосланишдан, булғанишдан, сув объектлари (коллар, сув омборлари, дарёлар, каналлар ва ҳоказолар) атрофини қуриб қолишдан сақлаш мақсадида сувларни муҳофаза қилиш зоналари ва санитария муҳофазаси зоналари белгиланади. Бу зоналарни белгилаш ва уларнинг режими Ер кодексида, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, қонунлар ва Сув омборлари, бошқа сув объекти лари, дарёлар, магистрал каналлар ва коллекторларнинг, ичимлик ва маиший сув таъминоти, маданий-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган сув манбаларининг сув муҳофаза зоналари тўғрисидаги низом билан тартибга солиб турилади.

Хусусан, Низомда ана шу зоналарда хўжалик фаолиятини чеклашлар назарда тутилган бўлиб, уларнинг бузилиши шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, сувларнинг ифлосланиши ва булғаниши олдини оладиган қурилмалар билан таъмин этилмаган янги ва қайта таъмирланган корхоналар, цехлар, агрегатлар, коммунал ва бошқа объекти ларни ишга тушириш тақиқланади. Табиий ҳолатни бузадиган бошқа ҳаракатлар деганда, сув объекти ларининг ифлосланиши, булғаниши ёки камайишига олиб келадиган ҳаракатларни, масалан, сув омборларига ўзан тайёрлаш бўйича лойиҳада кўзда тутилган тадбирларни амалга оширмасдан олдин сув билан тулдиришни тушунмоқ керак.

Шарҳланаётган модданинг учинчи қисмида ер ости сувларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолатини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Ер ости сувларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир талаблар «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 101-моддасида, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонуннинг 36-моддасида белгилаб берилган.

Мазкур модданинг тўртинчи қисми юқорида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда кўриладиган маъмурий жазо чорасини назарда тутди.

Бу ҳуқуқбузарликларнинг объекти лари сувлар (сув объекти лари ва уларнинг қисмлари), сувдан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга доир белгиланган тартибдир.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилган бўлиши мумкин.

Сувдан ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларининг бузилиши оғир оқибатларга олиб келса, ЖКнинг 193 ёки 196-моддалари бўйича квалификация қилинади .

73-моддага мувофиқ, Зарарли моддалар ва қоришмаларга оид операцияларни кема хужжатларида қайд этиш мажбуриятларини бажармаслик

Кема ёки бошқа сузиш воситаси капитани ёки бошлиқлар таркибига мансуб бошқа шахслар томонидан зарарли моддалар ёки қоришмаларга оид операцияларни кема хужжатларида қайд этиш юзасидан амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги — энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

74-моддага мувофиқ, Сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш:

1-қисми. Табиий сув оқимлари (жилғалар, сойлар, дарёлар ва бошқалар), сув ҳавзалари (кўллар, денгизлар) ва бошқа табиий сув объекти ларидан олинадиган сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини, сув олиш лимитларини бузиш, шунингдек, лойиҳада назарда тутилган балиқларни муҳофаза қилиш иншоотлари ва қурилмалари бўлмаган ҳолда улардан сув олишни амалга ошириш. Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисми бўйича маъмурий жавобгарлик табиий сув манбаларидан сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда вужудга келади. Ушбу қоидаларни бузиш манбалардан сувни олиш муддатлари, нормалари, шу жумладан, лимитларини бузиш, яъни белгиланган меъёрдан ортиқ хажмда сув олиш, сувдан хўжасизларча фойдаланиш орқали намоён бўлади.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ сувдан фойдаланувчилар сувдан фойдаланишнинг белгиланган лимитига риоя қилишлари зарур. Лимитлар деганда сув объекти ларидан сув олиш режаларини тушуниш керак.

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонуннинг 35-моддасида сувдан фойдаланувчиларнинг табиий объекти ларга, шу жумладан, балиқ захираларига зарар етказмаслик соҳасидаги вазифалари ҳам назарда тутилган. Шу муносабат билан қонуннинг 61-моддасида балиқ захираларини муҳофаза қилиш ва такрор ишлаб чиқариш соҳасидаги тадбирлар, шу жумладан, саноат

мақсадлари, суғориш ва бошқа эҳтиёжлар учун балиқ хўжалиги сув хавзаларидан сув олиш га фақат Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган ҳолда балиқларнинг сув иншоотларига тушиб қолиши мумкинлигига барҳам берадиган махсус мосламалар ўрнатган шароитдагина амалга ошириш мумкинлиги қоидалари белгилаб берилган.

Шарҳланаётган модданинг иккинчи қисмига мувофиқ, ирригация тармоқларида сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган тақдирда маъмурий жавобгарлик қўлланилади.

Сувдан хўжасизларча фойдаланиш деганда шундай фойдаланишни тушунмоқ керакки, бунда олинadиган ёки қўйиладиган сув технологик нормадан ортиқча, мақсадсиз фойдаланилади. Гидротехника ишларини ўзбошимчалик билан бажариш, деганда шу жумладан, сув чиқариш учун қурилган қурилмани тартибга солиш, тугонлар, сув тусқичлар, насос станциялари ва ҳоказолар қуриш тушунилади. Ирригация тармоқларида сувдан фойдаланишда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 30- моддасига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 3 август 385- сон қарорига мувофиқ белгиланган лимитларга риоя этилмаса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 74-модда иккинчи қисми бўйича жавобгарлик чоралари қўлланилади.

Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг объекти сувдан фойдаланиш тартибидир.

Мазкур ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

75-моддага мувофиқ, Сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидаларини бузиш:

Сув объекти ларидан олинadиган ва уларга қўйиладиган сув миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш ва оқиб келиб қўшилаётган сувлар сифатини аниқлаш қоидаларини бузиш, шунингдек давлат сув кадастри юритишнинг белгиланган тартибини бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

«Сув ва сувдан ўфойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 35- моддасига сувдан фойдаланувчилар олинadиган сувнинг ҳисобини олиб боришлари шарт. Худди шу талаб Ўзбекистон Республикасида сувдан лимитлаштирилган

холда фойдаланиш бўйича Муваққат тартибнинг 4-бандида ҳам мустаҳкамланган. Окава сувларни сув объекти ларига ташлашга берилган рухсатномада сувдан фойдаланувчиларнинг ташлайдиган сувлари миқдори ва сифати кўрсатилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари, кўрсатиб ўтилган Қонуннинг 112-моддасига ва Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 7 январдаги 11-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Давлат сув кадастрини ишлаб чиқиш ва юритиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқдаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, сувларнинг давлат ҳисоби, Давлат кадастрини юритиш Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология Бош бошқармаси (сиртки сувларни тақсимлаш бўйича), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (сувдан фойдаланиш бўйича) ва Геология ва минерал ресурслар Давлат қўитаси (ер ости сувларини тақсимлаш бўйича) томонидан амалга оширилиши лозим. Сувдан фойдаланувчиларнинг бирламчи ҳисобга олиш тартибини бузишда, шунингдек, кўрсатиб ўтилган органлар мансабдор шахсларининг сувларнинг давлат ҳисобини олиб бориш ва Давлат сув кадастрини юритиш тартибини бузишда айбдор бўлганлар шарҳланаётган модда бўйича жавобгарликка тортиладилар.

Бу модданинг иккинчи қисми кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун жавобгарликка тортишни назарда тутди.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти сувларни ҳисобга олиб бориш ва Давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

77-моддага мувофиқ, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш:

Тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш мақсадида ўрмон фонди ерларидаги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзорлар ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ёки шикастлантириш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор

шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўрмон фонди ерларида чорва молларини ўтлатиш қоидаларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўрмон фонди ерлари деб ўрмон билан қопланган ерлар, Ўрмон хўжалиги эҳтиёжи учун берилган, лекин ўрмон билан қопланмаган ерларга аталади. Бу ерлардан Ўрмон хўжалиги эҳтиёжлари учун, биринчи навбатда, ўсимликлар дунёсини қайта тиклаш учун фойдаланиш керак. Улардан иморатлар барпо этиш, омборлар ва ҳоказолар қуриш учун фойдаланишга фақат рухсатнома бўлсагина амалга оширилиши лозим.

Ўрмонларда ва ўрмон фондига қарашли, лекин дарахт билан қопланмаган ерларда пичан ўриш ва мол ўтлатиш ўрмонга зарар етказиши мумкин бўлган жойларда тақиқланади.

Давлат ўрмон хўжалиги корхоналари ихтиёридаги ўрмонларда ўрмон хўжалиги ва ёғоч тайёрлаш саноати эҳтиёжи учун фойдаланилмайдиган пичанзорлар ва яйловлар қишлоқ хўжалик корхоналарига, ташкилотлар ва фуқароларга вақтинча фойдаланишга, башарти бундай фойдаланишлар Ўрмон хўжалиги манфаатларига мос бўлиб тушса, берилади

Ҳокимият органлари ўрмон хўжалиги органлари ёки ўрмон хўжалиги корхоналари томонидан бериладиган Ўрмон билетлари асосида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қишлоқ хўжалиги ишларини юритиш, ёввойи озука маҳсулотларини тайёрлаш ва чорва молларини боқиш учун вақтинча фойдаланишга беришлари мумкин.

Дренаж тизимлари ва йуллернинг йўқ қилиниши ҳамда шикастланиши ўрмонлардан фойдаланишга ва уларни муҳофаза қилишга салбий таъсир этиши мумкин.

1) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 77-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибидир.

2) Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

78-моддага мувофиқ, Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш тартибини бузиш:

Кесиладиган ўрмон фондидан фойдаланиш, ёғоч тайёрлаш ва ташиб олиб кетиш тартибини, шунингдек ўрмон кесиш чиптаси (ордери)да ёки ўрмон чиптасида белгиланган бошқа талабларни бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ёғоч тайёрлаш тартиби ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 26-моддасида белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикасида ўрмонлар, асосан, биринчи гуруҳга таалукли бўлган, яъни булар табиатни муҳофаза қилиш, санитария-соғломлаштириш аҳамиятига эга бўлган ҳисобланиб, ёғоч тайёрлаш (кесиш) чекланган. Шу билан бирга, ёғоч тайёрлаш чекланган миқдорида, асосан, пишиб етилган дарахт туплари участкаларини иккинчи гуруҳга ўтказиш ва ўрмонларни тиклаш учун кесишни амалга ошириш йули билан бажарилади. Иккинчи гуруҳ ўрмонларида ёғоч тайёрлаш ўрмонларни хўжалик жихатдан қимматли бўлган ёғоч навларини тиклашга, ўрмонларни ҳимоя қилиш ва сувни сақлаш хоссаларини сақлашга қаратилган усуллар билан асосий фойдаланиладиган кесиш тартибида ўтказилиши мумкин.

Ёғоч кесишга руҳсат этиш — ўрмон кесиш чиптасини (ордерини) бериш чоғида фойдаланувчига ёғоч тайёрлаш тартиби ва ёғоч кесиш қоидалари — кесиш усули, ёғочни ташиб олиш тартиби, ҳуқуқ ва вазифалари, ёғоч кесганлиги учун тўловлар миқдори ва ҳоказолар тушунтирилади.

Ўрмондан оқилона фойдаланиш талаблари, яъни ўрмондан фойдаланувчиларнинг асосий вазифалари, ўрмондан фойдаланиш тури, ўрмондан фойдаланиш шартлари, фойдаланиш миқдорлари ва муддатлари, ўрмонларни муҳофаза қилиш тадбирлари ва бошқа алоҳида шарт-шароитлар ўрмон кесиш чиптасида (ордерида) ва ўрмон чипталарида акс эттирилади, бу чипталар ўрмон хўжалиги корхоналари (Ўрмон хўжаликлари) томонидан берилади.

Ўрмондан фойдаланиш ўрмон кесиш чиптасида (ордерида) ёки ўрмон чиптасида кўрсатиб ўтилган талабларга аниқ ва мувофиқ, келган тақдирда амалга оширилади. Агар тайёрлов ташкилоти ўрмон чиптаси (ордери) талабини кесиш учун топширилмаган участкалардаги ёғочларни кесишни амалга ошириш йули билан, фуқаролар эса бошқа участкада, нормадан ортиқча дарахт кесиш ёки дарахтларнинг бошқа навларини кесиш йули билан

бузсалар. у ҳолда мазкур ҳаракатлар ушбу Кодекснинг 79-моддаси бўйича квалификация қилинади

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ва ўрмондан фойдаланишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Бу ҳуқуқбузарликларнинг шарҳланаётган моддада назарда тутилган субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслардир.

Бу ҳуқуқбузарликлар қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

79-моддага мувофиқ, Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш

Дарахтлар, буталарни, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесиш, шикастлантириш ёки йўқ қилиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бу моддада назарда тутилган дарахтларни ғайриқонуний равишда кесиш деганда ёғоч тайёрлаш ташкилотларининг ёки фуқароларнинг кесиш учун ажратилмаган участкаларда ўрмон ўсимликларини кесиши ёхуд бошқа дарахтлар, буталарнинг бошқа навларини ёки нормадан ортиқ, кесишини ҳисоблаш керак. кўрсатиб ўтилган ҳолларда ёғоч тайёрлаш ташкилотлари ва фуқаролар дарахтлар, буталарни кесишга руҳсатлари бўлган ҳолда ўрмон кесиш чиптасида (ордериди) ўрмондан фойдаланиш субъектига нисбатан кўрсатиб ўтилган талабларни бузадилар. Ўрмон кесиш чиптасида (ордериди) назарда тутилган бошқа талаблар бузилган тақдирда бу ҳуқуқбузарлик кодекснинг 78-моддаси бўйича баҳоланиши керак. Башарти дарахтлар, буталар ўзбошимчалик билан (Ўрмон хўжалиги органларининг руҳсатисиз) кесилган бўлса, у ҳолда мазкур ҳаракат кодекснинг 60-моддаси билан баҳоланиши лозим.

Дарахтлар, буталар, бошқа ўрмон ўсимликлари ва ниҳолларни шикастлантириш ёки йўқ қилиш деганда дарахтлар ва бошқа ўрмон ўсимликларини синдириш, шох-шаббаларини шикастлантиришни тушунмоқ

керак. Одатда дарахтлар, буталар, ниҳоллар, шохлар ва кўчатларни шикастлантириш ёки йўқ қилиш улардан фойдаланиш муносабати билан эмас. Балки ёғоч кесиш, уни ташиш, ўрмон фонди ерларида қурилиш ва бошқа ишларни амалга ошириш вақтида содир бўлади. Шикастлантириш ёки йўқ қилиш фуқароларнинг ўрмонлардан дам олиш учун фойдаланиш вақтидаги ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ва дарахтлар, буталар, шохлар, ниҳоллар бошқа ўрмон ўсимликлари (кўчатлар, уруғдан ўсиб чиққан кўчатлар ва бошқалар) ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлардаги субъектлар мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилиши мумкин.

Иккинчи қисм худди шундай ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган тақдирда маъмурий жавобгарликни назарда тутаяди.

Ўрмонни ёки бошқа дарахтларни ғайриқонуний равишда кесиш катта зарар етказган тақдирда бундай ҳуқуқбузарлик ЖКнинг 198-моддаси 2-қисми бўйича квалификация қилинади.

80-моддага мувофиқ, ўрмонларни тиклаш қоидаларини бузиш:

Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тури таркибини яхшилашга, уларнинг маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек етилган ёғоч захираларидан фойдаланишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ёғоч кесилган ўрмон фонди участкаларида ва илгари ўрмон бўлган бошқа майдонларда ўрмонларни тиклаш ишлари амалга оширилиши лозим (Ўрмон туғрисидаги қонуннинг 29-моддаси). Ўрмонни тиклаш ишлари ўрмон хўжалигини юритадиган корхоналар, ташкилотлар томонидан амалга оширилади, улар бу ишларни Давлат ўрмон хўжалиги органлари томонидан белгиланадиган тартибда хўжалик жиҳатдан қимматли дарахт навларидан юқори маҳсулли ўрмонлар яратишни таъминлайдиган усуллар билан ўтказадилар. Бундан ташқари, Ўрмонларнинг сифат таркибини яхшилаш мақсадида ўрмонни парвариш қилиш учун кесиш, санитария жиҳатидан кесиш ва кам аҳамиятли кўчатларни қайта тиклаш билан боғлиқ бўлган кесишлар ўтказилиши, ўрмонларнинг ёш таркибини яхшилаш, шу жумладан, ғовлаб кетган кўчатлар тўпланиб қолишининг олдини олиш, шунингдек,

тупроқнинг унумдорлигини, ўрмонларнинг маҳсулдорлигини оширишга имкон берадиган бошқа ишлар амалга оширилиши лозим (Ўрмон туғрисидаги қонуннинг 29, 37-моддалари).

Ушбу Кодекснинг 80-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ўрмонларни тиклаш ва яхшилашнинг белгиланган тартибидир.

Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари ўрмон хўжалиги юритадиган корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг мансабдор шахслари ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан қилинадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар туфайли содир этилиши мумкин.

81-моддага мувофиқ, Қизил китобга киритилган ўсимликларни йиғиш:

Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликларни ёки уларнинг яшаш фаолияти натижасида ҳосил бўлган илдизлари, пиёзбошлари, таналари, поялари, новдалари, пўстлоғи, барглари, гунчалари, гуллари, уруғлари, мевалари, шарбатини (елимини) ва бошқа маҳсулотларини ўзбошимчалик билан йиғиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қизил китобга киритилган ўсимликларни тўплаш, қонунларда назарда тутилган ҳоллардан ташқари, таъқиқланади. «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ, Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларини табиий муҳитдан ажратиб олишга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси инобатга олинган ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатнома бўйича йўл қўйилади.

Мазкур моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузариякларнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ўсимликлардир.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар ҳисобланади.

Бу ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинадиган ҳаракатлар билан содир этилади.

82-моддага мувофиқ, Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш:

Давлат кўриқхонаси режимини бузиш - фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналари, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, айрим табиий объектлар ҳамда мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудлар, муҳофаза этиладиган ландшафтлар шу жумладан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, давлат биосфера резерватлари ҳамда давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини бузиш — (фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат кўриқхоналари ҳудудида кўриқхоналар мақсадларига зид келадиган ҳар қандай хўжалик, рекреацион ва бошқа фаолият олиб бориш тақиқланади. Кўриқхоналар, уларнинг муҳофаза этиладиган чегаралари ҳудудида иқлимлаштириш мақсади билан ўсимликлар ва ҳайвонларнинг турлари ҳамда кичик турларини жойлаштириш тақиқланади. Кўриқхоналар ҳудудларида кўриқхона ва уларга қаршли бўлган органларнинг

ходимларидан ташқари фуқароларнинг бўлишига бу органларнинг ёки кўриқхона маъмуриятининг руҳсати бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

Муҳофаза этиладиган бу табиий ҳудудларнинг тартиби ҳайвонот ва ўсимликларнинг нодир ва йўқолиб бораётган турларини, табиий мажмуаларни, ноёб манзараларни, аҳолининг дам олиши ва саломатлиги, сувларни ва ҳоказоларни муҳофаза қилиш учун шарт-шароитларни сақлаб қолиш мақсадида хўжалик ва ўзга фаолиятнинг айрим турларини чеклаш ёки тақиқлаш билан ажралиб туради.

Кўриқхоналар муҳофаза қилишнинг анча қаттиқ тартиби билан ажралиб туриши туфайли уларнинг тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 82-моддаси алоҳида қисмида белгиланган.

Мазкур моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг белгиланган ҳолати ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Бу ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

Модданинг учинчи қисми бу ҳуқуқбузарликларни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутди.

Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тартибининг бузилиши катта зарар ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келса, бу ҳолат ЖКнинг 204-моддаси бўйича квалификация қилинади.

83-моддага мувофиқ, Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш:

Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилиб юбориш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Хашаротхўр қушлар, чумолилар ва ўрмон учун фойдали бўлган бошқа фауна шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарлик объектларидир.

Ўрмон учун фойдали фаунани йўқ қилганлик учун маъмурий жавобгарлик ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 17, 25-моддаларида белгилаб берилган.

Бу ҳуқуқбузарликнинг субъектлари мансабдор шахслар ва фуқаролар ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарлик қасддан, ёки эҳтиётсизлик орқасидан қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

84-моддага мувофиқ, Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш:

Ўрмонларда ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўрмон тўғрисидаги қонуннинг 23, 24-моддаларига мувофиқ ўрмонлар ёнғиндан сақланмоғи лозим. Ўрмондан фойдаланувчилар ёнғинга қарши хавфсизлик қоидаларига риоя қилишлари, ишларни амалга ошириш жойларида ёнғинга қарши тадбирларни амалга оширишлари, ёнғин келиб чиққан тақдирда эса уни ўчиришни амалга оширишлари шарт. Бундан ташқари, ихтиёрида ўрмонлар мавжуд бўлган корхоналар, ташкилотлар муассасалар ўрмонларнинг ёнғинга қарши режали тузилишини, ёнғин чиқишининг олдини олиш, уларни ўз вақтида анивлаш ва қарши кураш тадбирларини амалга оширишлари керак. Ёнғин хавфсизлиги талабларини бузганларга: белгиланмаган жойларда гулханлар ёқиш, осон аланга оладиган моддалардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлигига, улардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик, ўрмонлардаги ахлатни ёқиб юбориш, ўрмон кесилгандан кейин чиқиндиларни тўплаб кўйиш ва йўқ қилиш, электр узатиш тармоқлари қурилиши қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳоказолар қиради.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликнинг объекти ўрмонларда ёнғинга қарши хавфсизлик талаблари ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг субъектлари фуқаролар ва мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Бу ҳуқуқбузарлик қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизлик билан содир этилади.

Модданинг иккинчи қисми худди шундай ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил

давомида такрор содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутлади.

Агар ўрмон хавфсизлиги талабларининг бузилиши билан ўрмонларда ўрмон ўсимликлари йўқ қилинган ёки шикастланган бўлса, у холда бу ҳаракатга (ҳаракатсизликка) Кодекснинг 79 ва 84-моддаларини биргаликда татбиқ этиш керак.

Агар олов билан эҳтиётсиз тарзда муомала қилиниши натижасида ўрмонлар шикастланган, йўқ қилинган ва бу билан ўрмон хўжалигига катта зарар етказилган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳаракат ЖКнинг 198-моддаси биринчи қисми бўйича квалификация қилинади.

Агар ўрмонда қасддан қилинган ҳаракатлар туфайли чиққан ёнғин натижасида катта зарар етказилган бўлса, бу ҳаракат ЖКнинг 197-моддаси учинчи қисми бўйича квалификация қилиниши лозим.

85-моддага мувофиқ, Ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш, унга зарарли физикавий таъсир кўрсатиш ёки атмосфера ҳавосидан белгиланган талабларни бузган ҳолда фойдаланиш

Ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни йўл қўйиладиган нормативдан ортиқ даражада атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш; атмосфера ҳавосига йўл қўйиладиган энг юқори нормативдан ортиқ даражада зарарли физикавий таъсир кўрсатиш; махсус ваколат берилган давлат органларининг руҳсатсиз атмосферага ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаш; қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус ваколат берилган давлат органларининг руҳсатини олиш талаб этиладиган ҳолларда бундай руҳсатни олмай туриб атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, худди шунингдек ноқулай метеорологик шароит даврида атмосферанинг ифлосланганлик даражаси ортиб кетишига сабаб бўлувчи ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлашни камайтириш чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда бажармаганлик; бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширмаслик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари атмосфера ҳавосига чиқиндилар чиқарувчи ёки зарарли физикавий таъсир кўрсатувчи ҳар бир доимий манба

учун ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар ва физикавий таъсир кўрсатиш омилларининг ҳар бири бўйича белгиланади.

Ҳавони ифлослантирувчи доимий манбалардан атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар, биологик организмлар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари ҳамда унга физикавий омиллар зарарли таъсир кўрсатишининг йўл қўйиладиган доирадаги нормативлари корхоналар, муассасалар, ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва тегишинча Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади. (*Ўзбекистон Республикаси “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 8-моддаси*)

Доимий ифлослантирувчи манбаларнинг атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқаришига давлат экологик экспертизасининг натижаларига кўра белгиланадиган ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг йўл қўйиладиган доирадаги нормативларига мувофиқ йўл қўйилади. (*Ўзбекистон Республикаси “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 11-моддаси*)

Кутилаётган ноқулай метеорология шароитлари муносабати билан атмосфера ҳавосида ифлослантирувчи моддалар концентрацияси ошиши мумкинлиги тўғрисидаги огохлантиришни олиш билан корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бундай моддаларни атмосферага чиқариб ташлашларни камайтириш тадбирларини ўтказишлари лозим.

Фаолияти атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқариб ташлаш билан боғлиқ бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар бундай моддаларни чиқариб ташлашга доир руҳсатномаларда назарда тутилган шартлар ва талабларни бажариш юзасидан техникавий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирларни, шу жумладан, бундай моддаларни ёппасига чиқариб ташлашларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга оширишлари лозим.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг объектилари атмосфера ҳавосига зарарли моддалар ва биологик организмларни чиқариш ва унга зарарли физик таъсир кўрсатишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Мазкур моддада кўзда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёхуд ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ва биологик организмларни чиқариб ташлаганлик ҳамда унга зарарли физик таъсир кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик ушбу моддага мувофиқ фақат доимий манбалардан чиқадиган ифлослантирувчи моддалар ва биологик организмларни чиқариб ташлаганлик ёки зарарли физик таъсир учун белгиланган.

Транспорт воситалари ва кўчма қурилмаларнинг атмосфера ҳавосини ифлослантирганлиги учун маъмурий жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 87, 125-моддаларида белгиланган.

Атроф-табiiй муҳитнинг оғир оқибатларга сабаб бўлувчи ифлосланиши ЖКнинг 196-моддаси бўйича квалификация қилинади.

86-моддага мувофиқ, Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш иншоотидан фойдаланиш қоидаларини бузиш, шунингдек ундан фойдаланмаслик

Атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларни тозалаш учун ўрнатилган иншоотлар, ускуналар, аппаратуралардан, шунингдек чиқариб ташланадиган зарарли моддалар миқдори ва тартибини назорат қилувчи воситалардан фойдаланиш қоидаларини бузиш ёки улардан фойдаланмаслик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Фаолияти атмосферага зарарли моддалар чиқариб ташлаш билан боғлиқ корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ифлослантирувчи моддаларни тозалаш учун ҳамда улар миқдориини ва таркибини назорат қилишга мўлжалланган иншоотлар, асбоблар ва аппаратураларнинг узлуксиз ишлаб туришини таъминлашлари ва назорат қилишлари, соз ҳолатда бўлишини таъминлашлари, шунингдек, атмосферага чиқариб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори ва таркибини доимий равишда ҳисобга олиб боришни амалга оширишлари шарт.

Бу ҳуқуқбузарликларнинг объекти атмосфера ҳавоси ҳисобланади.

Кодекснинг 86-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари мансабдор шахслар ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилади.

Агар Кодекснинг ушбу моддасида назарда тутилган ҳаракатлар одамларнинг оммавий равишда касалланишига, хайвонларнинг нобуд бўлишига ёхуд бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, у ҳолда улар ЖКнинг 196-моддаси бўйича квалификация килинишлари керак.

87-моддага мувофиқ, Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар нормативдан ортиқ бўлган транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш

Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтда шовқин ва бошқа физик таъсир даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган автомобиллар, самолётлар, кемалар ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни тайёрлаш ҳамда фойдаланишга чиқариш ёхуд ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлатиб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ҳамда улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар, шунингдек ишлаб турган вақтида шовқин даражаси белгиланган нормативдан ортиқ бўлган ҳаракатланувчи қурилмалардан фойдаланиш — энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан икки бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш мақсадида ифлослантиришнинг ҳаракатланувчи манбалари чиқарадиган ифлослантирувчи чиқиндиларнинг ортиқ даражада йўл қўйиладиган нормативлари, шунингдек, зарарли физик таъсирлар кўрсатишнинг ортиқ даражада йўл қўйиладиган нормативлари белгиланади. Бу нормативлар, транспорт ва бошқа ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмалар модели учун белгиланади, нормативлар газ билан ифлосланиш, тутун, шовқин стандартлари тарзида белгиланади. Мазкур

стандартларда ҳаракатланувчи воситаларни ишлаб чиқариш ёки тайёрлашда, фойдаланишга топширишда риоя қилиниши лозим. Транспорт воситалари деганда барча турдаги поездлар, самолётлар, теплоходлар, автомобиллар, мотоцикллар, тракторлар, кўчма дизель ёки бензин билан ишлайдиган компрессорлар ёхуд генераторлар тушунилади.

Ҳаракатланувчи воситалар ва қурилмаларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш чоғида ишлаб чиқарилган газлардаги ифлослантирувчи моддаларнинг таркиби ва улар физикавий омилларининг зарарли таъсири тегишли нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминламаслик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Кодекснинг шарҳланаётган моддаси иккинчи қисмида «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, чиқиндиларидаги ифлослантирувчи моддалар, шунингдек, ишлаб турган вақтида пайдо бўладиган шовқин даражаси белгиланган нормативлардан юқори бўлган ҳаракатланувчи воситаларни ишлатганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилаб берилган.

Мазкур модданинг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликни жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутди. Чиқиндиларда ифлослантирувчи моддалар бўлган, шунингдек, ишлаб турган вақтида пайдо бўладиган шовқин даласи белгиланган нормативдан юқори бўлган транспорт воситаларидан фойдаланганлик Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 125-моддасида белгиланади.

Атмосфера ҳавосига транспорт ва ҳаракатланувчи воситалар билан зарарли таъсир кўрсатишнинг белгиланган тартиби ушбу ҳуқуқбузарлик объекти ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг (мазкур ҳолда транспорт воситалари, ҳаракатланувчи қурилмаларнинг) сифати учун ёхуд улардан фойдаланиш учун йўлга (объектига) чиқаришга ёки таъмирлашга жавобгар бўлган корхоналар, ташкилотлар ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилади.

88-моддага мувофиқ, Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик:

Қурилиш ишларини ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилғи моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмаларсиз очик аланга олдириб уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Дала ва аҳоли пунктларида анғиз, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юбориш, атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлослантиришга олиб келса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур модда бинокорлик материаллари тайёрлаш ва бошқа ишларни бажариш чоғида атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга доир қоидаларни бузиш техник қурилмаларсиз очик алангада битумни, бошқа бинокорлик материаллари ва ҳоказо материалларни ёқишда ифодаланади. Масалан, битумни ёпиқ идишларда эритиш лозим, бу хол битумнинг ўзи ёнишига ва туташига йўл қўймайди. Ушбу талабларни бузганлик учун жавобгарлик «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 4, 24-моддаларига мувофиқ; белгиланган.

Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти қурилиш ва бошқа ишларни бажаришда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишнинг ўрнатилган тартибидир.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

Модданинг иккинчи қисми кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликнинг маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутди.

89-моддага мувофиқ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини бузиш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва қўлланиш қоидаларини тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига ёки ўсимликлар, ҳайвонот дунёсини йўқ қилиб юборилишига олиб келиши мумкин бўлган тарзда бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд тупроқ, сув, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етишига олиб келса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 42-моддасига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, 1-сон, 38-моддага қаранг), корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва айрим шахслар кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, ишлатиш чоғида экологик талабларга, белгиланган нормативлар ва қоидаларга риоя қилишлари шарт.

Қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал ўғитлар ва бошқа дориларни ташиш, сақлаш ва ишлатиш қоидаларига риоя қилишлари лозим, токи атмосфера ҳавосининг бузилишига йўл қўйилмасин (“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 18-моддаси — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997, 2-сон, 52-моддага қаранг). Шунга ўхшаш талаблар “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонуни, “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги қонунида ҳам белгилаб берилган.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти тупроқ атмосфера ҳавоси, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсидир.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар билан содир этилиши мумкин.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини, уларнинг ўсишини тезлаштирувчи воситаларни, минерал воситаларни ва бошқа моддалардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши одамнинг ўлимига, кишиларнинг оммавий равишда касалланишига, ҳайвошгарнинг қирилишига ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ЖКнинг 201-моддаси бўйича квалификация қилинади.

89¹-моддасига, Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантириш қоидаларини бузиш

Ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни тегишли руҳсатномасиз, худди шунингдек руҳсатномада кўрсатилган шартларни бузган ҳолда зарарсизлантириш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Мазкур модда «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун 18-моддасининг иккинчи қисмига асосан (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг .Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 52-моддага қаранг) тақиқланган ва яроқсиз ҳолга келган кимёвий моддаларни Табиатни муҳофаза қилиш давлат Қўмитаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги тегишли органларининг руҳсатномасини олмасдан туриб, шунингдек, кўрсатиб ўтилган руҳсатномадаги шартларни бузган ҳолда зарарсизлантирилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилайди.

Бу ҳуқуқбузарликнинг объекти — ишлатиш тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддаларни зарарсизлантиришнинг белгиланган тартиби.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларнинг субъекти мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Ушбу моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

Мазкур модданинг иккинчи қисми худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади.

Тақиқланган ва ишга яроқсиз бўлиб қолган кимёвий моддалирни зарарсизлантиришнинг белгиланган тартиби бузилиши одамнинг ўлимига, кишиларнинг оммавий равишда касалланишига, ҳайвонларнинг қирилишига ва бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, ЖКнинг 201-моддаси бўйича квалификация қилинади.

90-моддасига мувофиқ, Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш

Ов қилиш ва балиқ овлаш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини амалга ошириш қоидаларини бузиш, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, — шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган худди шундай ҳуқуқбузарликни маъмурий жазо чораси икки марта қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этиш, — шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Тегишли руҳсати бўлмай туриб ёки тақиқланган жойларда ёхуд тақиқланган муддатларда, тақиқланган қуроллар ёки воситалар билан ов қилиш ёки балиқ овлаш, — шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан йигирма бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёхуд шу

хуқуқбузарликларни содир этиш қуроли ва ашёларини мусодара қилиб, уч йилгача муддатга ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этишга сабаб бўлади.

Ов қилиш ва балиқ тутиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни, Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг 2006 йил 22 март кунидаги 27 сонли буйруғи билан тасдиқланиб Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2006 йил 2 май куни 1569 сон билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари” билан белгилаб берилган.

«Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 29 ва 32-моддаларига мувофиқ, табиий эркинликда яшайдиган ёввойи ҳайвонларни ов қилиш, тутиш мақсадида излаш, изига тушиш ва қувлаб бориш, тутишга интилиш ёки тутиш (отиш, тутиб олиш) шаклида амалга оширилиши мумкин.

Ов қилиш ҳайвонот дунёсидан махсус фойдаланиш ҳисобланиб, фақат махсус руҳсатнома — ҳайвонлар, қушларни отиш ёки тутишга лицензия ёхуд йўлланма асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, ов қилиш учун шахс овчилик жамиятининг аъзоси бўлиши талаб этилади.

Балиқларни кайта ишлаш, сотиш мақсадида балиқ тутиш фақат махсус руҳсатномалар — лицензиялар асосида амалга оширилади, спорт ёки ҳаваскорлик тарзида балиқ тутиш табиатдан умумий фойдаланиш тартибида, яъни бирон-бир руҳсатсиз, лекин тақиқланмаган муддатларда, белгиланган миқдорида ва тақиқланган қуроллар, кимёвий дорилар, тури ва ҳоказолар ишлатмасдан амалга оширилади.

Ов қилишга руҳсатномалар ёки ов йўлланмалари берилиши, ов қилишга руҳсат этилиши (овчилик мавсумининг бошланиши) ёхуд балиқ тутишни тақиқлаш муддатларини белгилашни Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруғи асосида амалга оширади. Бундан ташқари, ов қилиш учун ов йўлланмалари ўрмон-ов хўжаликлари, ва овчилик хўжаликлари томонидан ҳам берилиши мумкин. Балиқчилик хўжалиқларига бириктириб қўйилган сув ҳавзаларида спорт ёки ҳаваскорлик тарзидаги балиқ тутишни фақат шу хўжалиқларнинг руҳсати билан, рўйхатга олинган сув ҳавзаларида эса — “Ўзбековчи ва блиқчилар жамияти” нинг йўлланмалари билан амалга ошириш мумкин.

90-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти табиий эркинлик ҳолатида бўлган ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Шарҳланаётган модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар талабларни бузган ҳолда амалга ошириладиган ов қилиш ёки балиқ тутиш вақтида содир этилади. Масалан, умумий тарзда фойдаланиладиган сув ҳавзаларида беш килограммдан ортиқ балиқ тутиш шундай ҳуқуқбузарликка киради.

Фойдаланишнинг бошқа турларини бузишларга ёввойи ҳайвонларнинг қисмларини (шохини, жунини ва ҳоказо), тухумини, увулдириғини ва шу кабиларни овлаш қоидаларини бузиш киради.

90-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар юқорида санаб ўтилган ҳуқуқбузарликлардан фарқли ўлароқ ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларини қўпол равишда бузиш билан содир этилади.

Овчилик жамиятининг аъзоси бўлмаган шахснинг ов қилиши ёки тегишли рухсатномасиз ов қилиши ва балиқ тутиши (гарчи лицензиянинг бўлиши шарт ҳисоблансада) тегишли рухсатномасиз ов қилиш ёки балиқ тутиш ҳисобланади.

Қуйидагилар ов қилиш жойлари деб ҳисобланмайди:

1) аҳоли яшайдиган жойларнинг ерлари;

табиатни муҳофаза қилиш аҳамиятига эга бўлган ерлар- кўрикхоналар, миллий боғлар, заказниклар ва парваришхоналар (ов қилиш ва балиқ овлаш хўжалигини юритиш учун махсус ажратилган ҳудудлардан ташқари);

табиатни кўриқлаш, соғломлаштириш, рекреацион ва тарихий-маданий вазифаларни бажарувчи ерлар;

чегара полосалари;

шаҳарлар атрофидаги яшил зоналар;

корхоналар атрофидаги санитария-ҳимоя зоналари;

сув олиш иншоотларининг ҳимоя зоналари;

аэродромлар ва аэродром атрофи зоналари;

ҳосили йиғиштириб олингунга қадар қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиладиган ерлар;

тўғонлар, сув айиргичлар, кўприклардан, балиқ парваришхоналари, ҳовуз ва бошқа маданий балиқчилик хўжаликлари чегараларидан 200 метрли полоса ёки ушбу объектларни кўриқлашнинг муайян режимида белгиланган йироқликдаги полоса.

2) Йиғилган, ғилофланмаган ов қуроли, овчи итлар, овчи қушлар, қопқонлар, тўрлар ва ҳайвонларни тутишга мўлжалланган бошқа воситалар, ёки тутилган ов қилиш ёхуд балиқ овлаш ўлжаси билан бирга ов қилиш жойлари, ов қилиш ва балиқ овлаш жойлари бўлмаган ерлар, муҳофаза қилинадиган табиат ҳудудларида бўлиш ов қилиш ёки балиқ овлашга тенглаштирилади.

3) Ноқонуний ов қилиш еки балиқ тутиш орқали ҳамда ҳайвонот дунесини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бошқача тарзда бузиш орқали ҳайвонот дунёсига етказилган зарар ҳайвонни табиий яшаш муҳитидан ноқонуний ажратиб олиш (отиш, овлаш) деб ҳисобланади. Етказилган зарар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ундириб олинади.

Тирик ҳайвонларни тутиб олиш каби, уларни отиш йўли билан тутиш, шунингдек ёввойи ҳайвонлар тана қисмларининг мавжудлиги ҳайвонни табиий яшаш муҳитидан ажратиб олиш деб ҳисобланади.

(Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ов қилиш ва балиқ овлаш қоидалари 4-банди).

Ов қилиш ва балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини мунтазам равишда бузишларга ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни кўп марта содир этиш ёхуд ов қилиш ва балиқ тутишнинг бошқа қоидаларини бузишлар киради.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан қасддан қилинган ҳаракатлар билан содир этилиши мумкин.

Ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларини (ов қилиш ва балиқ тутишдан ташқари) ўзбошимчалик билан амалга ошириш Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиши керак.

Агар ов қилиш ва балиқ тутиш қоидаларининг бузилиши анча миқдорида зарар келтиришга сабаб бўлса ёки кўрсатилган бошқа оқибатларга олиб келса ёхуд бир гуруҳ кишилар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилса ва ҳоказо; у ҳолда мазкур ҳаракатлар ЖКнинг 202-моддасига мувофиқ баҳоланиши керак.

91-моддасига мувофиқ, Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш:

Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёхуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларни шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари худудлари ва яқинида, аҳолиси юқори даражада зич жойлашган минтақаларда, курортлар, даволаш-соғломлаштириш ва рекреацион чеграларда, шунингдек, сувни муҳофаза қилиш чеграларида кўмиб ташлаш тақиқланади. Чиқиндиларни полигонларда зарарсизлантириш Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органларининг руҳсати билан ўтказилади. Ишлаб чиқариш чиқиндиларини атмосферадаги табиий муҳит учун ҳавфсиз равишда йўқ қилиш учун бу чиқиндиларни ҳосил қилган ташкилотлар ёки шахс жавобгар бўлади. «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 42-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, радиоактив чиқиндилар ва кимёвий моддаларни кўмиб ташлашга руҳсатни Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда давлат санитария ва кон нazorати органлари билан келишган ҳолда беради.

91-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти саноат рўзғор ва узга чиқиндиларни ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш, кўмиб ташлашнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлари ёхуд ҳаракатсизликлари билан содир этилиши мумкин.

Кодекснинг 91-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261-модда).

91¹-модда. Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўқиш.

Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўқиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

91²-модда. Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш

Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

91³-модда. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш — мансабдор шахсларга икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш — мансабдор шахсларга икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

(91¹, 91² ва 91³-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 10 октябрдаги ЎРҚ-495-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.10.2018 й., 03/18/495/2029-сон — 2019 йил 12 январдан кучга кирган).

Юқоридаги ҳолатлардан ташқари, МЖТКнинг 91, 91¹, 91², 91³ - моддалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил

2 октябрдаги 787-сон қарорнинг тегишли қисмлари талаблари бузилишига олиб келганда қўлланилади.

92-моддасига мувофиқ, Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш:

Ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва уларнинг кўчиш йўллари муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш, тўлдириш, сақлаш, улардан фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш қоидаларини, шунингдек ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларини, зоологик ва ботаник коллекцияларини бошқа жойга жўнатиш ва чет элга олиб кетиш қоидаларини бузиш, худди шунингдек ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа ерга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуннинг 24, 38, 46-моддалари) аҳоли пунктларини, корхоналар, иншоотлар ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш ва қуришда, мавжуд технологик жараёнларни такомиллаштириш ва янгиларини жорий этиш, қурқ; ерларни хўжалик оборотига киритиш, ерларни мелиорациялаш, ўрмондан фойдаланишни амалга ошириш, геологик ишларни ўтказиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ўтлатиш ва яйловда боқиш, туристик маршрутлар ишлаб чиқиш ва аҳолининг оммавий дам олиш жойларини ташкил этишда ҳайвонлар яшайдиган муҳитни ва ҳайвонларнинг кўпайиш шарт-шароитларини сақлаш соҳасидаги тадбирлар назарда тутилиши ва амалга оширилиши, шунингдек, ҳайвонлар яшайдиган муҳит сифатида алоҳида қимматли бўлган участкаларнинг дахлсизлиги таъмин этилиши лозим.

Транспорт магистралларини, электр узатиш ва алоқа линиялари, шунингдек, каналлар, тўғонлар ва бошқа гидротехник иншоотларни жойлаштириш, лойиҳалаш ва қуришда ҳайвонларнинг кўчиб юриш йулларини сақлашни таъминлайдиган тадбирлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 46-моддасига мувофиқ, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳайвонларни табиий муҳитдан ажратиб олиш йўли билан зоологик коллекциялар яратиши ва уларни

тўлдиришига бунинг учун махсус ваколати орган ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш давлат органлари томонидан бериладиган руҳсатномалар билан йул қўйилади, фуқаролар эса зоологик коллекцияларни ов қилиш, балиқ тутиш ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланишнинг бошқа турларидан олинган ўлжалар билан вужудга келтиришлари ва тўлдиришлари мумкин, бу иш белгиланган талабларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунининг 38-моддасига мувофиқ ёввойи ҳайвонларни янги яшаш жойларига кўчиришга, фауна учун янги бўлган ёввойи ҳайвон турларини иқлимга мослаштиришга, шунингдек ёввойи ҳайвонларни чатиштириш тадбирларини ўтказишга давлат экологик экспертизасининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосалари асосида илмий ва хўжалик мақсадларида йўл қўйилади.

Ёввойи ҳайвонларни ўзбошимчалик билан бошқа жойларга кўчириш, иқлимга мослаштириш ва чатиштириш тақиқланади.

92-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ҳайвонлар яшайдиган муҳитни муҳофаза қилиш қоидаларини, зоологик ва ботаник коллекцияларни вужудга келтириш ва улар билан савдо қилиш, ҳайвонларни бошқа жойга кўчириш, иқлимлаштириш ёки чатиштиришнинг белгиланган қоидаларини бузиш ҳисобланади.

Кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлар билан фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан содир этилиши мумкин.

93-моддасига мувофиқ, Қизил китобга киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда олиб келиш:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар турларини сақлашга зарар келтиради деб топилган ҳайвонлар ёки ўсимликларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. 93-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлардир. Шарҳланаётган моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.

94-моддасига мувофиқ, Ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатлар содир этиш:

Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвон турларига мансуб ноёб ёки йўқ бўлиб кетиш хавфида турган ҳайвонларни йўқ қилиб юбориш, ўлжа қилиш ёхуд уларнинг тухум, увилдириқ қўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилиш, инларини, уяларини ва бошқа яшаш жойларини бузиш ёхуд шундай ҳайвонларнинг қирилиб кетишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ҳаракатлар содир этиш ёхуд бундай ҳайвонларни овлаш руҳсатномасида кўрсатилган шартларни бузган ҳолда ўлжа қилиш — шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб ёки мусодара қилмай, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — шу ҳуқуқбузарликларни содир этиш қуроли бўлган ашёларни мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса —ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги конунни 17, 18, 19-моддасига мувофиқ Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар турлари Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилади.

Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонларнинг турлари нобуд бўлишига, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларга (ҳаракатсизликка) йўл қўйилмайди.

Табиий шароитларда тиклаш ҳамда такрор қўпайтириш имконияти бўлмаган камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар турларини сақлаб қолиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ушбу турдаги ҳайвонларнинг қўпайиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича чора-тадбирлар қўриши шарт.

Камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар турларини:

махсус яратилган шароитларда кўпайтириш ва кейинчалик табиий яшаш муҳитига қўйиб юбориш мақсадида;

илмий ва назорат ишларини амалга ошириш учун;

қонун ҳужжатларига мувофиқ алоҳида зарур бўлган ҳолларда табиий яшаш муҳитидан ажратиб олишга Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хулосаси инобатга олинган ҳолда ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан бериладиган рухсатнома бўйича йўл қўйилади.

Шунингдек, ҳайвонларнинг тухум, увулдирик кўядиган инларини, бошпаналарини йўқ қилганлик, инлари, уялари ва бошқа яшириниш жойларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Бу ҳуқуқбузарликлар ҳайвонот дунёсидан бевосита фойдаланиладиган шахслар томонидан, шунингдек, бошқа хўжалик фаолияти билан шуғулланадиган шахслар томонидан ҳам содир этилиши мумкин. Бундай ҳайвонларнинг қирилиб, сони камайиб кетишига ёки яшаш муҳити бузилишига сабаб бўладиган бошқа ишлар олиб бориш киради, бўлар натижасида ҳайвонларнинг қирилиб кетиши содир бўлади, Қизил китобга киритилган ҳайвонларнинг яшаш муҳити ёмонлашади, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, бундай ҳайвонларни овлаш фақат махсус рухсатномалар — лицензиялар асосида амалга оширилади, уларда бундай ҳайвонларни овлашнинг асосий шарт-шароитлари, масалан, ҳайвонларнинг турлари, сони, овлаш жойи, усули белгиланиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан берилади. Бу усулларни бузганлик учун ушбу моддада маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

1) 94-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти ноёб ва йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турган ҳайвонлар, уларнинг тухуми, увулдириғи, уялари ва ҳоказолардир.

2) Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида қилинган ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) билан содир этилиши мумкин.

3) 94-моддада маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида шундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган (иккинчи қисм).

4) Қизил китобга киритилган ҳайвонлар, қушлар, балиқлар ёки ҳайвонот дунёсининг бошқа турлари йўқ қилиниши билан боғлиқ бўлган ов қилиш

қоидаларини бузиш ЖКнинг 202-моддаси иккинчи қисми билан баҳоланиши лозим.

5) 94-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар маъмурий ишлар бўйича судьялар томонидан кўриб чиқилади (245-модда).

95-моддасига мувофиқ, Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик:

Табиий муҳитни тиклаш, табиий захираларни қайта ҳосил қилиш ва табиий муҳитга зарарли таъсир кўрсатиш оқибатларини бартараф этиш чораларини кўрмаганлик — фуқароларнинг энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

95-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар объекти атрофдаги табиий муҳит ва айрим табиий ресурслардир.

Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг қасдан қилинган ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.

95-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни 65-моддада белгиланган ҳуқуқбузарликлардан (ерларни фойдаланишдан чиқаришга, улар ҳосилдорлигининг пасайишига, тупроқнинг бузилиши ёки йўқ бўлиб кетишига, таназулга юз тугтан қишлоқ хўжалик ерларини консервациялашнинг белгиланган тартибини бузишга олиб келадиган ҳаракатлар содир этиш), 67-моддада белгиланган ҳуқуқбузарликлардан (ерлардан ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли холга келтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажармаслик), 80-моддада белгиланган ҳуқуқбузарликлардан (Ўрмонларни тиклаш, уларнинг ҳолатини ва тур таркибини яхшилашга, махсулдорлигини оширишга оид қоидалар ва йўриқномаларни бузиш) фарқлаш керак.

Агар экологик ифлосланиш одамларнинг оммавий касалланишига, ҳайвонларнинг қирилиши ёки бошқа оғир оқибатларга сабаб бўлса, у ҳолда мансабдор шахсларнинг зарарсизлантирадиган ёки бошқа тиклайдиган тадбирлар ўтказишдан бўйин товлаши ёхуд бу тадбирларни лозим даражада ўтказмаслигига ЖКнинг 195-моддаси билан баҳо берилиши лозим.

95-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органларининг мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади (261 -модда).

96-моддасига мувофиқ, Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз рўёбга чиқариш

Лойиҳаларни давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёхуд унга риоя қилмаган ҳолда рўёбга чиқариш, шунингдек бундай хулосаси бўлмай туриб объектиларни маблағ билан таъминлаш — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш тўғрисидаги қарорни қабул қилишдан олдин, ўтказиладиган табиий муҳитни муҳофаза қилиш зарур чоратadbирларидан ҳисобланади. Давлат экологик экспертизасининг мақсади экологик ҳавф-ҳатар даражасини. мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ёхуд бошқа фаолият даражасини аниқлаш, уларнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларга мувофиқ келишига баҳо бериш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасида назарда тутилган лойиҳаларнинг етарли ва асосли эканлигини аниқлашдан иборат. Давлат экологик экспертизасига: ишлаб чиқарувчи кучларни ва халқ хўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришнинг давлат дастурлари, концепциялари, асосий йўналишлари ва схемалари, лойиҳалари; барча турдаги қурилиш майдончаларини танлаш материаллари, лойиҳадан олдинги ва лойиҳа ҳужжатлари, табиий ресурсларнинг экологик ҳолатига баҳо бериш, улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган тадқиқот ишлари дастурлари; хўжалик фаолиятини ва табиий ресурслардан фойдаланишни тартибга соладиган йўриқнома-методик ва норматив-техник ҳужжатлар лойиҳалари, янги техника, технологиялар, материаллар ва моддаларни яратиш ҳужжатлари ҳамда бошқа ҳужжатлар ва техника, маҳсулотларга стандартлар; Ўзбекистон Республикасига олиб келинадиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб кетиладиган маҳсулотлар; кимёвий моддалар; айрим минтақалар, жойлар ва объектиларнинг экологик вазияти, ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар, атроф табиат муҳитининг ҳолатига салбий таъсир кўрсатувчи ишлаб турган корхоналар ва бошқа объектлар мансубдир. Давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосаси бўлмаса, лойиҳаларни амалга ошириш тақиқланади (**«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси**).

Давлат санитария-экологик экспертизаси атроф табиий муҳит ифлосланишининг инсон саломатлигига зарарли таъсир кўрсатиш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

96-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти давлат экологик ва санитария-экологик экспертизасини ўтказишнинг белгиланган тартиби ва давлат экологик ҳамда санитария-экологик экспертизаси талабларига риоя қилмаслик натижасида зарар етказилиши мумкин бўлган инсон соғлиғи, шунингдек, табиий объектлар ҳисобланади.

Шарҳланаётган моддада кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар мансабдор шахсларнинг қасдан қилинган ҳаракатлари билан содир этилиши мумкин.

Агар лойиҳалар давлат экологик (санитария-экологик) экспертизасининг ижобий хулосасисиз ёки ундан четга чиққан ҳолда амалга оширилган бўлиб, бир шахс ёки кўпроқ шахсларнинг ўлимига, одамларнинг оммавий касалланиши ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган бўлса, бу ҳаракатларга ЖКнинг 193-моддаси билан баҳо берилиши керак.

96-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар давлат экологик экспертизаси соҳасида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органлари (261-модда) ва санитария-экологик экспертиза соҳасида давлат санитария нazorати органлари (257-модда) мансабдор шахслари томонидан кўриб чиқилади.

148-моддасига мувофиқ, Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш

Темир йўллар ва автомобиль йўллари учун ажратилган минтақаларда темир йўл органлари ва йўл органлари билан келишмай туриб ерни ҳайдаш, ўт ўриш, дарахт кесиш ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тупроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув қочириш иншоотларига ва резервларига оқизиш, шунингдек, ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг тўртдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан икки бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кодекснинг 148-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар объекти темир йўлларнинг ва автомобиль йўлларининг ажратилган минтақасидан фойдаланишнинг белгиланган тартибидан иборат бўлиб, унга риоя қилиш йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашга ёрдам беради.

Ҳар бир йўл ва йўллар учун ажратилган минтақа белгиланади, унинг кенглиги йўлларнинг тоифасига қараб аниқланади. Ажратилган минтақа учун

темир йўларни, автомобиль йўларини, туташ иншоотларни муҳофаза қилишнинг алоҳида тартиби белгиланади. Ажратилган йўл минтақасига тураржой, жамоат бинолари ва омборлар қуриш, шунингдек, бу минтақа доирасида Ҳаракат ҳавфсизлигига алоқаси бўлмаган реклама тахталари ва плакатлар ўрнатиш тақиқланади. Ажратилган минтақада йўл органлари билан келишмасдан туриб, қўйидагиларни амалга ошириш тақиқланади: қурилиш, геологик қидирув, топографик, кон қазилар ва қидириш ишларини амалга ошириш, шунингдек, ер усти иншоотларини барпо этиш, йўл белгилари ва кўрсаткичлари ўрнатиш Давлат автомобиль назорати органлари билан келишиб олинган лозим. Шунингдек, ер хайдаш, ўт ўриш, дарахт кесил ва уларга шикаст етказиш, чимларни олиб ташлаш ва тўпроқ олиш, канализация, саноат, мелиорация сувларини ва оқова сувларни сув иншоотларига ва резервларига оқизиш тақиқланади. Темир йўлларда ва автомобиль йўлларида, хусусан, ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёқиш, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекиш ман этилади.

Кодекснинг 148-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни белгилайди.

Объектив томондан бу ҳуқуқбузарликлар ҳаракатлар тарзида ифодаланиши мумкин.

Бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари фуқаролар ёки мансабдор шахслар бўлиши мумкин.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқарш органлари ҳузуридаги маъмурий комиссиялар, маъмурий ишлар бўйича судьялар ва табиатни муҳофаза қилиш органлари кўриб чиқади (245. 246; 261 -моддалар).

162-модда. Шаҳарлардаги дарахтларни шикастлантириш ёки уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш

Айрим жойларда иморат қураётганда шу ерда ўсиб турган дов-дарахтларга шикаст етказиш, уларни ўзбошимчалик билан кесиб ташлаш ёки бошқа жойга кўчириш, шунингдек фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ўз ихтиёрларидаги дов-дарахтларни муҳофаза қилиш чораларини кўрмаслиги — фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

214-моддасига мувофиқ, Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиш

Тайёрловчиларнинг (тадбиркорларнинг), сертификатлаштириш органларининг ва аккредитация қилинган синов лабораторияларининг (марказларининг) маҳсулотни (ишларни, хизматларни) мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузиши;

Энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Сертификатлаштириш:

- одамларнинг ҳаёти, соғлигини, юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки ҳамда атроф-муҳит учун ҳавфли бўлган маҳсулотлар реализация қилинишини назорат этиб бориш;

- маҳсулотларнинг жаҳон бозорида рақобат кила олишини таъминлаш;

- мамлакат корхоналари, қўшма корхоналар ва тадбиркорлар ҳалқаро миқёсдаги иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорликда ва ҳалқаро савдо-сотувда иштирок этишлари учун шароит яратиш,

- истеъмолчини тайёрловчининг (сотувчининг, ижрочининг) виждонсизлигидан ҳимоя қилиш;

- маҳсулот тайёрловчиси (сотувчиси, ижрочиси) таъқиқлаган сифат кўрсаткичларини тасдиқдаш мақсадида амалга оширилади.

Сертификатлаштириш мажбурий ва ихтиёрий тусда бўлади. “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги қонунда сертификатлаштириш жараёнининг қуйидаги асосий тушунчалари берилган:

- “Сертификатлаштириш миллий тизими” — давлат миқёсида амал қиладиган, сертификатлаштириш ўтказишда ўз тартиб ва бошқарув қоидаларига эга бўлган тизими;

- “Маҳсулотларни сертификатлаштириш” — маҳсулотларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқдашга оид фаолият;

- “Мувофиқлик сертификати” — сертификатланган маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун сертификатлаштириш тизими қоидаларига биноан берилган ҳужжат- «мувофиқлик белгиси» — муайян маҳсулот ёхуд хизмат аниқ стандарт ёки бошқа норматив ҳўжажатга мос эканлигини кўрсатиш учун маҳсулотга ёхуд кўрсатилган

хизматга доир хужжатга қўйиладиган белгиланган тартибда рўйхатга олинган белги;

- Маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сертификатлаштириш тизими айни бир хил стандартлар ва қоидалар қўлланиладиган муайян маҳсулотлар, ишлар ёки хизматларга тааллуқли сертификатлаштириш тизими.

- синов лабораториясини аккредитация қилиш синов лабораториясининг (марказининг) муайян маҳсулот синовии ёки муайян синов турини амалга оширишга доир ваколатларининг расмий эътирофи.

Тайёрловчилар (тадбиркорлар):

Мажбурий сертификатлаштириш қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар;

Мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган сертификат олинмаган маҳсулотларни реализация қилганлик учун тайёрловчининг (тадбиркорнинг) мансабдор шахслари, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор - тайёрловчилар маъмурий жавобгарликка тортилади;

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги тайёрловчиларни (тадбиркорларни) мажбурий сертификатлаштиришни ўтказишдан озод қилмайди.

1. Бошқарувнинг белгиланган тартиби 214-модда бўйича ҳуқуқбузарликнинг қасд қилиш объекти ҳисобланади.

2. Обьектив томони ҳаракат ёки фаолиятсизлик шаклида ифодаланади.

3. Субьекти мансабдор шахс (тайёрловчилар, тадбиркорлар) дир.

4. Субьектив томони атайлаб, ғаразли мақсадда фойда даромад олиш.

5. 214-модда бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни табиатни муҳофаза қилишдан ташқари стандартлаштириш метрология ва сертификатлаш органлари кўриб чиқади (265-модда).

Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунининг 46-моддаси:

Экологик ёки гигиеник сертификатларга эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) чиқариш тақиқланади. Экологик сертификатлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам ўтказилади.

Экологик сертификатлаш тартибини Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Экологик сертификатлаштириш: Аккредитатланган сертификатлаштириш идорасининг объектни (маҳсулот, ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари, хизматлар, технологик жараёнлар, ишлаб чиқариш ва атроф-муҳитни

бошқариш тизими) экологик хавфсизликнинг белгиланган талабларига мувофиқлигини ёзма равишда тасдиқлаш жараёнидир.

Экологик сертификат: Табиатдан фойдаланувчига, экологик сертификатлаштириш объектининг амалдаги меъёрий ҳужжатлар ёки экологик норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида сертификатлаштириш идораси томонидан расмийлаштирилга ҳужжат.

Чиқиндилар тўғрисидаги қонуннинг 19-моддаси:

Олди-сотди, экспорт-импорт операцияси объекти бўлган чиқиндилар, шунингдек ташилиши керак бўлган хавфли чиқиндилар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга мувофиқлик бўйича экологик сертификатлашдан ўтказилиши керак, унинг натижаларига кўра чиқиндиларнинг мулкдорларига экологик сертификат берилади.

19-моддада назарда тутилган ҳуқуқбузарликларнинг объекти саноат ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини олди-сотди, экспорт-импорт жараёнлари, ташиш, жойлаштириш, утиллаштириш ва кўмиб ташлаш чоғида экологик сертификатлаштиришнинг белгиланган тартиби ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 27 октябрдаги 295-сонли қарорида экологик сертификатлаштириш жараёнининг куйидаги асосий тушунчалари берилган:

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишининг экологик нормативлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; чихиндиларни паспортлаштириш; чихиндиларни экологик сертификатлаштириш;

чиқиндиларни кўмиш ва утиллаштириш жойларининг давлат кадастрини юритиш.

Назорат учун саволлар:

- 1.Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик тушунчаси ва хусусиятлари;
- 2.Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик турлари;
- 3.Маъмурий жавобгарлик кодекси ва унинг мазмуни;
- 4.Маъмурий жазо турлари;
- 5.Экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва уларнинг турлари;
- 5.Экологик маъмурий жавобгарлик турлари;
- 6.Маъмурий жавобгарлик кодексида белгиланган экологик ҳуқуқбузарликлар;
- 7.Маъмурий жавобгарлик кодексида белгиланган экологик жазо турлари;
- 8.Маъмурий ҳуқуқбузарликларни таллуқлилиги нима?

VII. ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТУРЛАРИ ВА МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Экологик назорат атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги экологик қонун ва қонунга асосланиб қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган экологик талаб ва қоидалари бузилишларини аниқлаш, олдини олиш, уларни бартараф қилишда янада самарали ҳатти-ҳаракатларни амалга оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора тадбирлари тизимидир.

Экологик назоратнинг ҳуқуқий асослари - Ўзбекистон Республикасининг “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонунида белгиланган.

Экологик назорат - бу корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, вазирликлар, давлат кўмиталари, турли идоралар ва фуқароларнинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона тежамкорлик билан фойдаланиш, аҳоли, хўжаликлар ва иншоотлар фаолиятларини экологик хавфсизлик нормативлари ва қоидаларга риоя қилишини текшириш, атроф муҳит ҳолатини ўрганиш ва мониторинг қилиш, экологик экспертиза қилиш ва бу соҳада бошқа зарур ташкилий –ҳуқуқий тадбир-чораларни амалга оширишдир.

Экологик назоратнинг мақсади - бу экология ва атроф муҳит соҳасидаги экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш, айбдорларга экологик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда жазо чораларни ва ёзма мажбурий қоидаларни қўллаш, салбий оқибатларни бартараф этишдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида экологик назоратнинг асосий вазифалари белгиланган.

Экологик назоратнинг асосий вазифалари:

-атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

-атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланишга олиб

келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

-мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолиятининг ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

-юримдик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш;

-атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўриладиган тегишли чоратадбирлар тўғрисида давлат ташкилотларини ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

-табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлашдан иборат.

Экологик назоратнинг объектлар:

- атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида соҳаларининг ҳолати;

-атроф табиий муҳит ва унинг алоҳида соҳаларини муҳофаза қилиш буйича мажбурий чораларни бажарилиши;

экологик қонунлар ва унга асосланиб чиқарилган бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоида ва талабларига риоя қилишдир.

Экологик назоратни амалга ошириш мураккаб жараён бўлиб, амалдаги экологик қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш асосида экологик назоратни амалга оширилишининг қуйидаги усулларини кўрсатиш мумкин:

1.Экологик қонунлар ва тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг норма ва қоидаларига риоя қилинишини текшириш усули: бу махсус ваколатли давлат органларининг вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар корхона, ташкилот, муассасалар, барча юримдик ва жисмоний шахсларнинг экологик қонун ҳужжатлари норма ва талабларига риоя қилинишини таъминлаш буйича амалга ошириладиган фаолият туридир;

2.Экологик назоратнинг мониторинг усули: бу- табиий муҳитда содир бўладиган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тўпроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини

кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилиш ахборотлар ҳамда бу атроф муҳит ҳолатига доир олдиндан айтиш мумкин бўлган маълумотлар билан таъминлашдир

Экологик мониторингни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофа қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 30-моддасида белгиланган: Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини кузатиб бориш хизмати атроф табиий муҳитда содир бўлаётган физик, кимёвий, биологик жараёнларни, атмосфера ҳавоси, тўпроқ, ер усти ва ер ости сувларининг ифлосланиш даражасини, ифлосланишнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига таъсири оқибатларини кузатиб бориш, манфаатдор ташкилотлар ва аҳолини атроф табиий муҳитда бўлаётган ўзгаришлар ҳақида жорий ва шошилиш ахборотлар ҳамда бу муҳит ҳолатига доир тахминий маълумотлар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Атроф табиий муҳит ҳолати тўғрисидаги ахборот очик-ошкора йўсинда бўлиб, унинг асосий кўрсаткичлари давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари томонидан эълон қилиш учун мунтазам бериб борилади.

Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органлари фалокатлар ва бошқа ҳодисалар натижасида атроф табиий муҳит нормативда белгиланганидан ҳам ортиқроқ даражада ифлосланган тақдирда бундай фалокат ва ҳодисалар тўғрисида жамоатчиликни дарҳол хабардор этишлари шарт.

Табиий ресурсларнинг миқдор, сифат ва бошқа хил кўрсаткичларини, улардан фойдаланишнинг ҳажми, тартиб тамойилини ҳисобга олиб бориш учун давлат табиий ресурслар кадастрлари юритилади.

Атроф табиий муҳит ҳолатига зарарли таъсир қиладиган ёки номақбул тарзда таъсир этиши мумкин бўлган объектлар, атроф табиий муҳитга тушадиган зарарли моддаларнинг турлари ва миқдори, чиқиндиларнинг ҳажмлари ва таркиби ҳам назорат этиб борилади ва давлат ҳисобига олинади.

Давлат атроф табиий муҳит ҳолатини назорат этиш хизматининг таркиби, уни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиши тартиби, давлат табиий ресурслар кадастрларини, атроф муҳитга зарарли таъсир этувчи объектларнинг давлат ҳисобини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилади.

3. Экологик назоратни амалга оширишнинг учунчи усули умумлаштириш - бу атроф табиий муҳитга бўлаётган зарарли ва хавфли

таъсирларни аниқлаш мақсадида маълумотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилишдир.

4. Экологик назоратни амалга оширишнинг яна бир муҳим усули баҳолаш – бу инсоннинг қонунийликка зид фаолиятини атроф муҳитга, инсон саломатлиги ва ҳаётига хавфлилик ва зарарлилик даражасини аниқлашдир.

5. Рухсатнома бериш - экологик назоратнинг амалга оширишнинг шундай усулики, бунда давлатнинг махсус ваколатли органлари тамонидан табиий объектлар қисмлари(элеменлари)дан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат беришдир.

6. Экологик назоратни амалга оширишнинг усули – экологик хавфли ёки зарарли хўжалик ва бошқа фаолиятларни олдини олиш, огоҳлантириш, чеклаш ва тўхтатиб қўйиш ғоят муҳим аҳамиятга эга.

7. Экологик назоратнинг энг муҳим усулларида бири-экологик экспертиза ўтказиш- бу махсус техника ва технологиялар ёрдамида илмий асосида экологик ҳавфли фаолиятни олдини олиш, огоҳлантириш, маҳсулотларни яроқлилини аниқлаш, кўрсатилаётган хизматлар ва фаолиятларнинг зарарсизлигини аниқлашни таъминлаш фаолиятидир.

8. Экологик назоратни амалга оширишнинг энг таъсирчан усулларида – ҳуқуқий жавобгарликки тортиш усули бўлиб, бу экологик қонун ҳужжатларида белгиланган қоида ва талабларни бузган шахсларга нисбатан маъмурий –ҳуқуқий ва бошқа юридик жавобгарлик чораларни қўллашдир.

Амалиётда экологик назорат ғоят кенг маънода тушунилади. Унинг кенг диапозони назорат қилувчи субъектларнинг хилма хиллигидан келиб чиқади. Давлатнинг экологик функциясини нафақат махсус ваколатли давлат органлари, балки, нодавлат корхона, ташкилот, муассасалар ва фуқаролар ҳам амалга оширади. Экологик назоратни амалга оширувчи барча субъектларнинг фаолиятининг мажмуи экологик назорат тизими дейилади.

Ўзбекистон Республикасининг “ Экологик назорат тўғрисида” ги Қонуннинг 9- моддасида экологик назорат тизимини ташкил этувчи назорат турлари:

экологик мониторинг, давлат экологик назорати, идоравий экологик назорат, ишлаб чиқариш экологик назорати, жамоатчилик экологик назоратидан иборатлиги кўрсатилган.

Бу экологик назорат турларининг ҳуқуқий асослари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган алоҳида алоҳида Низомлар белгиланган:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 августдаги 216-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги низом,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Идоравий экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги намунавий низом,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган «Ишлаб чиқариш экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги намунавий низом,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги 287-сонли «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишга доир намунавий низомларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Давлат экологик назоратининг алоҳида турларига қисқача тавсиф:

а) Экологик мониторинг

Ҳозирги замон экологик назорат турлари тизимида экологик мониторинг алоҳида муҳим ўрин тутди. Экологик мониторинг экологик назоратнинг энг кенг тарқалган, кўпқамровли, самарали туридир.

Экологик мониторинг-бу экологик назорат қилинадиган ҳудуддаги атроф муҳит, унинг ўзгариши, оқибатлари, одамлар ҳаёти ва соғлиғига учун ҳавфлилик ҳолати буйича маълумотлар олиш учун зарур бўлган кузатиш усуллари, уни ташкилий тузилмалари, амалга ошириш услубларининг мажмуасидир

Экологик мониторинг икки мақсадда амалга оширилади:

1) табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш, табиий ресурсларни муҳофаза қилиш, экологик ҳавфсизликни олдини олиш атроф табиий муҳит ҳолати юзасидан тизимли кузатув олиб бориш;

2) давлатнинг, тегишли юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳит ҳолатини ўзгаришларининг номақул оқибатларини камайтириш ва бартараф этиш учун зарур бўлган ишончли маълумотларга бўлган эҳтиёжларни таъминлаш мақсадларида амалга ширилади.

Мониторинг тизимини ўтказиладиган миқёсига қараб бир биридан фарқладиган турлари бўлади: глобал, миллий, регионал ва локал; **мониторинг экологик объектларнинг турларига қараб:** атмосфера ҳавоси, сув, ер(тўпроқ), ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, ҳавфли чиқиндилар,

радиоцион чиқиндилар, маиший чиқиндилар бўйича мониторинг турларига бўлиш мумкин.

Глобал экологик мониторинг- бу халқаро келишувларга мувофиқ ер куррасининг турли нуқталарида жойлашган кузатув станциялари тизими орқали атроф табиий муҳит ҳолати, ундаги иқлим ўзгаришлари ҳолатлари юзасидан давлатлар тамонидан олинган маълумотларни ўзаро алмашиш, уларни тарқатиш, атроф муҳит қисмларини ривожланишининг истиқболларини аниқлаш, дунё миқёсда экологик маълумотлар базаси тизимини яратиш, экологик хавфларни олдини олиш, уларни бартараф этиш чораларини кўриш мақсадида амалга оширилади.

Миллий экологик мониторинг- бу алоҳида давлат идоралари тамонидан ўз ҳудудида амалга оширилади. Ўзбекистонда бундай мониторинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Гидрометеорологик хизмат маркази тамонидан амалга оширилади.

Атроф табиий муҳити бўйича давлат мониторинг хизмати уч хил даражада амалга оширилади:

1) постлар кузатуви, 2) мамлакат турли регионларидан олинган маълумотларни тўплаш ва дастлабки қайта ишлаш станциялари кузатуви, 3) маълумотларни ҳудудий ва регионал марказларда қайта ишлаш. Умумлаштирилган маълумотларни тайинли мақсадда фойдаланиш учун узатиш.

Давлат мониторинг хизмати алоҳида табиий объектлар ва комплекслар мониторинг хизмати билан тўлдирилади. Бу тизим ташкилий бирликка эга эмас. У соҳавий экологик мониторинг тизими функциясини бажарувчи тегишли идораларга бириктирилган бўлиб, улардан олинган маълумотлар ахборот ва маълумотлар бош идораси- Ўзбекистон Гидрометеорологик хизмат маркази тамонидан таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.

Ер ресурслари мониторинги - Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 23-моддасига мувофиқ ҳолати юзасидан, унинг ўзгаришларини аниқлаш, бу ўзгаришлар ва зарарли оқибатларни баҳолаш учун ўтказилади. Ер мониторинг - Ер ресурслари, геодезия, картаграфия ва давлат кадастри Давлат кўмитаси тамонидан амалга оширилади.

Сув ресурслари мониторинги - бу ер усти ва ер ости сувларининг сифати юзасидан олиб бориладиган кузатув бўлиб, сув ва оқава сувлар таркибидаги кимёвий, физикавий ва биологик синов усуллар ёрдамида олиниб даврий ёки мавсумий тарзда аниқланадиган зарарли моддалар ва элементлар миқдори аниқлашга асосланади. **Сув ресурслари мониторинги** -

Сув хўжалиги, Қишлоқ хўжалиги, Уй-жой комунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, "Ўзсувтаъминот" (Ўзбекистон сув таъминоти) Акционерлик Жамияти, Геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитаси тамонидан амалга оширилади.

Атмосфера ҳавоси мониторинги - атмосфера ҳавосини сифатига, миқдорий таркибига инсон фаолияти таъсирида доимий ва ҳаракатланувчи манбалардан чиқадиган ташланмаларни кузатиш тизимидан иборатдир. Бундай кузатув Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси тамонидан амалга оширилади.

Ҳайвонот олами мониторинги- ҳайвонот олами объектларининг турлари таркиби, санитарқалганлиги юзасидан кузатиш тизими бўлиб, ҳайвонларнинг яшаш муҳити, миграция йўллари, биохилма хилликни сақлаш мақсадида бошқа факторлар ва ҳайвонот оламини ҳайвонларда эпидимия тусини оладиган касалликлар, ноқонуний ов қилинишидан, бошқа ҳайвонлар тамонидан нобуд қилинишидан муҳофаза қилиш, ҳайвонлар ва уларнинг маҳсулотларидан илмий асосланган тарзда фойдаланишга имкон яратади. Бундай монитори ҳам Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси тамонидан амалга оширилади.

Ўрмон мониторинги – ўрмонлар мониторинги ўрмонларга салбий таъсирларнинг ўз вақтида олди олиниши учун давлат ўрмон фонди ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлашга, уни баҳолаш ва прогноз қилишга доир мунтазам кузатувлардан иборатдир. Бу мониторинг ўрмон хўжалигини сақлаш, оқилона фойдаланиш, ёнғиндан, дарахтларни касалланишидан, ўрмон бойликларини толон тароҷ қилиш кабилардан муҳофаза қилиш, зарур илмий тадқиотлар олиб бориш учун зарур бўлган маълумотларни тўплаш ва уларни таҳлил қилиш умумлаштириш борасидаги кузатув тизими бўлиб, Бу мониторинг "Ўрмон тўғрисида"ги Қонуннинг 19-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг 17.01.2020 йилдаги [31](#)-сон қарори билан Ўрмонлар мониторингини юритиш тартиби тўғрисида низом асосида юритилади..

б) Давлат экологик назорати

Мамлакатимизда туб ислоҳатлар ва демократлаштириш шароитида давлат экологик давлат назорати бошқарув тизими янги мазмун ва моҳият касб этмоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда унинг қуйидаги муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

Биринчидан, давлат экологик назорати бир эма, кўп эмас, барча давлат идораларнинг доимий амалга ошириладиган асосий фаолият турларидан бирига айланди.

Иккинчидан, давлат экологик назорати демократик, ошкоролик характериغا эга бўлиб, жамоатчилик манфаатига хизмат қиладиган бўлмоқда.

Учунчидан, давлат назорати экологик муаммоларни аниқлаш, уни олдини олиш, бутунлай бартараф қилиш вазифаларини хал қилишнинг самарали воситасига айланиб бормоқда.

Тўртинчидан, экологик назорат хеч қандай чекланмаган зўровонлик ҳаракатлари, шавқатсизликлардан мустасно бўлган ҳуқуқий воситалар ёрдамида сифатли ва самарали амалга ошириш имкониятлари яратилди.

Бешинчидан, экологик назоратни тизимли амалга оширилиши аҳолининг ҳаёти ва соғлиғи, мамлакат иқтисодий кудратини самарали ошириш, барча соҳаларда экологик ҳавфсизликни таъминлаш имконини яратмоқда.

Давлат экологик назоратининг муҳим жиҳатлари шундаки:

а) давлат номидан ; б) махсус ваколатли давлат идоралари ва мансабдор шахслар тамонидан амалга оширилади; в) идоравийликдан ташқари ва устиворли характериға эга; г) давлат экологик бошқарувининг функцияларидан бирдир; д) давлат назорати ҳолларда зарур албатта маъмурий жазо чоралари (экологик ноқонуний фаолияни тўхтатиш, табиат ресурсларидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, жарима ва шу кабилар)ни қўллаш билан боғлиқ бўлади.

Давлат экологик назоратининг бир неча турлари мавжуд:

Назорат қилинадиган фаолият босқичларига қараб: огоҳлантирувчи ва жорий экологик назорат; Назорат субъектларига қараб: умумий ва махсус давлат экологик назорат.

Умумий экологик назоратни амалга оширадиган субъектлар:

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва умумий ваколатга эга бўлган бошқа субъектлар.

Махсус экологик назоратни амалга оширувчилар:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси фавқулотда вазиятлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар буйича давлат кўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометрологик хизмат маркази;

Ўзбекистон Республикаси санитария эпидимиология хизмати.

Махсус ваколатли давлат органлари тизимида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси алоҳида статусга эгадир. Бу давлат органи 1988 йил Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси сифатида ташкил қилинган. Ўзбекистоннинг барча худудларида Қорақолпоғистон Республикасида, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳри, туман ва уларга тенглаштирилган шаҳарларда ўз идораларига эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Республикада экологик хавфсизликни таъминлаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, экологик ҳолатни яхшилаш, чиқиндиларнинг фуқаролар соғлигига зарарли таъсирининг олдини олиш, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун қулай шароитлар яратиш, маиший чиқиндиларни йиғиш, сақлаш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида: Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси этиб қайта ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: -экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви;

-атроф-муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;

-чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;

-ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан давлат экологик назоратни ўрнатиш;

-экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни амалга оширишга оид амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

-экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастрини юритиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларни, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларини, зоология ва ботаникага оид коллекцияларни давлат томонидан рўйхатга олиш;

-экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмиталари негизида Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ташкил этилди .

Мазкур фармонинг 5- бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг шартномалари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ва норматив-ҳуқуқий характерга эга бўлган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунушидан

катъий назар, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишлар соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун айбдор шахсларни ўрнатилган тартибда маъмурий жавобгарликка жалб этиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати таркибида Чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, тўпланиши, сақланиши, ташилиши, утилизация қилиниши, қайта ишланиши, кўмилиши ва реализациясини назорат қилиш инспекцияси, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг аппаратларида Инспекциянинг ҳудудий бўлинмалари;

Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари ҳузурида «Тоза ҳудуд» давлат унитар корхоналари ва шаҳарларда ҳамда республика туманларида туман ҳокимликлари ҳузуридаги ободонлаштириш бошқармаларининг маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш участкалари негизида уларнинг филиаллари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш республика инспекцияси Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳузуридаги Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси этиб қайта ташкил этилди, унинг ҳудудий инспекциялари тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида табиатни муҳофаза қилиш республика ва ҳудудий жамғармалари негизида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш жамғармасини ташкил этиш, унинг маблағларини, биринчи навбатда, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шу жумладан, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш, биоресурсларни сақлаш ва қайта тиклаш, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг мониторинги соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини олиб

бориш, тарғибот ва таълим ишларини ташкил этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2017 йил фармони ижросини таъминлаш мақсадида Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисидаги Президент қарори ҳам қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида қуйидагилар ташкил этилди:

- **Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйичаинспекцияси;**
- **Санитар тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар республика бирлашмаси;**
- **Экологик ахборот, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва мультимедия маркази.**

Қарор билан уларнинг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. Давлат экология қўмитаси ҳудудий бўлинмаларини мустаҳкамлаш ва экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияларини қўшимча таъминлаш мақсадида унинг тизимига 404 штат бирлиги киритилди.

Амалдаги экологик қонун ҳужжатлари ва экологик назоратни амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органлари тўғрисидаги Низомларни ўрганиш ва таҳлил қилиш уларга экологик назоратни амалга ошириш борасида муайян махсус ҳуқуқ ва бурчлар мажмуаси берилганлигини кўрсатди.

Мазкур давлат органларининг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқ ва бурчлари уларнинг махсус ваколатлари бўлиб, бу ваколатларни олтига йўналиш бўйича гуруҳлаш мумкин:

1)назорати остидаги объектларга бориш,уларнинг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш,табiiй ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳужжатлар билан танишиш, соҳага оид маълумотлар , маълумотномалар ва ҳисоботларни талаб қилиш;

2)аниқланган камчилликлар бартараф қилиш ва белгиланган муддатлардатабиатни муҳофаза қилиш бўйича профилактик тадбирларини ўтказишни талаб қилиш ;

3)табiiй ресурсларданфойдаланишга рухсатномалар бериш лимитлар ва нормалар белгилаш,давлат экологик экспертизасини тайинлаш ;

4)экологик зарар келтираётган объектлар фаолиятини чеклаш, тўхтатиш, уларни молиялаштираётган банкларга молиялаштиришнивақтинча тўхтатиш буйича илтимослар киритиш буйича иш кўзғатиш ;

5)экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ўрнатилган тартибда маъмурий жарималар қўллаш ;

б) атроф табиий муҳитга етказилган зарарларни ундириш тўғрисида даъво тақдим этиш ва ҳуқуқбузарлик буйича тўпланган материалларни айбдорни аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш учун тегишли давлат органларига йўллаш ҳуқуқлари ва бурчлари,яъни ваколатлари берилган.

Экологик давлат назорат соҳасидаги бу ваколатлар мулкчилик шакли,буйсуниш тартибидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларга тегишлидир.

Экологик давлат назорат соҳасидаги бу ваколатлар фаолият хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда,улар юритувига берилган ва бириктирилган табиий ресурслар доирасида барча махсус ваколатли давлат органларига тааллуқлидир.

в) идоравий экологик назорат

Идоравий экологик назорат- вазирликлар, давлат кўмиталари, идораларва уларга буйсунувчи ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар тамонидан амалга оширилади. Масалан, **Сув хўжалиги вазирлиги** сув ресурсларидан оқилона фойдаданиш, муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги амалдаги экологик қонун ҳужжатларида белгиланган экологик қоида ва талабларини ўзига буйсунувчи қархона,ташкилот ва муассасаларда бажарилишини назорат қилади.

Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги ва “Ўзбекистонсувтаъминоти” Акционерлик жамияти, вазирлик қошида ташкил этилган ичимлик сувини назорат қилиш инспекцияси - ичимлик суви таъминоти ва коммунал маъиший оқава сувларни чиқариб юбориш вауларни тозалаш тизимига кирувчи қархона,ташкилот ва муассасалар фаолиятида ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш ,ичимлик сув ресурсларини муҳофаза қилиш, ичимлик суви,оқава сувларни хавфсизлигини таъминлаш ишлари, сув иншоатлари ва объектлари хавфсизликларини назорат қилади.

Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2019 йил 26 ноябрдаги “Аҳолини ичимлик суви билан таъминланганлик даражасини ошириш ва унинг сифатини яхшилаш учун Ўзбекистон Республикасининг сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5883 фармонининг 2-бандида мувофиқ:

Уй-жой коммунал хизмат вазирлиги ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, сув ресурслари экологик хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш мувофиқлаштириш соҳасида, шунингдек, ягона сув балансини шакллантириш бўйича ваколатли давлат органи этиб белгиланди ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча вазифалар юкланди:

сув балансининг ягона ахборот тизимини яратган ҳолда Ягона давлат сув фонди сувларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотларнинг маълумотларини тўплаш, умумлаштириш ва тизимлаштириш орқали республиканинг ягона сув балансини шакллантиришни ташкил этиш;

сувни ҳисобга олишнинг ҳолати, унинг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш тўғрисида ваколатли органлар ва ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилиги мониторингини ўтказиш, зарур бўлганда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқиш;

Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бўйича ваколатли органлар ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш;

тоза ичимлик сувининг стратегик захираларини яратишни ташкил этиш, шу жумладан катта ҳажмдаги захира манбаларини барпо этиш;

сувдан фойдаланиш соҳасида замонавий инновацион технологияларни, шу жумладан сувнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этишни мувофиқлаштириш, уларнинг республика сув балансининг ягона ахборот тизимига интеграциялашувини таъминлаш.

Вазирликнинг марказий аппарати таркибига Ягона давлат сув фонди сувларини ҳисобга олиш, мониторинг қилиш, хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш, республиканинг ягона сув балансини шакллантириш, шунингдек, сув таъминоти ва сув чиқариш тизимида замонавий технологияларни жорий этишни ташкил қилиш ва мувофиқлаштиришга масъул бўлган вазирнинг биринчи ўринбосари лавозими киритилди.

Вазирлик марказий аппарати таркибида:

Ягона сув балансини шакллантириш ва мониторинг қилиш бош бошқармаси;

Ягона давлат сув фонди сувларининг хавфсизлиги ва сифатини таъминлаш бошқармаси;

Сув таъминоти ва сув чиқариш тизимларига замонавий технологияларни жорий этиш бошқармаси тузилди.

Қишлоқ хўжалик вазирлиги қишлоқ хўжалик ерлари, тўпроқ таркибини, сув ресурсларидан суғориш ишларида оқилона фойдаланиш, уларни турли хил ифлосланиш ва бузилиш ҳолатларидан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш чораларини ўзининг вилоят бошқармалари, туман бўлимлари, ўзига бўйсунувчи корхоналар, ташкилотлар муассасалар тамонидан экологик қоида ва талабларни бажарилишини назорат қилади.

Ички ишлар вазирлигининг автомобил транспорт инспекцияси (ГАИ) -автомобильтранспорт воситаларининг атроф муҳитга етказадиган ижтимоий зарарлари хавфини олдини олиш ва салбий ҳолатларни бартараф этиш фаолиятини назорат қилади.

Қурилиш вазирлиги - қурилиш корхоналари, ташкилотлари, муассасалари қурил иши бинолар ва иншоотларни лойиҳаларини, қурилиш жараёнини экологик хавфсизлик, санитария қоида ва талабларига риоя қилинишини назорат қилади.

Фавқулотда вазиятлар вазирлиги - фавқулотда бўладиган зилзилалар, сув тошқинлар, шамол, довул, бўрон, ёнғин кабиларни олдини олиш, оқибатларини барараф қилиш жараёнида экологик талаб ва қоидаларга риоя қилинишини назорат қилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитари эпидимология хизмати- тизимидаги касалхоналар, поликлиникалар инсон ҳаёти ва соғлиғига таъсир этувчи омилларни олдини олиш, касалларни даволаш, эпидимияларни олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш, барча корхона, ташкилот, муассаса, аҳоли яшаш пунктларида санитария қоидалари ва талабларига риоя қилиш фаолиятини назорат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат кўмитаси- ўз тизимидаги регионал ва маҳаллий идораларининг экологик талаб ва қоидаларга амал қилиш фаолиятини назорат қилади.

Ўзбекистон Саноат хавфсизлиги Давлат кўмитаси- саноат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалар тамонидан радиоцион хавфсизлик қоидалари, йўриқномалар ва бошқа талабларни, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш талабларини, ер ости бойликларини геологик жиҳатдан ўрганиш ишларини олиб бориш қоидалари ва талабларини, сув захираларини муҳофаза қилиш қоидалари ва талабларини бажарилиши соҳасидаги экологик фаолиятини назорат қилади.

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат кўмитаси- ўзига буйсунувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг экологик талаб ва қоидаларга амал қилиш фаолиятини назорат қилади.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси - ўз тизимидаги тузилмаларига (вилоят бошқамалари, бўлимлари, корхоналари, ташкилотлари, марказлари, институтларига) нисбатан идоравий экологик назоратни амалга оширади.

Мазкур кўмита тизимига кирмайдиган табиатдан фойдаланувчи субъектларга нисбатан давлат экологик назоратини амалга оширади.

г) ишлаб чиқариш экологик назорати

Ишлаб чиқариш экологик назорати- муайян хўжалик юритувчи субъект, корхона, ташкилот доираси билан чекланган бўлиб, унинг раҳбари ёхуд алоҳида хизмат тармоғи раҳбари (бош муҳандис, бош технолог кабилар) ёки махсус ташкил этилган экологик хизмат (бўлим) тамонидан қонун ҳужжатларига ёки махсус буйруққа мувофиқ, белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, яъни махсус ваколатларга асосан ташкил этилади. Ишлаб чиқариш экологик назоратнинг шакли ва тури унинг ташкилий ҳуқуқий шаклига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш экологик назорати - атроф муҳитни муҳофаза қилиш буйича режаларнинг бажарилишини, технологияларни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, экологик талабларга, стандартларга, ишлаб чиқариш экологик талаб ва нормативларига риоя қилиш, табиатни муҳофаза қилиш, объекларини қурилиши, ерларни бузилган қисмларини рекультивация қилиш буйича ишларни олиб бориш, ишлаб чиқариш фаолияти мобайнида вужудга келадиган салбий оқибатларни бартараф қилиш экологик қоидаларига риоя қилишлардан иборат.

д) жамоатчилик экологик назорати

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш билан экологик жамоат назорати ҳам кенг ривожланмоқда. Бу муҳим ҳуқуқий институт кўплаб халқаро ва миллий экологик ҳужжатларда кўрсатилган бўлиб, атроф муҳитни муҳофаза қилиш буйича тегишли қарорлар қабул қилинишида, экологик ҳавфсизликни таъминлашда, экологик зарарларни олдини олишда жамоатчиликни фаол иштирок этиши кўрсатилган.

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 32-моддасига мувофиқ, атроф табиий муҳит муҳофаза қилиш буйича жамоат экологик назорати жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари, нодавлат, ноижорат ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари, алоҳида фуқаролар томонидан амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат экологик назорат турли хил шаклларда амалга оширилиши мумкин:

а) жамоат экологик экспертизаси шаклида;

б) давлат бошқарув ва органларига, оммавий ахборот воситаларига муурожаат шаклида;

г) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ва судларга шикоят, ариза, даъво шаклларида амалга оширилади.

Жамоат экологик назорати-атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, аҳоли ҳаёти ва соғлиғига салбий таъсир кўрсатадиган экологик ҳуқуқбузарликларни олдини олиш, оқибатларини тезлик билан бартараф этиш экологик назоратни самарали бўлишига бениҳоя катта ҳисса қўшиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик экологик назорати тўғрисида”ги Қонун, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 8 октябрдаги “Жамоатчилик экологик назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги ва “Экологик назоратнинг жамоатчи инспекторлари тўғрисида”ги Намунавий низомлар жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Экологик назоратнинг муҳим жиҳати шундаки, унинг барча турлари ва амалга ошириш усуллари экологик ҳуқуқбузарликларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш имконини беради. Аниқланган экологик ҳуқуқбузарликларни содир этишда айбдор бўлган шахсларни вақтида аниқлаш, бу ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган зарарларни бартараф этиш, худди шундай ҳуқуқбузарликларни қайта содир этилишини олдини олиш, экологик ҳуқуқбузарликларни содир бўлиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва уларни бартараф қилиш имконини беради.

Маъмурий экологик ҳуқуқбузарликларни вақтида аниқлаш, уни зарарларини бартараф қилиш, экологик жиноятларни олдини олиш, бундай экологик жиноятлар оқибатида етказиладиган ижтимоий хавфларни вақтида олдини олиш имкон яратилади.

Назорат учун саволлар:

1. Экологик назорат тушунчаси ва турлари;
2. Экологик назоратнинг мақсад ва вазифалари;
3. Экологик назоратнинг объект ва субъектлари;
4. Экологик назорат турлари;

VIII. ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

Экология ва атрофмуҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар давлат назоратини амалга ошириш жараёнида жараёнида аниқланади.

1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ давлат назорати:

Мансабдор шахс корхонани кўздан кечириш даврида санитар-ҳимоя зонаси мавжудлиги, унинг майдони санитар норма талабларига мос келиши, санитар-ҳимоя ва селитеб зоналар чегарасида Узгидромет билан келишилган ва белгиланган намуна олиш шохобчаларининг мавжудлигини текширади.

Мансабдор шахс атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий ишлаб чиқариш цехларидан ташламаларни атмосфера ҳавосига ташлайдиган ташкилланган ва ташкил қилинмаган асосий манбаларни, манбалар баландлигини санитар нормаларга мос келишини ёзма қайд этади.

Масалан, агар ташкил қилинмаган чиқиндиларни атмосфера ҳавосига ташлайдиган манбалардан махсус тиббиёт чиқиндилар махсус идишда ёндириши натижасида чиқиндилар (бир маротаба ишлатиладиган шприцлар ва системалар) ташланиши аниқланган бўлди, дейлик. Ушбу чиқиндилар очик аланга олдириб ёқилиши натижасида атмосфера ҳавосининг кўшимча ифлосланишига олиб келади, бу ҳолат “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси, чиқиндиларни утилизация қилиш ва атмосфера ҳавоси ифлосланишининг олдини олиш тўғрисидаги қисми бузилишига олиб келади.

Ёки, иситиш мақсадида АГВ маркали иситиш қозонидан фойланишда унинг тутун чиқариш мўриси томнинг устида 1,5 метр баландликда туриши зарур.

Текшириш саволнома асосида ўтказилади ва далолатномага қуйидаги маълумотлар киритилади:

- “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (15-модда), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун (8-модда) бўйича.

- Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддаларни ташланишини нормалаш ишлари ҳолати: Ифлослантирувчи моддаларни чиқариш манбалари инвентаризациясини ишлаб чиқиш ва келишиш санаси, РЭЧЧ

100

норматив ҳужжатини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш санаси, бутун корхона бўйича РЭЧЧ норматив ҳужжатида ўрнатилган (г/с ва т/йил) меъёрлар мазмуни, РЭЧЧ норматив ҳужжатининг амал қилиш муддатлари ўрганиб чиқилади.

Агар корхонада ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси ва РЭЧЧ меъёрлари йўқлиги аниқланса, мансабдор шахс бу қонунбузилиш ҳолатини қайд қилади, кейин тегишли кўрсатма бериб, маъмурий жавобгарликка тортиш учун ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Масалан, бюджет тассаруфидаги ташиқлот ҳисобланувчи марказий туман касалхонасида ифлослантирувчи моддаларни чиқариш манбаларининг инвентаризация йўқлиги ва РЭЧЧ норматив лойиҳаси тайёрланмаганлиги аниқланди, бу “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг ҳар бир стационар манбага атмосфера ҳавосига чиқиндиларни ташлаш РЭЧЧ нормативи ўрнатилиши шартлиги ҳақидаги 8-моддасининг биринчи қисми бузилган деб ҳисобланади;

- чиқиндилар ҳисобини олиб борувчи масъул шахснинг мавжудлиги, бирламчи ҳисобни юритиш журналининг (БХХ (ПОД)-1,2,3.) ҳолати;

- атмосфера ҳавосига стационар ва кўчма манбалардан ифлослантирувчи моддаларни ҳақиқий ташлаш ҳажми, ташламаларнинг кўпайиш ёки камайишга мойиллиги қандайлиги? Атмосфера ҳавосига ташланаётган умумий ифлослантирувчи моддалар бўйича тақсимланишини тавсифлаш;

- асосий чиқинди манбаларида давлат аналитик назорати, шунингдек корхона томонидан мустақил равишда бажарилган ишлаб чиқариш назорати натижалари бўйича “1-ЭКО” ёки “1-КБ” (*атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўлими*) статистик ҳисоботларига биноан, ҳақиқий чиқиндилар ҳажмини РЭЧЧ нормативларида ўрнатилган ташламаларнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ ҳулоса чиқариш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунга биноан (24-модда):

- атмосферага ташланадиган чиқиндиларни тозалаш иншоотлари, жиҳозлари, асбоб-ускуналарни ишга тушириш қоидаларига риоя қилиш ва улар устидан ўрнатилган назорат; тизимли чанг ушлаш ва газ тозалаш жиҳозлари (ЧГТУ) воситаларининг сони, унинг қуввати, ЧГТУларнинг техник ҳолати, лойиҳавий самарадорлиги мавжудлиги, ЧГТУнинг паспорти, ўрнатилмаган ЧГТУ мавжудлиги, янгисининг жорий этилиши, амалдаги ЧГТУларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш. Аналитик назорат

натижалари бўйича ишлаб турган ЧГТУнинг лойиҳавий ва ҳақиқий самарадорлигини солиштириб баҳолаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига ва “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига биноан:

- автотранспорт воситаларини ишлатиш ва таъмирлашда ишлаб чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар меъёрларига амал қилиш; автотранспорт воситалари, (шундан карбюраторли, дизелли, газ баллонли транспортлар) сони, диагностика постлари, газоаналитик жиҳозлар мавжудлиги, улар назоратдан ўтганлиги;

- двигателлардан чиқаётган газнинг токсикологик ва тутунлиги бўйича техник хизмат (ТХ) ва техник таъмир (ТТ) регламенти билан ўрнатилган муддатларда корхонада назорати ўрнатилганлигини текшириш, Автомобилларни газ ёқилғисига ўтказиш тадбирларининг олиб борилаётганлиги.

- автотранспорт корхонасини (АТК) кўздан кечириш мобайнида барча корхоналар учун умумий саволлардан ташқари мансабдор шахс эътиборини корхонада автотранспорт воситаларидан чиқаётган газларнинг токсикологик ва тутун қалинлиги, диагностика пости ёки назорат-созлаш шоҳобчаси мавжудлигига қаратиши зарур.

Диагностика пости ёки автотранспорт воситаларидан чиқаётган газларнинг токсикологик ва тутунлиги назорат-созлаш шоҳобчаларини ўрганиш даврида мансабдор шахс қуйидагиларга эътиборини қаратиши лозим:

- асбоб-ускуналар, назорат воситалари (газоанализатор ва тутун ўлчов асбоблари) билан таъминланганлик, уларни стандартлаштириш органлари томонидан давлат қиёсловидан ўтганлик ва рухсат бериш муддатлари;

- автотранспорт воситаларининг экологик ҳолатини текшириш билан боғлиқ меъерий ҳужжатлар мавжудлиги;

- автотранспорт воситаларидан чиқаётган газларнинг токсиклиги ва тутунлигини текшириш жадвали мавжудлиги ва унга риоя қилиниши;

- корхонада двигателлар бўйича аккумулятор назорат-созлаш ишларни олиб борувчи мутахассислар билан тўла таъминланганлиги.

Бундан ташқари, диагностика пости ёки назорат-созлаш шоҳобчасида автотранспорт воситаларидан чиқаётган газлар заҳарлилиги ва тутунлигини рўйхатга олувчи журнал бўлиши шарт, унда нафақат

ўлчовлар натижалари, балки, ушбу ифлослантирувчи моддаларни ўрнатилган меъёрларга келтириш чоралари ҳам қайд қилинган бўлиши керак.

Бензинли автомобиллардаги ишлатилган газларда углерод оксиди ва углеводородлар миқдори “Табиатни муҳофаза қилиш. Атмосфера. Бензинли автомобиллардан чиқувчи ишлатилган газлардаги углерод оксиди ва углеводородларнинг миқдори меъёрлар ва ўлчов усуллари. Хавфсизлик талаблари.” ГОСТ-17.2.2.03–87, 2-сонли “Ўзгартишлар”га мос келишини текшириш.

Дизелли автомобилларда тутун қалинлиги миқдори “Дизели автомобиллар. Ишлатилган газлар тутунлиги. Ўлчов меъёрлари ва усуллари.Хавфсизлик талаблари” ГОСТ-21393-75 1-сонли “Ўзгартиришлар”га мос келиши.

Газ ёқилғисида ҳаракатланадиган автомобилларининг ишлатилган газлардан ҳосил бўлган углерод оксиди ва углеводородларнинг миқдори “Табиатни муҳофазалаш. Атмосфера. Фойдаланишдаги газ баллонли автомобилларнинг ишлатилган газларида углерод оксиди ва углеводородлар миқдорларининг меъёрлари ва ўлчаш усуллари” О’з DSt 2305:2011 давлат стандарти талабига мос келиши лозим.

Мансабдор шахс ишлатилган газлар заҳарлилиги ва тутунлигининг назорат ўлчовлари ўзига тегишли бўлган газоаналитик асбоб-ускуналарида, текширилаётган корxonанинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассисини жалб қилган ҳолда ўтказди. Текшириш автотранспорт воситаларини гараждан чиқиб кетишда ва қайтиб келишда, шунингдек таъмирдан чиққан вақтида ўтказилади.

Моторини созлашдан ўтган автотранспорт воситаси углерод оксиди, углеводородлар ва тутун қалинлиги ўрнатилган меъёрларга мос келишини мансабдор шахсга текшириш учун қайта кўрсатилиши зарур.

Углерод оксиди, углеводородлар ёки тутунлиги миқдори ошганлиги аниқланса, мансабдор шахс камчиликлар бартараф этилмагунга қадар автомобиллардан фойдаланишни тўхтатади, бу ҳолатни ҳам далолатнома-кўрсатмада акс эттириб, текширилаётган корxonанинг ушбу масала бўйича мансабдор шахсига нисбатан маъмурий чора қўллаш масаласини кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддаси бўйича:

- таркибида озон қатламини емирувчи моддалар (ОЕМ) мавжуд бўлган жиҳозларни ишлатиш, ОЕМ ҳисобини олиб бориш, озон учун хавфсиз бўлган моддаларга алмаштириш талабларига риоя қилиниши, хладагент маркасини аниқлаш, ОЕМни қачон, қанча миқдорда озонга хавфсиз модда билан алмаштирилганлиги, ОЕМ бўлган қурилмалар (R-12, К-11....) ни корхонага олиб кирмаслик ишларининг амалга оширилиши.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддаси бўйича:

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш қисмидаги чиқиндиларни жойлаштириш ва қўмиш талабларига риоя қилиниши.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 46-моддаси, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 23-моддаси бўйича:

Экологик ёки гигиеник сертификатларга эга бўлмаган, шунингдек уларда белгиланган талаб кўрсаткичларидан четланган ҳолда хом ашё ва материаллардан фойдаланиш, технология жараёнларини жорий этиш ҳамда тайёр маҳсулотлар (шу жумладан озиқ-овқат маҳсулотлари) чиқариш тақиқланади. Экологик сертификатлаш қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ҳам ўтказилади.

Экологик сертификатлаш тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди.

Атмосфера ҳавосининг ҳолатига, иқлимга ва озон қатламга зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган кашфиётлар, ихтиролар, саноат намуналарини жорий этишни, техника, технологиялар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва материаллардан, ёқилғидан фойдаланишни ҳамда тайёр маҳсулот чиқаришни сертификатсиз ёки унда белгиланган кўрсаткичдан четга чиққан ҳолда амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Жойлардаги экология ва атроф муқитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича ҳудудий инспекциянинг инспекторлари объектларни текшириш жарёнида, корхонада ишлаб чиқилган экологик меъёрий ҳужжатлар (ПДВ, ПДС, ПДО)га мувофиқ улардаги маҳсулот ишлаб чиқариш технологик жараёнлари, хизмат кўрсатиш фаолиятларини экологик сертификатлаштирилишини текширишлари лозим бўлади. Акс ҳолда

мансабдор шахсларга белгиланган тартибда бажариш муддатини кўрсатилган ҳолда ёзма кўрсатма тақдим этадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддаси бўйича:

- ноқулай метеорологик ҳолатларда корхонада чиқиндилар ташланишини вақтинча бошқариш бўйича ишлар ҳолати.

Корхоналар барқарор ишлаб турган вақтда муайян об-ҳаво шароитида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши сезиларли даражада ортиши кузатилади. Бундай ҳолат ноқулай метеороҳолатлар деб ҳисобланади ва улар атмосфера ҳавосига ташланаётган ифлослантирувчи моддаларни қисқа муддатга камайтиришига қаратилган аниқ тадбирлар ўтказилишини талаб қилади.

Корхона, муассаса ва ташкилотлар ноқулай метеороҳолат даврида ифлослантирувчи моддаларни атмосфера ҳавосига ташлашни РЭЧЧ меъёри даражасида бўлишини вақтинча бошқариш бўйича тадбир ишлаб чиқади ва келишади. Бундай шароитда бир кун аввал “Ўзгидромет” томонидан махсус рўйхатга киритилган ташкилотлар ва корхоналарга (аниқ вақти ва ҳаракат вақти кўрсатилган) корхонада махсус журналга рўйхатга олинган бўрондан огоҳлантириш ҳақидаги тезкор ахборот берилади. Бўрондан огоҳлантиришни қабул қилган масъул шахс зудлик билан вақтинча чиқиндиларни камайтириш тадбирларини ташкил қилиш бўйича масъул шахсларга етказилади. Ушбу масъул шахслар тайёрлов ишларни олиб борадилар, бўрондан огоҳлантириш топшириғи кучга кириши билан чиқиндиларни ташлаш миқдорини камайтириш тадбирларини бажаришади, ушбу ҳаракатлар махсус журналга тадбирларини бажариш вақти ва улар экологик самарадорлиги (кг/соат акс миқдорида этилган ҳолда) ёзилади.

Мансабдор шахс корхонада бўрондан огоҳлантиришни қабул қилишга жавобгар шахсларни тасдиқловчи ҳамда тадбирлар ўтказилиши тўғрисидаги буйруқ, бўрондан огоҳлантириш журнали мавжудлигини, унинг тўғри тўлдирилиши, вақтинча чиқиндиларни махсус бошқариш тадбирини бажарувчилар билан келишилгани, бажарилган тадбирлар ва улар самарадорлиги тўғрисидаги мавжуд ёзувлар, корхона томонидан ифлослантирувчи моддаларни атмосферага ташлаш вақтидаги назорат ўлчовлари ўтказилганлигини текширади.

Агар корхонани текшириш даврида бўрондан огоҳлантириш келса, мансабдор шахс вақтинча чиқиндиларни камайтириш бўйича тадбирлар

бажарилишини, атмосферага ифлослантирувчи моддаларни ташлаш даврида назорат ўлчовлари ўтказилишини текшириши лозим.

2. Сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича давлат назорати

Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни (7, 26, 27- моддалари) бўйича:

- сувдан фойдаланиш ва оқавалар ташлаш - далолатнома матнида қуйидагиларни кўрсатиш лозим: номи (дарё, кўл, сув омбори ва бошқалар), ер ости сув олиш манбалари (ўзи қуйиладиган, босимли, босимсиз қудуқлар), шаҳар-туман ичимлик сув тармоғи, шаҳар-туман оқава сув тармоғи, бошқа ташкилотларнинг ичимлик ва оқава сув тармоқлари, оқава сувларни очиқ ер майдонига, йиғувчи ҳавзаларга ташлаш;

- сув олиш иншоотларнинг техник тавсифлари – далолатномада сув олиш насосларини сони, уларнинг русуми, ишлаётган ҳолатлари сони, захирада турганлари, таъмир ишларига зарурлари, консервация ёки демонтаж талаб қилинадиганлари сони, ўртача иш вақти (соат/сутка), қувурларнинг диаметрлари кўрсатилиши лозим;

- сувдан фойдаланишга ва оқава сувларни ташлашга берилган рухсатнома ҳужжатларининг мавжудлиги, ушбу ҳужжатларни берган орган номи, берилган санаси, амал қилиш муддатларини кўрсатилиши - буларга тааллуқли бўлган ичимлик-оқава сув тармоқлари эгалари билан ўзаро шартномалар, техник шароитлар мавжудлиги, сувдан фойдаланишга махсус рухсатнома (СФМР) ҳамда рухсат этилган чегаравий ташлама (РЭЧТ), меъёрий ҳужжатлари асосида оқава сувларни сув ҳавзалари ва жой рельефига ташлаш.

“Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни (35, 73, 74- моддалари)га асосан;

- сувни ҳисоблаш жиҳозлари мавжудлиги – русумлари, техник ҳолати (соз ёки носоз);

- ПОД-11, ПОД-12 шаклида сувнинг бирламчи ҳисобини юритиш – олиб борилиши;

- манбалар бўйича амалда сувдан фойдаланиш ҳажми – ер усти сув манбаларидан ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{йил}$), ер ости сув манбаларидан ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), шаҳар ичимлик сув тармоғидан ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), бошқа корхоналардан ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$);

- сув қабул қилувчилар томонидан ҳақиқий оқава сув ташлаш ҳажми – ер усти сув манбаларига ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), шаҳар оқава сув тармоғига ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), бошқа корхоналарни оқава сув тармоқларига ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$);

-манбалардан рухсат этилган сувдан фойдаланиш ҳажми – ер усти сув манбаларидан($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), ер ости сув манбаларидан ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), шаҳар ичимлик сув тармоғидан ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), бошқа корхоналардан ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$);

- қабул қилувчиларга рухсат берилган оқава сув ташлаш ҳажми- ер усти сув манбаларига ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), шаҳар оқава сув тармоғига ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), бошқа корхоналар оқава сув тармоқларига ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$);

- тасдиқланган меъёрий кўрсаткичлар ва лимитларни ҳақиқий маълумотлар билан солиштириш ва хулоса чиқариш.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни (19-моддаси)га асосан;

- тозалаш иншоотларининг тавсифи ва техник ҳолати ҳамда уларнинг иш самарадорлиги–иншоотлар тоифаси, тозалаш тури (механик, биологик, физик-кимёвий), ишга туширилган йили, қуввати(лойиҳавий ва амалда, $\text{м}^3/\text{кун}$), иншоотларнинг таркиби (механик тўсиқлари, бирламчи тиндиргичлар – уларни сони, аэротенкалар – улар сони, йўлкалар узунлиги, иккиламчи тиндиргичлар – улар сони, хлорлаш хонаси, лойқа карталари – уларни майдони ва бошқалар);

- айланма ва иккиламчи кетма-кет сувдан фойдаланиш тизимларининг тавсифи – амалдаги лойиҳавий қуввати ($\text{м}^3/\text{кун}$, $\text{м}^3/\text{й}$), фойдаланиш мақсадлари (совутиш, кондиционер сифатида, сувни тежаш), қайси цехларда, уларнинг жиҳоз таркиби (насослар, қувур тармоқлари, ва ҳоказо).

3. Ер ресурсларни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича давлат назорати.

Далолатномада куйидаги маълумотлар акс эттирилади:

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси 15-моддасига асосан;

- ер кадастр ҳужжатларининг мавжудлиги – улар рўйхатдан ўтган рақами ва тузилган вақти кўрсатилади. Кадастр китобига асосан корхона балансида бўлган барча объектлар рўйхатдан ўтказилади (цехлар, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар).

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексининг 23, 24, 25, 33-моддаларига асосан:

- ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган давлат далолатномаси ва ҳокимият органлари қарори – уларнинг мавжудлиги, рўйхатдан ўтказилган рақами ва санаси, ажратилган ер майдони, ерлар тоифаси, объект жойлашган

харитаси кўрсатилади. Ер ажратиш масалаларини кўриб чиқиш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш назорати вакиллари иштирок этади.

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси 40, 79-моддаларига асосан:

- ердан фойдаланишда экологик талабларга риоя этилиши – у ўз ичига белгиланган мақсадда ерлардан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш технологияларини қўллаш, хўжалик фаолиятини юритиш даврида ҳудудда экологик вазиятнинг ёмонлашишига йўл қўймаслик; фойдаланилаётган мелиорация ва ирригация тизимлари, муҳандислик тармоқларининг соз ва ишчи ҳолатда сақланиши, фойдали қазилма конлари, қурилиш ва бошқа ишлар амалга оширилганидан сўнг қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер майдонларини қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида фойдаланишга яроқли ҳолга келтириш, кўрсатилган ишлар бошқа ерларда амалга оширилганида - уларни кўрсатилган ҳолда фойдаланишга яроқли сақлаш (рекультивация қилинган ерларни эгасига топширилганини тасдиқловчи ҳужжатлар); ерларни сув ва шамол эрозиясидан, селдан, сув босишидан, ботқоққа айланишидан, иккиламчи шўрланишидан, сувсизликдан қуришидан, зичлашишидан, ишлаб чиқариш чиқиндилари билан ифлосланишидан, кимёвий ва радиактив моддалар билан ифлосланишидан ва бошқа ер таркибини бузилишига олиб келадиган жараёнлардан ҳимоя қилишни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикасининг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуни (41-моддаси)га асосан:

- муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ерларидан фойдаланиш (сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқ бўйи минтақалари) – бу ерларда қуйидагилар тақиқланади: дарахт ва буталарни кесиш (парваришlash ва санитария мақсадидаги кесиш бундан мустасно); заҳарли кимёвий моддаларни қўллаш; заҳарли кимёвий моддалар ва минерал ўғитлар омборларини қуриш; харом ўлган чорва моллар кўмиладиган жойларни ташкил этиш; чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш; канализация-тозалаш ва оқава сувлар тўпланадиган иншоотларни қуриш; чорвачилик ва паррандачилик мажмуаларини жойлаштириш, шунингдек суғориш учун суяқ гўнг (“шарбат”) ишлатиш; автомобиль транспортини қўйиб туриш, уларга ёқилги қуйиш, уларни ювиш ва таъмирлаш жойларини ташкил этиш; нефть маҳсулотлари омборларини ташкил этиш; зиғир, каноп, тери ювиш. Қирғоқ бўйи минтақаларида юқорида назарда тутилган чеклашлар ва тақиқлардан ташқари қуйидагилар тақиқланади: минерал ва органик ўғитларни қўллаш;

чорва молларни ўтлатиш; ҳар қандай турдаги қурилиш, сув хўжалиги объектларини қуриш бундан мустасно; белгиланмаган жойларда қайиқлар боғлаб қўйиладиган жойлар ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси (81-моддаси)га асосан:

- кимёвий, радиоактив моддалар билан ифлосланган, шўрланиш ва эрозияга учраган ерлар мавжудлиги – уларнинг майдони (га, м²), корхона томонидан фойдаланилаётган ёки фойдаланилмаётган ерларини кўрсатиш лозим. Ерлар унумдорлигини қайта тиклаш бўйича кўрилган тадбирлар – у ўз ичига рекультивация қилиш, зарарсизлантириш, консервациялаш ишларини қамраб олади, ушбу кўрсаткичларда сўнгги текшириш ўтказилган кундан сўнг режалаштирилган ва ҳақиқатда амалга оширилган ишлар ҳажмини динамик ўзгарувчанлиги акс эттирилади.

- кимёвий воситалар, захарли моддалар ва минерал ўғитларни сақлашга мўлжалланган иншоотларнинг мавжудлиги ва техник ҳолати – бунда бино-иншоотлар эгаллаган майдони, унинг жиҳозланганлиги (оддий, мослаштирилган) акс эттирилади, уларнинг техник тавсифи (сифими, ҳажми – тоннада ва м³, сувдан ҳимоя қилиш қопламалари ва вентиляция билан таъминланганлиги, минерал ва захарли моддаларни сақлаш учун алоҳида бўлинмаларга эгаллиги ва ҳоказо), сақлаш қоидаларига риоя қилиниши, моддалар тури ва сони, ишлатилиши тақиқланган моддалар мавжудлиги.

Бошоқли дон маҳсулотлари поясини ёқиш ҳолатлари аниқланганда ҳуқуқбузарларга нисбатан Ўзбекистон Республикасини МЖТКни 88-моддасига асосан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 25 декабрда 1647-сон билан рўйхатга олинган “Бошоқли дон экинлари сомонини ёқиб юборилиши натижасида етказиладиган зарарни аниқлаш ҳамда ушбу ҳолатларни содир этган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қўллаш бўйича Низом”га биноан зарар ҳажмини ҳисоблаш лозим.

4. Чиқиндиларни бошқариш соҳасида давлат назорати

Далолатномада қуйидаги маълумотлар акс эттирилади:

- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари тавсифи – корхонада ҳосил бўлаётган чиқиндилар тури ва сонини ёритиш (бирлиги тн, м³), шу жумладан хавфлилик даражаси бўйича; чиқиндиларни зарарсизлантиришда қандай ишлар амалга оширилди (режа, ҳақиқатда), зарарсизлантириш бўйича ишлаб чиқилган режани бажарилмаслик сабаблари;

- ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндиларни жойлаштириш учун ажратилган ер майдонларидан фойдаланиш – ажратилган майдон (га, м²) ва

унинг ҳолати кўрсатилиши шарт, улардан фойдаланиш самарадорлиги, бузилган ерларни қайта тиклаш-рекультивация ишларини олиб борилиши (режа, ҳақиқатда). Атроф табиий муҳитга чиқиндиларни рухсатсиз жойлаштириш ҳоллари. Кўрилган чоралар.

Ўзбекистон Республикасининг “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонун (18 моддаси) га асосан;

- корхонада чиқиндиларни меъёрлаш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати – ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари инвентаризацияси меъёрий ҳужжатининг ишлаб чиқилган ва келишилган санаси, чиқиндилар ҳосил бўлиши ва жойлашуви лимитлари меъёрий ҳужжати ишлаб чиқилган ва тасдиқланган санаси, ушбу ҳужжатларнинг амал қилиш муддатлари, меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган талабларга риоя қилиш ҳолатлари, ишлаб чиқариш жараёнида чиқиндиларни жойлаштириш назоратининг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунини 22-моддаси, “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонунини 15, 19, 27-моддалари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йили 23 октябрдаги 405-сонли “Таркибида симоб моддалари бўлган лампалар ва приборлардан фойдаланиш ва уларни фойдали равишда ишлатиш корхоналари фаолиятини тартибга солиш тўғрисида»ги қарорига асосан:

- чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга оширишда талаблар ва мажбуриятларга риоя қилиш – чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, атроф табиий муҳитга нисбатан хавфлилик даражасини аниқлаш; чиқиндиларни тўплаш, бегиланган тартибда сақлаш, уларнинг йўқ бўлиши ва бузилишига йўл қўймаслик; чиқиндилар аралашиб кетишининг олдини олиш; чиқиндиларни белгиланмаган жойларда ёки объектларда зарарсизлантириш ва кўмишга йўл қўймаслик; чиқиндиларни корхона ҳудудида жойлаштирганда санитар ва экологик ҳолатини назорат қилиш;

- чиқиндиларни юқори даражада зарарсизлантириш (утилизациялаш) нинг мажмуавий тадбирларини амалга ошириш; уларни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга сотиш ёки бериш;

- чиқиндиларни экологик сертификациялаш талабларини амалга ошириш;

- “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 27-моддасига асосан чиқиндиларни паспортлаш ишларини амалга ошириш;

- симобли лампалар ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, сақлаш ва тегишли корхоналарга демеркуризация қилиш учун топшириш йўлга қўйилганлиги ва шартномалар мавжудлиги;

- “Чиқиндилар тўғрисида”ги Қонуннинг 28-моддасига асосан чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастри талаблари бажарилиши;

- “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуннинг 19-моддасига асосан олди-сотди, экспорт-импорт операцияси объекти бўлган чиқиндилар, шунингдек ташилиши керак бўлган хавфли чиқиндилар чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга мувофиқлик бўйича чиқиндиларни экологик сертификациялаш талабларини амалга ошириш;

- “Чиқиндилар тўғрисида”ги қонуннинг 20-моддасига асосан хавфли чиқиндиларни ташиш чиқиндиларнинг экологик сертификат ҳамда уларни ташиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилган рухсатнома мавжуд бўлган тақдирда махсус жиҳозланган транспорт воситаларида амалга оширилади.

Хавфли чиқиндиларни бехатар ташиш учун жавобгарлик транспорт ташкилоти зиммасида бўлади.

Чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойлари тўғрисидаги ахборотлар тўпланиши, қайта ишланиши, сақланиши ва таҳлил қилинишини таъминлаш мақсадида чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастри юритилиши, кадастрда чиқиндиларнинг миқдор ва сифат тавсифлари, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тўғрисидаги ҳамда уларнинг хавфлилиқ даражасини камайтириш чора-тадбирлари ҳақидаги ахборотлар борлиги.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2018 йил 2 октябрдаги 787-сон қарори талаблари ижросини ёритиш лозим.

5. Ер ости бойликларни муҳофаза қилишда давлат назорати

Мансабдор шахс текширишни корхонада ер ости бойликларини муҳофаза қилиш бўйича мавжуд ҳужжатларни ўрганишдан бошлайди, ушбу ҳужжатлар юқори ташкилотнинг талабларига, табиатни муҳофаза қилиш назорати кўрсатмаларига ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келишини кўриб чиқади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунни 26, 27-моддаларига асосан:

Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг мавжудлиги – рўйхатдан ўтказиш рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилиши шарт;

- Ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси, тоғ ерларини ажратиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилганлиги – рўйхатдан ўтказиш рақами, берилган санаси, ажратилган майдони, қазиб олиш ҳажми ва амалдаги ҳолат акс этирилиши лозим;

- тоғ ишларини ривожлантириш режаси - мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги Давлат кўмитаси билан келишилган санаси, рўйхатдан ўтказилган рақами, унга риоя қилиниши акс этирилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 33, 35, 37-моддаларига асосан:

- ер ости бойликларидан фойдаланувчилар томонидан атроф муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилиши, ер ости бойликларини қазиб олишда атроф муҳитга зарарли таъсирни камайтириш юзасидан тадбирларнинг бажарилиши – ушбу бўлимда ер ости бойликларидан фойдаланишда корхона томонидан лицензияда кўрсатилган экологик шарт ва талабларга риоя қилиниши акс этирилиши лозим;

- ер ости бойликларидан фойдаланувчи томонидан ер ости бойликлардан фойдаланиш жараёнида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг салбий оқибатларини бартараф этишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши;

- фойдали қазилма бойликларини қазиб олиш тўғрисида лойиҳа, шунингдек қурилиш, мукамал таъмирлаш, корхона томонидан бузилган ерларни қайта тиклаш ва ер ости бойликларини қазиб олиш ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш лойиҳалари учун экологик экспертиза томонидан берилган хулосалар мавжудлиги (ҳужжатнинг номи, берилган санаси ва рўйхатдан ўтказилган рақами). Давлат экологик экспертизаси томонидан берилган хулоса шартларига риоя қилиниши;

- ер ости бойликларидан, минерал хом ашё маҳсулотларидан оқилона ва мажмуавий фойдаланиш юзасидан олиб борилаётган ишларда атроф муҳитнинг экологик хавфсизлигига риоя қилиниши;

- кенг тарқалган фойдали ер ости бойликлари конларидан фойдаланишда ўрнатилган қоида ва меъёрларга риоя қилиш;

- фойдали қазилма бойликлари ва минерал хом ашёни қазиб олишда, минерал хом-ашёдан мажмуавий фойдаланишда, фойдали қазилма билан биргаликда қазиб олинаётган бошқа хом ашёни сақлаш ва ҳисобини юритиш, аммо вақтинча фойдаланилмаётган ва таркибида қимматбаҳо компонентларга эга, қазиб олинган устки қатлам ерлардан оқилона фойдаланиш (ҳажми, эгаллаб турган майдони, устки қатламларни сақлаш тури);

- ер ости бойликларидан фойдаланишда ва минерал хом ашёни қайта ишлашда атроф муҳитни ифлосланишдан ва камайишидан муҳофаза қилиш; чиқиндилар ва ер ости бойликлари жойлашган ерларни, энг кам атроф муҳитга зарар етказувчи чиқиндихоналар, терриконларни жойлаштириш; ер остида зарарли моддаларни, ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган радиактив чиқиндиларни кўмишда белгиланган талабларга риоя этиш; ер ости бойликлардан фойдаланишда сув ресурсларидан фойдаланиш, ер ости сувларининг ифлосланиши ва камайишига йўл қўймаслик.

Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодексининг 40-моддаси, “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги қонунни 33-моддасига асосан:

ер ости бойликларидан фойдаланиш даврида, шунингдек фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда бузилган ерларни қайта тиклаш бўйича иш режасининг мавжудлиги ва унинг бажарилиши – бузилган ерларнинг умумий майдони, уларни қайта тиклаш лойиҳаси, лойиҳа бўйича қайта тикланадиган майдон, ҳақиқатда амалга оширилган ишлар, ерларнинг топширилгани тўғрисидаги далолатнома ва ҳокимият қарорининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатларни акс этиш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонунининг 10-моддасига асосан:

- фойдали қазилмаларни муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар чегарасида қазиб олиш (сувни муҳофаза қилиш зоналари, ва ҳаказо) – табиатни муҳофаза қилиш назорати, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ҳамда геология хизматларидан фойдали қазилма қазиб олиш ва бошқа ишларни амалга ошириш чоғида дарё оқимини ўзгартириш ва сув объектларига таъсир этиш бўйича рухсатноманинг мавжудлиги кўрсатилиши лозим.

Аниқланган табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги бузилиши ҳолатларида чоралар кўриш билан биргаликда корхона фаолияти (10 иш кунига) вақтинча тўхтатилади.

6. Атроф табиий муҳитнинг ишлаб чиқариш мониторинги.

“Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 5 сентябрдаги 737-сон қарорига мувофиқ ўрганиш даврида мансабдор шахс куйидагиларга эътиборини қаратиши лозим:

Фаолияти атроф табиий муҳитнинг ёмонлашишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган атроф-муҳитга таъсири хавфи юқори ва ўртача бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан атроф табиий муҳитнинг идоровий мониторингини мажбурий тартибда амалга оширилиши;

Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг ахборот-таҳлил бўлинмалари (хизматлари) томонидан:

маъмурий-худудий тузилма доирасида барча махсус ваколатли давлат органлари билан ўзаро ахборот ҳамкорлигини ташкил этилиши;

хўжалик фаолияти учун ажратилган ҳудуд доирасида табиий муҳит, табиий ресурслар тўғрисида ахборот тўпланиши, қайта ишланиши, маълумотларни таҳлил қилиниши ва ахборот тайёрланиши;

хўжалик фаолияти учун ажратилган ҳудуд доирасида табиий муҳит компонентлари ўзгаришларини прогноزلаштириши ва экологик офат зоналари, фавқулодда экологик вазиятлар юзага келишининг, шунингдек, табиий муҳит салбий ўзгаришларининг олдини олиш бўйича тадбирларни ахборот билан таъминлашини;

ифлослантириш манбаларида, шунингдек, уларга туташ бўлган аҳоли пунктларида Давлат экология қўмитаси ва “Ўзгидромет” маркази билан келишган ҳолда, ифлослантирувчи моддаларни чиқариш (ташлаш)ни ҳисобга олиш бўйича автоматик станцияларни ўрнатишни назарда тутувчи дастурларни ишлаб чиқишини, тасдиқлашини ва амалга оширишини (68-банд).

Атроф табиий муҳитнинг ишлаб чиқариш мониторинги атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги билан қамраб олинмаган объектларда (манбаларда) ўтказилади ва ифлослантириш манбаларида, шунингдек, уларга туташиб кетган аҳоли пунктларида ифлослантирувчи моддаларни чиқариш (ташлаш) ҳажмларини мунтазам кузатишни ифода этади (67-банд).

Атроф табиий муҳитнинг ишлаб чиқариш мониторинги доирасида олинган намуналар аккредитация қилинган лабораторияларда синовдан ўтказилади.

Ифлослаштириш манбаларида, шунингдек, ифлослантириш манбаига туташ бўлган аҳоли пунктларида ифлослантирувчи моддаларни чиқариш (ташлаш)ни ҳисобга олиш бўйича автоматик станциялар мажбурий тартибда Атроф табиий муҳит мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасига уланади (69-банд).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг атроф табиий муҳитнинг ишлаб чиқариш мониторингини амалга оширувчи ахборот-таҳлил бўлинмалари (хизматлари) ҳар йили, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмасдан, Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органларига ишлаб чиқариш мониторинги натижаларини юборади” (70-банд).

7. Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда давлат назорати

Табиий ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликлар хом ашёсини териш, йиғиш ва ёввойи ҳайвонларни овлаш квоталаридан фойдаланишни назорат қилиш

Квота – айрим доривор, озиқ-овқатбоп ва техник табиий ўсимлик турлари хомашёси, меваси ҳамда улар қисмларидан тайёрлаш ва йиғиб олиш ҳамда ҳайвонлар популяциясини айрим турларини тутиш, овлашга (овланган ва отиб олинган) Ўзбекистон Республикаси давлат Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг буйруғи билан тасдиқланадиган меъёр. Квота рухсатнома бериш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Ҳайвонлар популяциясини айрим турларини тутиш, овлашга ўрнатилган меъёр - Квота табиатдан фойдаланувчиларга рухсатнома расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси давлат Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий органларига юборилади.

Доривор, озиқ-овқатбоп ва техник табиий ўсимлик турлари хомашёси, меваси ҳамда улар қисмларидан тайёрлаш ва йиғиб олишга рухсатнома ўрнатилган меъёр – квотага мувофиқ табиатдан фойдаланувчиларга Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан расмийлаштирилади.

Рухсатнома табиатдан фойдаланувчиларга уларнинг аризаси асосида ва табиий муҳитдан териладиган, йиғиладиган, тутиладиган ва овланадиган биологик хилма-хиллик объектларини ўрнатилган тартибда белгиланган қийматлари асосида тўловдан кейин расмийлаштирилади.

Ер эгалари томонидан махсус ташкил этилган питомник ва плантацияларда кўпайтирилган табиий ўсимлик турлари хомашёсини йиғиш,

териш рухсатномасиз яъни ер эгалигининг шахсий мулкчилик асосида фойдаланишни тўловсиз амалга оширилади.

Ҳайвонот олами объектларидан фойдаланиш квотасига амал қилишни назорат қилиш йўллари қуйидагилар:

а) бериладиган рухсатнома қайд этилган журнал ва “йўлланма” (йўлланманинг қисми) бўйича текширишни ўтказиш;

б) бевосита овчилик хўжаликларидаги рухсатномалар (йўлланмалар)ни рўйхатдан ўтказишни текшириш. Бунда овланган ҳайвонлар сони қайд қилинган йўлланма ва журналга эътиборни қаратиш зарур;

в) фойдаланувчи томонидан сақланаётган ов учун рухсатнома ёки йўлланмада ҳайвонлар сони ва тури кўрсатилган “йиртма варақлар”да қайд этилиши;

Рухсатноманинг амал қилиш муддати:

ваколатли органнинг рухсат беришга доир талаблар ва шартларнинг бажарилишини белгиланган тартибда текширишидан бош тортилса;

рухсатнома бериш натижасида ҳаракатларни бажариш ва (ёки) муайян фаолиятни амалга ошириш фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ёки ҳайвонот дунёси объектларига ҳамда уларнинг яшаш муҳитига ҳақиқатда хавф солса, рухсатномада кўрсатилган ҳолатлар (тутиш ва бошқалар) бундан мустасно;

табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги меъёрлари ва рухсатнома талаблари бузилса;

рухсатнома олиш учун қалбаки ҳужжатлар тақдим этилса ёки ҳайвонларни сақлаш шароитлари мавжуд бўлмаса тўхталди

Ов мавсуми тугагач, фойдаланувчи Давлат экология қўмитасигага рухсатномаларнинг фойдаланилганлиги тўғрисида ҳисобот ва овчилик-балиқчилик билан боғлиқ бошқа маълумотларни (2-ПР статистик ҳисоботи ва бошқа маълумотлар) топшириши шарт.

Биотехник тадбирларни ўтказишни ёввойи ҳайвонлар ва овланадиган ҳайвонлар ҳисобини назорат қилиш

Овчилик жамиятлари, ўрмон хўжаликлари, ижарачилар ва бошқаларнинг фаолияти юзасидан текшириш амалга оширилаётганда уларни ушбу фаолиятни амалга оширишига рухсат берадиган барча ҳужжатлари, яъни Низоми, “Ов хўжалигини тузиш ва уни юритиш” лойиҳа ҳужжати, ёввойи ҳайвонлардан фойдаланиш бўйича фаолиятни амалга ошириши учун ваколатли шахс томонидан имзоланган шартнома мавжудлиги ўрганилади.

Шунингдек, овчилик ва балиқчилик майдонларини бириктириш ҳақидаги буйруқ бўлиши керак (ўрмон фонди ерларини Ўзбекистон

Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси томонидан, қолган жойларда эса — Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан жойларда бириктириб берилади.

Овчилик балиқчилик хўжалигини юритиш бўйича шартномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинганлиги текширилади:

- хўжалик ташкил этилишини иқтисодий асословчи буюртма (табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказишга қўзланган харажатлар ва ҳайвонлар сонини юритиш ҳисоби) ҳудуднинг тавсифи, харита-схема;

- Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси томонидан ўтказилган ушбу ҳудуддаги мавжуд ёввойи ҳайвонларнинг сони ҳақидаги тадқиқот материаллари, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси талабига кўра тақдим этиладиган ерларнинг ҳолати ҳақидаги маълумотлар;

- хўжалик тузиш мўлжалланаётган ер эгалари ёки ердан фойдаланувчиларнинг розилиги;

- муайян ажратилган ҳудудда биотехник тадбирларни амалга ошириш ва ёввойи ҳайвонлар сони, овладиган ҳайвонлар ҳисоби бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ўрганилади;

- биотехник тадбирлар режасининг мавжудлигини талаб қилиш; унда ёввойи ҳайвонларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, яъни уларни асраш, кўпайтириш ва бунинг учун ноқулай омилларни бартараф этиш, улардаги касалликларга қарши курашиш каби тадбирлар кўзда тутилган бўлиши керак;

- текширилаётган субъектнинг мансабдор шахслари ва табиатни муҳофаза қилиш давлат инспектори томонидан имзоланган бажарилган ишлар бўйича далолатномаларини талаб қилиб олиш.

Юқорида қайд этилган ҳужжатлар мавжуд номувофикликларни аниқлаш учун солиштирилади.

Ёввойи ҳайвонларнинг сонини ҳисобга олиш жараёни ўрганилади:

- ҳисобга олиш услубининг бир хиллиги (ҳисобдан ўтказишни аниқлигини таъминлаш мақсадида);

- ҳисоб ўтказишда ушбу соҳадаги мутахассислар иштироки;

- табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспектори томонидан ҳисоб ўтказишни назорат қилиш.

Режалаштириш ва квота тақсимлашда ҳайвонларнинг сони ҳақидаги маълумотдан фойдаланиш лозим.

Агар вилоят бўлими текширилаётган бўлса, ҳайвонларнинг сони ҳақидаги маълумотларни статистик ҳисобот маълумотлари билан солиштириш керак. (2-ПР)

Овланган ҳайвонларнинг ҳисоби.

Овчилар жамияти ва овчилик хўжаликлари текширилганда барча журналлар ва ҳисоби юритилган барча маълумотлар ўрганилади.

Овчилик хўжаликлари томонидан қайтарилган рухсатнома (йўлланма)лар ва қайд этиш журналлари ўрганилиши керак.

Журналда кўрсатилган маълумотнинг ҳаққонийлиги овчиларнинг рухсатнома (йўлланма)ларида улар томонидан овлаган ҳайвонларнинг сони ва турлари бўйича, овчиларнинг чипта рақамлари журналда қайд этилганлар билан солиштириш орқали аниқланади.

Олинган маълумотлар жадвал шаклида акс эттирилади (15, 16-иловалар).

Агар вилоят бўлими текширилаётган бўлса, овланган ҳайвонлар ҳақидаги маълумотлар статистик ҳисоботларда кўрсатилган маълумотлар билан солиштирилади (14-илова).

Ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатиш маъмурий жавобгарликка тортишга сабаб бўлади (Асос: Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 215-моддаси)

Табиатдан фойдаланувчи томонидан маълумотлар тақдим этилмасе расмий ёзма равишда огоҳлантирилгандан сўнг, мансабдор шахс фойдаланувчига ҳайвонлардан фойдаланишга рухсат бермасликка ҳақлидир. (Асос: “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчи билан табиатни муҳофаза қилиш органи ўртасида тузилган шартнома).

Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва унинг яшаш шароитларини назорат қилиш.

Текширишда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

а) фойдаланувчиларнинг иш режаси билан танишиш, унда ҳайвонот дунёсини асраш тадбирлари режалаштирилганлиги;

б) табиатдан фойдаланувчилар томонидан йўл кўйилган ҳуқуқбузарликлар ҳисоби олиб борилиши;

в) ҳуқуқбузарлик аниқлангач, кўрилган чоралар - ҳужжатлар табиатни муҳофаза қилиш органларига, прокуратура, судга топширилган ёки жарима (тўлов) ундирилган, жарималар қарор чиқарилмай ёки бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилмай “ихтиёрий” равишда ундирилганми ёки йўқлигини аниқлайди.

Ёввойи ҳайвонларнинг муҳофазаси ва уларнинг яшаш шароитини ташкил этиш тадбирлари ўрганилади (Асос: “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонун ва табиатни муҳофаза қилиш органлари ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланувчилар ўртасида тузилган ўзаро шартнома).

- идоравий муҳофаза усуллари (мустақил ёки инспекция билан ҳамкорликда);

- тизимли (тизимсиз) тартибда ҳудудни кўздан ўтказиш;

- ов пайтида ва ундан кейин овланган ҳайвонлар назоратининг амалга оширилиши;

- овланган ҳайвонларнинг қайд этилиши (рўйхатга олиш);

- амалда овланган овчилик ва балиқчилик маҳсулотларининг ҳисоб – китоби ва аниқлиги, овланган маҳсулотлар ҳисобининг юритилиши.

Ҳайвонлар ва уларнинг яшаш муҳитини муҳофаза қилишда табиатдан фойдаланувчилар томонидан мажбуриятларнинг бузилиши (ёки бажарилмаслиги) аниқланган ҳолатларда, ҳуқуқбузарлик иши бўйича далолатнома тузилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида кўрсатма берилиши зарур.

Балиқчилик корхоналарини назорат қилишда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- балиқ хўжаликларига бириктирилган сув ҳавзасининг паспорти ва ижара шартномалари билан танишиб чиқиш;

- овлаш қуролларини (қандай анжомлар билан овланиши, тўрлар ўлчами ва ҳоказоларни) ва муддатларини, балиқ турлари бўйича сув ҳавзаларини балиқлар билан тўлдириш ишларининг олиб борилишини текшириш;

- балиқчилик корхонаси аъзоларининг шахсий гувоҳномаси мавжудлиги, тўрларнинг тамғаланганлигини, овлаш журналининг юритилишини текшириш;

- бунда томонларнинг белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлари эътиборга олинган ҳолда шартномаларни тўғрилигини текшириш.

Масалан, балиқчилик корхоналарида овчилик-балиқчилик хўжаликларини ташкил этиш ҳуқуқи, балиқчилик хўжаликларида балиқ овлаш учун ижара тузилган шартномалари асос бўла олмайди ;

Балиқларни кўпайтириш, муҳофаза қилиш тадбирлар режасини амалда бажарилишини (ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолда) ўрганиш

Шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда далолатнома тузилади. Ҳуқуқбузарлик аниқланганда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилади.

Шартнома талаблари бузилгани ҳақида ушбу шартномани тузган маҳаллий ҳокимиятга хабар берилади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилганида (Асос: “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисида”ги ва “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунлар). Ушбу ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг куйидаги моддалари билан асосланади:

- ўсимликлардан фойдаланиш (37, 77,81,84-моддалар);
- муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд тартибини бузиш (82-модда);
- овчилик қоидаларини бузиш (90-модда);
- ҳайвонлар яшаш жойларида қоидаларни бузиш (83, 92, 94, 95-моддалар);

Ўрмонлар ҳудудларида ўсимлик дунёсини муҳофазаси ва улардан оқилона фойдаланишни назорат қилиш.

Ўрмонларни текширишда ўрмон ва муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар хўжалигининг барча фаолият турлари қамраб олиниб, амалга оширилган ишлар ҳажми, уларнинг бажарилиш муддати ўрганилади. Аввалом бор “Ўрмон тузиш” лойиҳа ҳужжатлари ва унинг тадбирлари самарадорлигини баҳолаш !

Ўрмон хўжаликларини текшириш жараёнида табиий ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликлар хомашёсини, улар қисмларини териш, тайёрлаш учун олинган рухсатнома бланкаларининг намунавий рухсатнома бланкалари билан мослиги солиштирилади, шунингдек улар аниқ тўлдирилиши (бланкада ўсимлик турлари бўйича йиғиш жойлари ва амал қилиш муддатлари акс этиши лозим) текширилади.

Ўрмон хўжалиги ҳудудидаги барча турдаги рухсатномалар белгиланган намунадаги талабларга мувофиқ бўлиши керак.

Ўрмон хўжаликлари томонидан расмийлаштирилган барча рухсатномалар нусхалари уч кунлик муддат ичида жойлардаги экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекциянинг ҳудудий инспекцияларига тақдим этилиши лозим. Агар расмийлаштирилган

рухсатномалар уч кунлик муддат ичида тақдим этилмаса ўрмон хўжалигининг мансабдор шахсини маъмурий жавобгарликка тортиш лозим.

Ўрмон хўжалиги томонидан дарахт кесишга рухсатнома расмийлаштириш учун аввалам бор унга бирламчи ҳужжатлар (ер ажратиш, ишбоп ва ўтинбоп дарахтлар ажратилганлиги ҳақидаги бир йил олдинги ҳужжатлар тўплами, уларни махсус тамғалар билан тамғаланганлиги текшириб кўрилади).

Ўрмон хўжалиги томонидан барча қилинган ишларни ҳақиқийлигини текшириш учун 1-ПР шаклдаги давлат статистик ҳисоботи ва йиллик ҳисоботни амалдаги қилинган ишлар билан солиштириб таҳлил этиш зарур.

Ўрмон хўжалигининг ўрмон тузиш лойиҳавий ва ҳисобот ҳужжатлари билан ишлаш: ўрмон тузиш ишлари ҳар бир ўрмонда ягона тизимда олиб борилади. Ўрмон тузиш китоби ўрмонларни юритиш, ўрмондан фойдаланишни амалга ошириш, жорий ва истиқболга мўлжалланган режалаштириш ишларини олиб бориш учун асосий норматив-техник ҳужжат ҳисобланади. Ўрмон тузиш ўрмон хўжалиги ва ўрмондан фойдаланишнинг оқилона юритилишини таъминлашга қаратилган тадбирлар тизими бўлиб, қуйидагиларни қамраб олади:

- давлат ўрмон фонди участкаларининг чегараларини белгилаш ва давлат ўрмон фондининг ўрмондан доимий фойдаланувчилар фойдаланишидаги ҳудудининг ички хўжалигини ташкил этиш, топографик-геодезия ишларини бажариш ва ўрмонларни харитага киритиш, ўрмон фондини ҳисобга олиш, улар етилиш ёшини белгилаш, ўрмонларни кесиш режасини, кесиш ҳажмини ва ўрмондан фойдаланиш миқдорларини белгилаш, ўрмонларни муҳофаза қилиш, қўриқлаш, қайта тиклаш, барпо этиш.

Барча амалга оширилган ишлар ҳолати далолатномаларда кўрсатилади.

Ўрмон тузиш лойиҳаси учун давлат экологик экспертизасининг ижобий хулосалари мавжудлиги, ўрмон тузиш лойиҳасининг ўрмон хўжалиги ва жойлардаги давлат ҳокимият органлари томонидан тасдиқланганлиги текширилади.

Доимий равишда ўрмонлардан фойдаланувчилар қошидаги давлат ўрмон фонди, унинг ички хўжалик ташкилоти участкалари чегаралари аниқланади.

Ўрмонни қайта тиклаш ҳисоб китобидаги маълумотларни баҳолаш ва ўрмон хўжалиги ва статистик ҳисоботнинг йиллик ҳисоботлар 1-ПР шаклига мувофиқлиги аниқланади.

Ўрмонни қайта тиклаш ишларини ўрганишда қуйидагиларга эътибор берилади:

- сўнги текширишдан кейинги даврда қайта тикланган ўрмон майдонлари ўлчови;

- ўрмон ўсимликларининг қайта тикланиши. Ўрмон хўжаликлари ҳисоботи ўрмонни қайта тиклашнинг йиллик инвентаризацияси техник далолатномалари, шунингдек, ўрмон тикланиши ва давлат статистик ҳисоботининг 1-ПР шакл бўйича тасдиқланиши керак. Тафовутлар далолатномада қайд этилади, ўрмонни табиий шароитда қайта тикланиши, экилган кўчатларнинг яшовчанлигига қараб уларни сақланиши ёки қуришини аниқлаш учун майдонлар танлаб текширилади;

- ўрмон ўсимликларини турлар таркибининг ўрнашиши, уларни жойлаштириш схемаси ўрганиб чиқилади.

Ўрмон хўжалиги иш самарадорлиги ўрмон билан қопланган ҳудуд асосида яъни барпо этилган маданий ўрмонларни табиий ўрмон билан қопланган майдонга ўтказиш ишлари билан баҳоланади.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар режимини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишни назорат қилиш.

Умумий ҳужжатлаштириш.

Ўрганилаётган ҳудудларни таъсис ҳужжатлари ўрганилади: Ҳукумат қарори, маҳаллий ҳокимият органлари қарори. Шу билан бирга муҳофаза зоналари ташкил этиш ҳужжатлари — ҳукумат ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорларининг мавжудлигини текшириш лозим.

Ердан фойдаланиш ҳужжатларининг – ер ажратиш тўғрисидаги қарор, ердан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси, ер участкасини Кадастр рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларнинг мавжудлиги текширилади.

Муҳофаза этиладиган майдон ҳудуди ўзгарган бўлса, у ҳолда ер таркиби ўзгарганлиги тўғрисидаги мавжуд ҳужжатлар текширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш
давлат қўмитасининг давлат экология назоратини амалга оширишда
бевосита иштирок этувчи ходимлар тоифалари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси раиси — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг бош давлат инспектори.

2. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосарлари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитасининг назорат қилиш йўналишлари бўйича бош давлат инспекторлари.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш қўмитаси раиси — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш қўмитасининг бош давлат инспектори.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосарлари — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш қўмитасининг назорат қилиш йўналишлари бўйича бош давлат инспекторлари.

5. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш бошқармаси бошлиқлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш бошқармасининг бош давлат инспекторлари.

6. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш бошқармаси бошлиқларининг ўринбосарлари — вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш бошқармасининг назорат қилиш йўналишлари бўйича бош давлат инспекторлари.

7. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати бошқармалари, инспекциялари бошлиқлари, шунингдек, Атропо мухитни мухофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази директори — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси бош давлат инспекторининг назорат қилиш йўналишлари бўйича ўринбосарлари.

8. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропо мухитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппарати бошқармалари, инспекциялари бошлиқларининг ўринбосарлари, бўлим ва шубба бошлиқлари, шунингдек,

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази директори ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг катта давлат инспекторлари.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари бўлим ва инспекция бошлиқлари, шунингдек, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича туман (шаҳар) инспекцияси бошлиқлари — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари бош давлат инспекторларининг назорат қилиш йўналишлари бўйича ўринбосарлари.

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратининг бош мутахассислари, шунингдек, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат марказининг бўлим бошлиқлари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг катта давлат инспекторлари.

11. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси марказий аппаратининг етакчи мутахассислари ва мутахассислари, шунингдек, Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат марказининг бош ва етакчи мутахассислари — Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг давлат инспекторлари.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаларининг бош мутахассислари — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари катта давлат инспекторлари.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари етакчи мутахассислари ва мутахассислари (I ва II тоифали) — Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва

Тошкент шаҳар Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари давлат инспекторлари.

14. Ҳисор давлат кўриқхонаси, «Жайрон» Бухоро ихтисослаштирилган питомниги, «Сайгачий» мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхонаси, «Сайхун» давлат буюртма кўриқхонаси раҳбари, раҳбар ўринбосарлари, бўлим ва инспекция бошлиқлари, бош мутахассислари, етакчи мутахассислари, мутахассислари ва инспекторлари — давлат кўриқхоналарининг, мажмуа (ландшафт) буюртма кўриқхоналарининг, табиат боғларининг ва давлат буюртма кўриқхоналарининг кўриқлаш ходимлари.

Назорат учун саволлар:

1. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш билан боғлиқ давлат назорати;
2. "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун ва унинг мазмуни?
3. Атмосфера ҳавоси соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарликлар;
3. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарлик чоралари;
3. Ҳайвонот дунёси соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарлик;
4. Ўсимликлар дунёси соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарликлар;
5. Сув ва сувдан фойдаланиш соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарлик;
6. Ер ва тупроқни муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарлик;
7. Ер ости бойликларини муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар;
8. Муҳофаза этиладиган ҳудудларни муҳофаза қилиш соҳасидаги экологик маъмурий ҳуқуқбузарликлар;

IX. ЭКОЛОГИЯ ВА АГРОФ МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ СОҲАСИДАГИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш вазифалари: ҳар бир ишнинг ҳолатини ўз вақтида, ҳар томонлама, тўла ва объектив равишда аниқлаб чиқишдан, бу ишни қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда ҳал этишдан, чиқарилган қарорнинг ижросини таъминлашдан, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни аниқлашдан, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя этиш руҳида тарбиялашдан, қонунийликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш барча фуқароларнинг жинси, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеи, ирқи, миллати, тили, дини ва эътиқодидан қатъи назар, қонун олдида ва шу ишни кўриб чиқувчи орган (мансабдор шахс) олдида тенглиги асосида кўриб чиқилади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда юритилади. Иш юритилаётган тилни билмайдиган иш иштирокчиларига таржимон орқали иш материаллари билан тўлиқ танишиш ва ишни моҳияти бўйича кўриб чиқиш чоғида қатнашиш ҳуқуқи, шунингдек ўз она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлар (маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ушунтиришлари ҳамда жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, мутахассис маслаҳати (тушунтиришлари), ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб кўйиш тўғрисидаги баённома, аудио-, видеоёзувлардан ва фотосуратлардан иборат материаллар)дан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш очик кўрилади. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг тарбиявий

ва огоҳлантирувчи ролини ошириш мақсадида бундай ишлар ҳуқуқбузарнинг иш, ўқиш жойидаги жамоаларида ёки яшаш жойида кўриб чиқилиши мумкин.

6. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини, давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурлар амалга оширилишини текшириш натижалари бўйича далолатнома ёки маълумотнома расмийлаштирилади.

Назорат учун саволлар:

1. Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритиш қоидалари;

2. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишдаги ҳужжатларни турлари;

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишдаги ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари;

1. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

1. Маъмурий жавобгарликни келтириб чиқарадиган қоидаларга риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш қонун ҳужжати билан зиммасига юклатилган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тегишли бўлинмаларининг ваколатли мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома мансабдор шахс (инспектор) томонидан қатъий ҳисобдаги бланкда кўк рангдаги шарикли ручка билан тушунарли қилиб тузилади. Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ҳолатлар турлича изоҳлаш имкониятини истисно этадиган оддий ва раво тилда баён этилади.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 276-моддасига мувофиқ, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишга оид далиллар ҳар қандай фактик маълумотлардан иборат бўлиб, органлар (мансабдор шахслар) шу маълумотларга асосланиб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати юз берган ёки бермаганлигини, муайян шахснинг уни содир этишда айбдорлигини ва ишни тўғри кўриб чиқиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни қонунда белгиланган тартибда аниқлайди. Ушбу

моддада назарда тутилган маълумотлар қўйидаги воситалар: маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг тушунтиришлари ҳамда жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар, ашёлар ва ҳужжатларни олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, овозли ёзувлардан, видеоёзувлардан, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар билан белгиланади.

Баённома тузишда маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга ёки шахсларга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар тушунтирилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг тушунтириш хати алоҳида бланкда расмийлаштирилади (**2-илова**) ва бу ҳақда баённомага тегишли ёзув киритилади.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома (**3-илова**) тузишга ваколатли мансабдор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларини лозим даражада билиши ва қўллай олиши шарт.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома тузилганлиги ҳақида инспектор томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликларни ҳисобини олиб бориш журнаliga тегишли ёзув киритилиши шарт.

7. Бундай журнал йўналишлар бўйича ҳар бир таркибий бўлинмада алоҳида юритилиши шарт.

8. Қаътий ҳисобда турувчи бланка бузилган ёки шикастланган тақдирда, қайта топширилиши шарт.

9. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомада: шу баённома тузилган сана ва жой, баённомани тузган шахснинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми; ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар; маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва бу ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, ана шундай ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; агар гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлса, уларнинг фамилиялари ва яшаш манзиллари; ҳуқуқбузарнинг тушунтириши; ишни ҳал қилиш учун зарур бўлган бошқа маълумотлар кўрсатилади. Башарти ҳуқуқбузарлик туфайли моддий зарар етказилган бўлса, бу ҳам баённомада кўрсатилади.

Баённома уни тузган шахс ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланади; гувоҳлар ва жабрланувчилар бўлган тақдирда эса — баённома мазкур шахслар томонидан ҳам имзоланади.

Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённомани имзолашдан бош тортган тақдирда, баённомага бу ҳақда ёзиб қўйилади. Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс баённоманинг мазмуни юзасидан баённомага илова қилинадиган

тушунтириш ва мулоҳазаларини беришга, шунингдек мазкур баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир.

10. Баённома бошқа ҳужжатлар ва иш бўйича ашёвий далиллар билан бирга ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайтдан бошлаб бир суткадан кечиктирмай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юборилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага қуйидагилар илова қилинади:

1) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг кўчирма нусхаси;

2) ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсинг илгари маъмурий жавобгарликка тортилганлиги факти мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси;

3) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахсинг тушунтириши;

4) жабрланувчининг, гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, агар улар мавжуд бўлса;

5) маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги фактини тасдиқловчи бошқа материаллар.

11. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда баённома тузиш мақсадида, башарти ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида аниқлаш мумкин бўлмаса, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борувчи органларнинг ходимлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг мансабдор шахслари, шунингдек Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари шундай ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ички ишлар органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи биносига ушлаб келтиришлари мумкин. Ҳуқуқбузар экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари, овчилик жамоатчи инспекторлари, балиқларни муҳофаза қилиш жамоатчи инспекторлари ва ўрмон қўриқчилари томонидан ҳам ушлаб келтирилиши мумкин.

2. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

1. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишга тайёрлаш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс):

1) мазкур ишни кўриб чиқиш ўзининг ваколат доирасига кириш кирмаслиги;

2) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар тўғри тузилган-тузилмаганлиги;

3) ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахслар уни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинган-қилинмаганлиги;

4) зарур қўшимча материаллар сўраб олинган-олинмаганлиги;

5) маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс, жабрланувчи, қонуний вакиллар, адвокат қилган илтимослар тўғрисидаги масалаларни ҳал этади.

2. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш шу ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш бошқа жойда кўриб чиқилиши ҳам назарда тутилиши мумкин.

3. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги иш мазкур ишни кўриб чиқишга ваколатли орган (мансабдор шахс) томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва ишга оид бошқа материаллар олинган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичида кўриб чиқилади.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш шу ишни кўрувчи органнинг таркибини эълон қилиш ёки мансабдор шахсни таништиришдан бошланади.

Ишни кўриб чиқувчи органнинг мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс қандай иш кўриб чиқилиши лозимлигини, маъмурий жавобгарликка ким тортилаётганлигини эълон қилади, ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва вазифаларини тушунтиради, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомани ўқиб эшиттиради. Мажлисида ишни кўриб чиқишда қатнашувчи шахсларнинг сўзлари эшитилади, келтирилган далиллар ўрганилади ва тушган илтимослар ҳал этилади. Ишни кўриб чиқишда прокурор қатнашган тақдирда унинг хулосаси ўқиб эшиттирилади.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш вақтида тегишли орган (мансабдор шахс): маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган-этилмаганлигини, ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт ва жойни, мазкур шахс

уни содир этишда айбдор-айбдор эмаслигини, унинг маъмурий жавобгарликка тортилиш-тортилмаслигини, жавобгарликни енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар бор-йўқлигини, мулкый зарар етказилган-етказилмаганлигини, шунингдек ишни тўғри ҳал этишда аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни аниқлаши шарт.

6. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш пайтида тегишли орган баённома (**4-илова**) юритади. Унда:

1) мажлис бўлган сана ва жой;

2) ишни кўриб чиқувчи органнинг номи ва таркиби;

3) кўрилаётган ишнинг мазмуни;

4) ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳозир бўлган-бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар;

5) ишни кўришда қатнашувчи шахсларнинг тушунтиришлари, уларнинг илтимослари ва бу илтимосларни кўриб чиқиш натижалари;

6) ишни кўриб чиқиш пайтида ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар;

7) қабул қилинган қарорни ўқиб эшиттириш тўғрисидаги маълумотлар ва қарор устидан шикоят бериш тартиби ва муддатлари тушунтирилганлиги кўрсатилган бўлади.

7. Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг, жабрланувчининг ва ўзга манфаатдор шахсларнинг илтимосига биноан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилиши қандай бораётганлиги ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мувофиқ равишда юритилувчи баённомада акс эттирилади.

8. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомаси тегишинча орган мажлисидаги раислик қилувчи ва котиб томонидан ёки ишни кўриб чиқувчи мансабдор шахс томонидан имзоланади.

9. Орган (мансабдор шахс) маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиб, шу иш юзасидан қарор (**5-илова**) чиқаради.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: қарор чиқарган органнинг (мансабдор шахснинг) номи; иш кўриб чиқилган сана; иши кўриб чиқилаётган шахс хусусидаги маълумотлар; ишни кўриб чиқиш пайтида аниқланган ҳолатларнинг баёни; мазкур маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат; иш юзасидан қабул қилинган қарор.

Иш юзасидан чиқарилган қарорда олиб қўйилган ашёлар ва ҳужжатлар, шунингдек ушлаб турилган транспорт воситалари тўғрисидаги масала ҳам ҳал этилган бўлиши лозим.

Қарор мажлисда иштирок этаётган коллегиял орган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор мансабдор шахс томонидан, органнинг қарори — мажлисда раислик қилувчи ва котиб томонидан имзоланади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда жазо қўлланилганлиги тўғрисида маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақидаги баённомага тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор ишни кўриб чиқиш тугаши биланоқ дарҳол эълон қилинади ва у чиқарилган пайдан эътиборан қонуний кучга киради.

Қарорнинг нусхаси уч кун ичида устидан шу қарор чиқарилган шахсга, шунингдек ўзининг илтимосига кўра жабрланувчига топширилади ёки жўнатилади.

Қарорнинг нусхаси тилхат билан берилади, башарти қарорнинг нусхаси жўнатилса, бу ҳақда ишга тегишли ёзув ёзиб қўйилади.

10. Ўқотар қуроллар, шунингдек ўқ-дорилар хизмат вазифаларини бажариши муносабати билан ишониб топширилган ёки корхона, муассаса, ташкилот томонидан вақтинча фойдаланиш учун берилган шахсларга нисбатан ушбу МЖТКнинг 185-моддасида, 220-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар юзасидан чиқарилган қарорнинг нусхаси маълумот учун тегишли корхона, муассаса ёки ташкилотга, мазкур шахснинг ўқотар қуролдан фойдаланишини тақиқлаш масаласини кўриб чиқиш учун эса Миллий гвардия ёки ички ишлар органига юборилади

11. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ижро этиши мажбурийдир.

12. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор, башарти ушбу МЖТКда ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларида ўзгача қоида белгиланмаган бўлса, чиқарилган пайдан бошлаб ижро этилиши лозим. Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор уни чиқарган орган (мансабдор шахс) томонидан ижро этишга қаратилади.

Бир шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланиш тўғрисида бир неча қарор чиқарилган ҳолларда уларнинг ҳар бири мустақил равишда ижро этилади.

13. Жарима ҳуқуқбузар томонидан унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай, бундай қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда — шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай тўланиши лозим. Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларнинг мустақил иш ҳақи бўлмаган тақдирда, жарима уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахслардан ундириб олинади.

14. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун солинган жарима ҳуқуқбузар томонидан тегишли банк муассасасига тўланади, ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ундириб олинadиган жарима бундан мустасно.

СУДГА ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЗАРУР БЎЛГАН ИШ ҲУЖЖАТЛАРИ

1. Ҳозирги кунда маъмурий судларга иш ҳужжатларини тақдим этиш электрон тарзда йўлга қўйилган бўлиб, қуйида санаб ўтилган ҳужжатлардан бирортасининг мавжуд эмаслиги иш ҳужжатларининг суд томонидан қайтарилишига асос бўлади.

Қўйида берилган рўйхатга кўра ҳужжатларни кетма-кет жойлаштириб бориш тавсия этилади.

Маъмурий судга тақдим этилиши зарур бўлган ҳужжатлар:

- а) Ҳужжатнинг муқоваси;
- б) Рўйхатлар варағи;
- в) Йўлланма хат (эслатма: бу ҳужжат иш ҳужжатларининг охирида ҳам бўлишига рухсат этилади);
- д) Режали текшириш буйруғи ёки фуқаронинг аризаси/ ташкилотнинг хати (ҳуқуқбузарликни аниқлаб, чора кўриш тўғрисидаги);
- е) Текшириш буйруғи (фуқаро ёки ташкилот мурожаати асосида);
- ф) Текшириш давомида тўпланган ҳужжатлар;
- г) Ҳуқуқбузарнинг паспорти нусхаси ёки шахсини тасдиқловчи ҳужжат (масалан: Ф1);
- х) Ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати
- и) Далолатнома (тушунтириш хати ёзишдан бош тортса);
- ж) Гувоҳларнинг тушунтириш хатлари;

к) Ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси (хуқуқбузарлик тарихи - АБД);

л) Маъмурий баённома;

м) Хуқуқбузарнинг иш ҳужжатлари билан танишиб чиққанлиги тўғрисидаги тилхат;

н) Чақирув қоғози (агарда баённома билан танишишга келмаса);

о) Далолатнома (иш ҳужжатлари билан танишиб чиқишдан бош тортса).

2. Ҳужжат муқоваси учун қатъи тартиб белгиланмаган. Шу сабабли иловадаги намунавий бланкадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. (1-илова)

3. **Рўйхатлар варағида** ҳар бир ҳужжатнинг номи ҳамда жойлашган варақ рақами ёзилади. Шу сабабли, ҳужжат жойлашган варақ ҳам қалам билан рақамланиши зарур. Маъмурий судларда рўйхатланмаган ва рақам қўйилмаган иш ҳужжатлари қабул қилинмайди. **(6-илова)**

4. **Йўлланма хат** икки нусхада чиқарилади. Бир нусхаси иш ҳужжатига тикиб қўйилади. Иккинчи нусхаси эса маъмурий иш ҳужжатлари маъмурий судга тақдим этилганда, суддаги масъул қабул қилиб олувчи томонидан олганлиги тасдиқланиб (масалан: қабул қилиб олдим, сана, имзо) инспекторга қайтариб берилади. Бу эса иш ҳужжатининг судга топширилганлиги ҳамда айнан қачон топширилганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади.

Йўлланма хатда МЖТКнинг 312-моддасига кўра, маъмурий хуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи орган (маъмурий суд) қабул қилинган қарорни маъмурий хуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузган мансабдор шахснинг эътиборига етказиши лозимлиги тўғрисидаги банд бўлиши лозим.

Йўлланма хатлар тартиб бўйича рўйхатлар варағидан сўнг ёки барча иш ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг ҳужжатларнинг охирига тикиб қўйилади.

Йўлланма хатлар МЖТК 245-моддаси 1-қисми, 2-қисми ҳамда 3-қисми тартибларида судга кўриб чиқишлик учун юборилганида, йўлланма хатларнинг шакли 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ шакллантирилади.

5. Маъмурий хуқуқбузарликлар маъмурий хуқуқбузарлик содир бўлганлиги тўғрисидаги **фуқаронинг аризаси** ёки **ташкilotнинг хати** асосида ёки **режали текширишлар** давомида аниқланиши мумкин. Шу сабабли, йўлланма хатдан сўнг баённома тузишга асос бўлган ушбу уч ҳужжатдан бири қўйилади.

6. **Текшириш** давомида тўпланган ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликни тасдиқловчи **ҳужжат**ларни исталган тартибда жойлаштириш мумкин. Лекин ҳужжатларни қабул қилиниш кетма кетлигида жойлаштириш тавсия этилади.

7. **Ҳуқуқбузарнинг паспорти** иш ҳужжатларида мавжуд бўлиши керак бўлган асосий ҳужжат ҳисобланади. Агарда фуқаро паспортини йўқотган, алмаштираётган бўлса ёки бошқа сабабларга кўра мавжуд бўлмаса, Ички ишлар органининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлиmidан маҳсус маълумотномаларни (Ф1) олиш талаб этилади. Шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг йўқлиги иш ҳужжатининг қайтарилишига асос бўлади.

8. **Ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати** олинганда у ҳақидаги барча маълумотлар олинishi лозим бўлади (масалан: маълумоти, оилавий шароити-уйланган, болалари сони, иш жойи, судланганлиги, вақтинчалик ва доимий руйхатдан ўтган жойи, телефон рақами). Чунки, иш ҳужжатларини судга юбориш учун электрон тарзда расмийлаштирилганда, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Олий суднинг 2018 йил 28 августдаги 61/2215-сонли қўшма қарорига илова қилинган “Ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳисобинн юритиш тартиби”нинг 2-боби, 4-бандига кўра, юқоридаги маълумотларни тўлдиришнинг мажбурийлиги белгиланган. Улар қўйидагилардан иборат:

- а) ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумотлар;
- б) ҳуқуқбузарликнинг моҳияти, содир этиш усули ва содир этилган жойи (аниқ манзили), вақтига оид маълумотлар;
- в) ҳуқуқбузарликни Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси тегишли моддаси (қисми, банди) билан малакаланганлигига оид маълумотлар;
- д) ҳуқуқбузарнинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумотлар;
- е) жабрланувчининг шахсига оид маълумотлар;
- ф) ҳуқуқбузарликка доир (ёзма ва ашёвий) далиллар ҳақидаги маълумотлар;
- г) ҳуқуқбузарликни аниқлаган Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспектори (органнинг) номи;
- х) баённомани тузган шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исмига оид маълумотлар.

Тушунтириш хатининг ҳам намунавий шаклидан фойдаланиш тавсия этилади. Тушунтириш хатида унинг имзоланган куни ва фуқаронинг имзоси бўлиши шарт.

8. Ҳуқуқбузар тушунтириш хати ёзишдан бош торганида, 2 нафар холислар иштирокида **далолатнома** тузилади. Далолатномада фуқаронинг қачон, қаерда, нима масала бўйича чақирилгани, нима учун тушунтириш бериши сўралгани ҳамда тушунтириш хати ёзишдан бош тортгани ҳақидаги маълумотлар киритилади. 2 нафар холис ҳамда давлат инспектори томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

9. **Гувоҳларнинг тушунтириш хатлари** ҳам ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати сингари намунавий шаклда бўлиши ҳамда барча маълумотлар олинган бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки суд жараёнида гувоҳлар жалб қилиниши мумкин.

10. Ички ишлар органларининг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисидаги **маълумотномаси** (талабнома) иш ҳужжатларига илова қилиниши зарур бўлган ҳужжат ҳисобланади. Талабноманинг олд томони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори 10-иловасига мувофиқ, А4 қоғоз форматининг ярмига чиқарилади. **(7-илова)**

Талабноманинг орқа томони Ички ишлар вазирлигининг Мунис базасидаги ҳар бир меҳнат органларига берилган логин ва парол орқали кириладиган дастур орқали олинади. Бунда дастурга кирилгандан сўнг Излаш (F5) тугмаси босилади. Шундан сўнг, протоколни излаш ойнаси очилади ва у ерда ҳуқуқбузар тўғрисидаги қисқа маълумотлар киритилиб, сўнг глобал излаш тугмасига белги қўйилиб, яна бир марта Излаш(F5) тугмаси босилади. Маълумот топилгандан сўнг, унга белги қўйилиб, чоп этиш(F9) тугмаси босилади. Ctrl тугмасини босиб танлаб олиниб, электрон талабнома шакли очилади ҳамда талабнома нусхаси юқорида айtilган варақнинг орқа томонига А4 қоғоз форматининг ярмига чоп этилади.

Ушбу ҳужжат ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқбузарлик тарихи ҳисобланади.

Давлат инспекторлари томонидан ушбу маълумотнома олинганидан сўнг маъмурий баённома тузилиши лозим. Чунки ҳуқуқбузар ушбу қонунбузарликни такроран содир этаётган бўлса, ҳуқуқбузарликнинг МЖТКда кўрсатиб ўтилган моддаларидаги такроран содир этиш деб баҳоланган қисми билан қайта малакаланишига олиб келади.

11. Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги **баённома** ҳамда **қарорлар**

МЖТКнинг 281-моддасида белгиланган тартибда тузилиши ва баённомани тузиш вақтида ҳуқуқбузарга ушбу Кодекснинг 294-моддасида назарда тутилган унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши ва бу ҳақида баённомага ёзиб қўйилиши лозим.

Шунингдек, инспекторлар шунга эътибор қаратишлари лозимки, МЖТК бўйича маъмурий баённомалар тузилган кундан бошлаб **1 сутка** ичида маъмурий иш ҳужжатлари судга тақдим этилиши лозим. Лекин бу қоидага амал қилишнинг жисмоний жиҳатдан имкони йўқлиги сабабли, кўп судлар томонидан талаб қилинмайди. Шунини инобатга олиб, баённома тузилган кундан кечиктирмасдан иш ҳужжатларини судга тақдим этиш ёки барча ҳужжатлар тайёр бўлганидан сўнг баённомани расмийлаштириш талаб қилинади.

12. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материаллари билан танишиб чиққанлиги ҳақидаги ҳамда ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиш тўғрисидаги **тилхат**нинг йўқлиги ҳам маъмурий судлар томонидан иш ҳужжатининг қайтарилишига асос бўлади.

Чунки МЖТКнинг 294-моддасига кўра, ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмаган ҳисобланади.

13. Ҳуқуқбузар иш ҳужжатлари билан танишиш учун келишдан бош тортганида унинг яшаш манзилига **чақирув қоғози** жўнатилади. **(8-илова)**

Чақирув қоғозининг бир нусхаси фуқарога жўнатилиб, иккинчи нусхаси ҳамда чақирув қоғозини фуқарога етиб борганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (квитанция нусхаси ёки реестр) иш ҳужжатларига қўшиб қўйилади.

14. Ҳуқуқбузар чақирув қоғозидида белгиланган вақтда келмаса, **далолатнома** тузилади ҳамда иш ҳужжатлари судга жўнатиш учун тайёрланади.

Далолатномада фуқаронинг қачон, қаерда, нима масала бўйича чақирилгани, сабабсиз келмаганлиги ҳамда бу ҳақида хабар бермаганлиги ёзилади. 2 нафар холис ҳамда давлат инспектори томонидан далолатнома расмийлаштирилади.

Назорат учун саволлар:

1. Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик тўғрисидаги иш ҳужжатларини судга тақдим этиш учун зарур ҳужжатларни турлари ва уларни тайёрлаш;

2. Тайёрланган ҳужжатларни судга тақдим этиш

3. ИШ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЭЛЕКТРОН ТАРЗДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ҲАМДА СУДГА ЖЎНАТИШ

1. Маъмурий иш ҳужжатлари юқоридаги тартиб бўйича жамланиб, игна ва ип ёрдамида тикилади. Варақлари сони кам бўлганида степлер ёрдамида тикишга рухсат этилади.

2. Маъмурий иш ҳужжатлари тайёр бўлганидан сўнг Ички ишлар органининг МУНИС базасидан маъмурий иш рўйхатга олинади. Бу электрон дастур орқали давлат инспекторлари томонидан қўлланилган маъмурий қарорлар киритилиши барчага таниш. Маъмурий ишлар ҳам худди шу тартибда киритилади, фақатгина ушбу дастурнинг **Ишни, протоколни кўриб чиққан орган бўлимидан 010 – Маъмурий ишлар суди** тугмаси танланади ҳамда **маъмурий жазо чоралари бўлимидан 20 - суд учун материал** тугмаси танланиб, баённома тузган шахснинг ФИШ киритилади ва **Сақлаш** тугмаси босилади.

Шундан сўнг, **Маъмурий иш** ойнаси очилади. У ердан ҳуқуқбузарнинг соғлиғи, маълумоти ҳамда такрорий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги, машғулоти ва оилавий аҳволи тўғрисидаги маълумотлар киритилиб, **Сақлаш** тугмаси босилади. Сўнгра **судга юбориш** ойнасидан маъмурий ишнинг чиқиш рақами, санаси, жўнатилаётган маъмурий суднинг вилояти ҳамда тумани, суднинг кўриб чиқиш асоси (245-моддаси 2 ёки 3-қисм, 308¹-моддаси), маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган жой ва иш бўйича изох бўлимлари тўлдирилиб, ўнг томондаги ойнадан белгиланиши лозим бўлган маъмурий баённомага белги қўйилади ҳамда **Сақлаш** тугмаси босилади. Амаллар тўғри бажарилган бўлса, тури ва натижа устунидан **1** рақамлари пайдо бўлади ҳамда маъмурий иш тегишли судга электрон юборилган ҳисобланади.

Ушбу тизим орқали маъмурий иш ҳужжатларини расмийлаштириш ҳамда судга юбориш профилактика инспекторлари ҳамда ҳудудий солиқ инспекторларига яқиндан таниш бўлганлиги сабабли улардан маълумотлар қандай ҳолатда киритилишини сўраб олиш тавсия этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Олий суднинг 2018 йил 28 августдаги 61/2215-сонли қўшма қарорига илова қилинган “Ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва жабрланувчилар тўғрисидаги маълумотларни,

шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар ҳисобинн юритиш тартиби”нинг 2-боби, 5-бандига мувофиқ, Ички ишлар ахборот тизими орқали маъмурий ишларга доир маълумотларни электрон кўриниши судларга юборилгандан кейин, уларнинг қоғоз шакли ўша куни ёки бир суткадан кечиктирмасдан судларга тақдим этилиши лозим.

Акс ҳолда бир сутка муддатдан сўнг иш ҳужжатлари автоматик тарзда қабул қилишдан рад этилиб, қайтариб юборилади.

Шунингдек, ҳужжатларнинг асл нусхаси текширилаётганда уларда камчиликлар бўлса, маъмурий суд ходими томонидан электрон тарзда қайтарилиши мумкин. Шу сабабли, Йўриқномада қайд этилганларнинг барчасига амал қилиш лозим.

4. Ҳозирги кунда суд органларида иш ҳужжатларининг тўлиқ электрон тарзда рўйхатга олиниши бўйича тегишли ишлар амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Олий суднинг 2018 йил 28 августдаги 61/2215-сонли қўшма қарорига қўшимча ва ўзгартирилиши киритилиши ҳамда судга маъмурий иш ҳужжатларини электрон тарзда юбориш тартиби ўзгартирилиши мумкин.

5. Бундан ташқари, ушбу Кодекснинг 308¹-моддаси тартибида ҳам маъмурий судга иш ҳужжатларини тақдим этиш мумкин. Бундай тартибда маъмурий судга иш ҳужжатлари тақдим этилганда, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органи томонидан тақдимнома асосида ҳуқуқбузарнинг маъмурий жазосини енгиллаштириш ёки олиб ташлаш сўралади.

Бунда қўйидаги ҳужжатлар қўшимча равишда тақдим қилинади:

- маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда гумон қилинаётган шахснинг **аризаси** ёки **ташкилотнинг хати** (маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлигини тан олиши ҳамда енгилроқ жазони қўллаш ёки жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги меҳнат органига ёзган);

- жазони енгиллаштириш учун **асос бўладиган ҳужжатлар** (масалан, кам таъминланганлиги, нафақадалиги, ногиронлиги ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни тасдиқловчи);

- тегишли экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш органининг ҳуқуқбузарга енгилроқ жазони қўллаш ёки жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги асослантирилган **тақдимномаси** (яъни тақдимномада асослантирувчи ҳужжатлар бирин-кетин кўрсатилиши лозим)

5. Тақдимноманинг намунавий шаклида тегишли маъмурий судга мурожаат қилинаётганлиги ва унинг сўнгги қисмида маъмурий иш хужжатлари жўнатилаётганлиги баён қилинганлиги учун юқорида намунаси келтирилган **йўлланма хат**нинг иш хужжатларига қўшилиши шарт эмас. **(9-илова)**

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармонига асосан:

Давлат солиқ қўмитасининг таркибида фаолият юритиб келган Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тугатилди;

адлия органларининг кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, чет эл инвесторлари ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир-бирини такрорловчи функция ва ваколатлари чиқариб ташланди;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг махсус электрон ахборот тизимига киритилиши белгиланди.

Ушбу Эслатма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил “Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва прокуратура органлари фаолиятини оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 мартдаги ПФ-5690-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган “Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақида”ги Низомга (30.11.2018 й. №3093) асосан ишлаб чиқилган.

Эслатма, Давлат экология кўмитаси тизимида иш юритаётган, тадбиркорлик субъектлар фаолиятини текшириш ваколатига эга бўлган мансабдор шахсларга текширишларни тартибга солишга доир қонун ҳужжатлари талаблари, мазмуни ва моҳиятини етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий амал қилган ҳолда иш юритишларида қўлланма сифатида фойдаланиш учун мўжалланган.

Эслатмани ишлаб чиқишда, мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молиявий-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувига йўл қўймасликка қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасидан фойдаланилди.

“Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни ташкиллаштириш ва ўтказиш юзасидан Давлат экология кўмитаси тизими мансабдор шахслари учун эслатма” Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг (кейинги ўринларда – Давлат экология кўмитаси деб юритилади) Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси томонидан ишлаб чиқилиб, Экологик ҳуқуқ бўлими билан келишилган.

Назорат учун саволлар:

1. Экологик маъмурий ҳуқуқбузарликларни судда кўриш тартиби қандай?
2. Экологик маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштириш қандай бўлади;
3. Экологик маъмурий ҳуқуқбузарликларни расмийлаштиришда тузиладиган ҳужжатлар ва уларни матнларини ёзиш;
4. Кўриб чиқиш учун судга тақдим этиш тартиблари;
5. Экологик маъмурий ишларни судда кўриб чиқиш тартиби;
6. Маъмурий ишлар буйича суд қарорлари ва уни ижросини таъминлаш чоралари;

Х. НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ТОМОНИДАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТЕКШИРУВЛАРНИ КЕЛИШИШ ВА ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги “Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5490-сон Фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низом” ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 6 сентябрдаги Б-55-сон буйруғи билан тасдиқланиб, Адлия вазирлигида 2018 йил 7 сентябрда 3067-сон билан рўйхатга олинди.

Мазкур Низомда назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказишнинг вақтинчалик тартибини белгилаб берилди.

Низом талаблари Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонуни доирасида;

қўзғатилган жиноят ишлари доирасида;

давлат корхоналари ва муассасалари фаолиятида;

норезидентларнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари ва ваколатхоналари фаолиятида;

нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятида;

тадбиркорлик субъектлари ўз ташаббуси билан ўтказиладиган текширувларга нисбатан татбиқ этилмайди.

тадбиркорлик субъектлари - белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар;

назорат қилувчи органлар - тадбиркорлик субъектлари фаолиятини давлат томонидан назорат қилишга қонун ҳужжатлари билан ваколат берилган вазирлик ва идоралар;

текширув - тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунлар ҳамда улар фаолиятини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари қандай

бажарилаётганлигини назорат қилувчи органларнинг бир марта назорат қилиши;

ваколатли орган - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда - Бизнесомбудсман), унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ходимлари.

Текширувлар икки турга бўлинади:

- 1 – тур. Бизнесомбудсман билан келишиладиган текширувлар;
- 2 – тур. Ягона тизимда ҳабардор этиш тартибидаги текширувлар.

Давлат экология қўмитаси марказий аппарати томонидан ташкил этиладиган текширувлар Бизнесомбудсман билан, қўмитанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлинмалари ходимлари томонидан ўтказиладиган текширувлар тегишинча Бизнесомбудсманнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ходимлари билан келишилади.

Текширув ўтказишни ваколатли орган билан келишиш Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизими (бундан буён матнда Ягона тизим деб юритилади) орқали амалга оширилади.

Муддати бир кун бўлган текширувларни келишиш вакилликнинг ҳудудлардаги ходимлари томонидан, муддати бир кундан ортиқ бўлган текширувларни келишиш фақат Бизнесомбудсман томонидан амалга оширилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, хорижий корхоналар, шунингдек эркин иқтисодий зоналарда жойлашган корхоналарда ўтказиладиган текширувларни келишиш фақат Бизнесомбудсман томонидан амалга оширилади.

Назорат учун саволлар:

1. Назорат қилувчи давлат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлар фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби;

2. Текширувларни турлари

ТЕКШИРУВЛАРНИ КЕЛИШИШ

Қуйидаги асослар мавжуд бўлганда текширувлар Бизнесомбудсман билан келишилади:

Биринчи: жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари ҳақидаги муурожаатлари асосида;

Иккинчи: назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказилган "хавфни таҳлил этиш" натижалари, шу жумладан оммавий ахборот воситаларидан ёки бошқа ташқи манбалардан (ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар) олинган маълумотлар асосида. Бунда жисмоний ва юридик шахслар муурожаатларининг аноним эмаслиги ҳамда текширув ўтказилиши режалаштирилаётган тадбиркорлик субъектининг амалда фаолият кўрсатаётганлиги назорат қилувчи орган томонидан дастлаб ўрганиб чиқилади.

Бир кунлик муддатда ўтказиладиган текширувни келишиш учун буюртмалар Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атропо муҳитни муҳофаза қилиш бошқармалари томонидан Ягона тизимга киритилади.

Муддати бир кундан ортиқ бўлган текширувни келишиш учун эса буюртма Давлат экология қўмитасининг марказий аппарати маъсул шахси томонидан Ягона тизимга киритилади.

Буюртмада қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

текширув ўтказувчи орган номи;

текширув ўтказиладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси), солиқ тўловчининг идентификация рақами, манзили;

текширув ўтказиш учун асос;

талаблари бузилиши мумкин бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида маълумот;

текширув ўтказиш муддати;

текширув предмети;

текшириладиган фаолият даври.

Буюртмага жисмоний ёки юридик шахснинг қонунбузилиш ҳолатлари ҳақидаги муурожаати нусхаси, "хавфни таҳлил этиш" тизими орқали аниқланган қонунбузилиш ҳолати бўйича батафсил маълумот ҳамда текширув дастури илова қилинади.

Текширув дастури ушбу мурожаатда кўрсатилган ҳолатлар ёки "хавфни таҳлил этиш" тизими орқали аниқланган қонунбузилишлар доирасида тузилади ва Қўмита раиси ёки ҳудудий орган раҳбари томонидан тасдиқланиши шарт.

Тақдим этилган буюртма ваколатли орган томонидан уч иш кунидан кечиктирмасдан кўриб чиқилади ҳамда текширувни ўтказиш келишилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинади.

Фавқулодда вазиятлар юзага келиши, шу жумладан инсон ҳаёти ва соғлигининг хавф остида қолиши, атроф-муҳит зарарланиши, жиддий моддий талафотлар келиб чиқиши ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар бўйича текширувларни келишиш тўғрисидаги буюртмалар бир иш кун ичида кўриб чиқилади.

ТЕКШИРУВЛАРНИ ЭЛЕКТРОН РЎЙХАТГА ОЛИШ ЯГОНА ТИЗИМИНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИ

“Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби ҳақидаги Низом” Бош прокуратура томонидан ишлаб чиқилган ва 2018 йил 31 октябрдаги 205-сонли буйруғи билан тасдиқланиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 11 ноябрда 3093-сон билан рўйхатга олинди.

Ушбу Низом назорат қилувчи органлар ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимини юритиш тартиби белгилаб беради.

Низомга кўра, Қўмита марказий аппарати ва унинг ҳудудий органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар Ягона тизимда мажбурий тарзда рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Давлат сири билан боғлиқ бўлган текширувларни ўтказишга оид ахборот алмашинуви давлат сирларини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ҳамда бундай текширувлар ҳақидаги маълумотлар Ягона тизимга киритилмайди.

Текширувларни Ягона тизимга киритиш учун Марказий аппарат ҳамда ҳудудий органларнинг масъул ходимига ушбу тизимга кириш учун логин ва пароль Бизнесомбудсман томонидан ахборот хавфсизлиги талабларига мувофиқ берилади.

Марказий аппарат ва ҳудудий органнинг масъул ходими ўзгарганда Ягона тизимдаги логин ва пароль назорат қилувчи орган томонидан ахборот хавфсизлиги талабларига оид ички қоидалар асосида янги ходимга ўтказилади. Ушбу ҳолатда масъул ходим ўзгарганлиги ҳақида бир иш кунида Бош прокуратура бошқармасини хабардор қилиш лозим.

Ягона тизимга ўтказилган текширувлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш учун алоҳида ходим буйруқ билан тайинланган бўлиши лозим.

Масъул ходим томонидан экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш органларининг давлат инспекторлари томонидан аниқланган камчиликлар, шунингдек жисмоний ва юридик шахслар томонидан тадбиркорлик субъектларининг атроф муҳитни муҳофаза қилишга доир қончилиқни бузганлиги ҳақида келиб тушган шикоят, ариза ва мурожаатлар текширув талаб этса, у ҳолда буюртма тайёрланиб, тизимга киритилади.

Бизнесомбудсман томонидан текширув ўтказишни келишиш ҳақида қарор қабул қилинганда Ягона тизимда махсус рақам (код) асосида «Келишилди» ёки текширув ўтказишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинганда унинг аниқ сабаби кўрсатилган ҳолда «Келишилмади» мақоми берилади. Текширувни келишмаслик сабаблари бартараф этилганда, текширувларни ўтказиш учун буюртма янгидан расмийлаштирилиши мумкин.

Ягона тизимда буюртма рўйхатдан ўтказилиб, текширув учун махсус рақам (код) олингандан кейин тадбиркорлик субъекти фаолиятида текширув ўтказиш ташкил этилади.

ТЕКШИРУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ

Бизнесомбудсман билан текширувни ўтказиш келишилган кундан бошлаб уч иш куни ичида текширув ўтказиш тўғрисида буйруқ қабул қилиниши лозим.

Буйруқда қуйидагилар кўрсатилади:

текширув ўтказиш учун асос бўлган ҳужжат номи, рақами ва санаси;

текширувда иштирок этадиган масъул ходимлар таркиби;

текшириладиган тадбиркорлик субъектининг номи (филиали ёки шохобчаси);

солиқ тўловчининг идентификация рақами;

манзили;

текширув мақсади;

текшириш учун ягона тизимда берилган махсус (ноёб) код рақами

текшириш муддати ва текшириладиган фаолият даври кўрсатилади ҳамда текширув дастури илова қилинади.

Текширув дастурида агар тадбиркорлик субъектини текшириш ташаббуси билан чиқиладиган бўлса, “хавфни таҳлил қилиш тизими” асосида субъектнинг фаолияти таҳлил қилиниб, таҳли асосида аниқланган камчиликлар бўйича саволлар киритилади.

Қўмита Марказий аппарати ва тегишли таркибий бўлинмаси томонидан ўтказиладиган текширувга қўмитанинг бошқа таркибий бўлинмаларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари жалб этилиши мумкин.

Қўмита Марказий аппарати томонидан ўтказиладиган текширувни қуйи бўлинмаларига юклашга ҳақли.

Текширув ўтказиш жараёнида масъул ходимлар ўз ваколатлари ва текширув дастурида белгиланган масалалар доирасидан четга чиқмаслиги лозим.

Текширувга юборилган масъул ходимлари текширув бошланишидан олдин тадбиркорлик субъекти раҳбарини (раҳбарнинг вазифасини бажарувчи шахсни) ёки яққа тартибдаги тадбиркорни текширув мақсади билан таништиради, унга ўз хизмат гувоҳномаси ва текширув ўтказиш ҳуқуқини берувчи махсус гувоҳномасини кўрсатади, Ягона тизимга текширувнинг уникал кодини киритиш орқали текширувга доир маълумотларни олиш ҳуқуқини тушунтиради, шунингдек текширувни ўтказишга асос бўлган ҳужжатлар (текширув ўтказиш келишилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, назорат қилувчи органнинг текширув ўтказиш тўғрисидаги буйруғи ва текширув дастури) нусхаларини тилхат олган ҳолда топширади.

Текширув ўтказиш учун асос бўлган ҳужжатлар нусхаси тилхат асосида тадбиркорга топширилиши лозим, ҳужжатларни топширилган вақтдан бошлаб, текширувни ўтказиш бошланган кун ҳисобланади.

Текшириладиган тадбиркорлик субъектининг мазкур ҳужжатларни олишдан бош тортганлиги текширувни бекор қилиш учун асос бўлмайди, агар тадбиркорлик субъекти ҳужжатларни олишдан бош тортса, бу ҳақда далолатнома тузилади. Бунда далолатнома расмийлаштирилган кун текширувни ўтказиш бошланган кун ҳисобланади.

Масъул шахслар тадбиркорлик субъектининг сўровига кўра у аъзо бўлган тадбиркорлик субъектлари бирлашмалари ёки Савдо-саноат палатаси вакиллари текширишда иштирок этиши мумкинлиги тўғрисида

тадбиркорлик субъектига тушунтиради ва бу ҳақида тилхатда қайд этилади. Вакилларнинг текширувда иштирок этиш учун етиб келмаслиги текширув ўтказилишига тўсқинлик қилмайди.

Текширув билан тадбиркорлик субъектининг бевосита текширув ўтказиш йилидан олдинги уч календарь йилдан кўп бўлмаган фаолияти камраб олинishi мумкин. Бунда:

текширув ўтказилаётган календарь йилнинг ўтган даври текширилиши мумкин;

текширувни ўтказётган назорат қилувчи орган томонидан илгари текширилган фаолият даври бўйича қайта текширув ўтказилмайди.

Текширувни белгиланган муддатда ўтказиш имкони бўлмаган ҳолларда, шунингдек текширув бошлангандан кейин тадбиркорлик субъекти раҳбари ёки якка тартибдаги тадбиркор текширувда иштирок эта олмаган, талаб этилган ҳужжатлар тақдим этилмаган ёки соҳавий мутахассислар мавжуд бўлмаган тақдирда, текширув назорат қилувчи органнинг буйруғи асосида тўхтатилиб, унинг асослантилган мурожаатига кўра текширув ёки унинг қолган муддати ваколатли органнинг рухсати билан бошқа вақтга кўчирилиши мумкин.

Муддати кўчирилган текширувни ўтказиш текширув тўхтатилган ойдан кейинги ойнинг сўнгги кунидан кечиктирмасдан таъминланиши лозим. Ушбу муддатда ўтказилмаган текширув яқунланган ҳисобланади.

Текширув ўтказиш жараёнида ўрганиш лозим бўлган қўшимча ҳолатлар аниқланган тақдирда, текширув муддати назорат қилувчи органнинг асослантилган мурожаатига кўра Бош прокуратуранинг рухсати билан фақат бир марта, бироқ текширув келишилган муддатдан ошмаган вақтга узайтирилиши мумкин (масалан, олти кунга келишилган текширувни узайтиришда кўпи билан яна олти кун қўшиб берилиши мумкин).

Текширувлар натижалари далолатнома билан расмийлаштирилади. Текширув далолатномаси камида икки нусхада тузилади.

Бир кунлик муддатда ўтказиладиган текширув далолатномаси текширув ўтказилган кунда, муддати бир кундан ортиқ бўлган текширув бўйича эса, текширув муддатининг охириги кунидан кечиктирмасдан расмийлаштирилиши шарт.

Бунда текширув далолатномасининг нусхалари назорат қилувчи органнинг масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектининг раҳбари ёки якка тартибдаги тадбиркор томонидан имзоланади ҳамда бир нусхаси

тадбиркорлик субъекти раҳбарига ёки якка тартибдаги тадбиркорга уни олган санани кўрсатган ҳолда имзо қўйдириб топширилади.

Текширилган тадбиркорлик субъекти текширув далолатномасини олишдан ва уни имзолашдан бош тортганда, назорат қилувчи органнинг масъул ходими бу ҳақда далолатномага тегишли ёзув киритади ва шу пайтдан эътиборан текширув тугаган ҳисобланади.

Бу ҳолда текширув далолатномасининг бир нусхаси у тузилган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан тадбиркорлик субъектига почта орқали буюртма хат билан юборилади.

Ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган далолатномада қайд этилган қонунбузилиш ҳолатлари тўғрисидаги хулосалар текширув якунлангандан сўнг уч иш куни ичида, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома, молиявий ва иқтисодий жарималарни қўллаш тўғрисида қарорлар, суд қарорлари) мазкур чоралар қўлланилгандан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан назорат қилувчи органлар томонидан Ягона тизимга киритилиши лозим.

Бош прокуратура билан келишилган ҳолда ўтказилган текширувлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар назорат қилувчи органнинг марказий аппарати, вилоят прокуратуралари билан келишилган текширувлар бўйича маълумотлар назорат қилувчи органнинг вилоят даражасидаги тегишли бўлинмаси томонидан Ягона тизимга киритилади.

ХАБАРДОР ЭТИШ ТАРТИБИДА ТЕКШИРУВЛАРНИ ЎТКАЗИШ ВА ЯГОНА ТИЗИМГА КИРИТИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган 2-иловасининг 3, 16 ва 21 позицияларида қайд этилган ҳолатлар бўйича Давлат экология кўмитасига тизимига ваколатли органи Ягона тизим орқали хабардор этиш тартибида текширувларни ўтказиш ваколати берилган.

2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон Фармони билан тасдиқланган 2-илованинг:

3-бандига мувофиқ ваколатли орган билан келишилган объектларда атмосфера ҳавоси, тупроқ, оқава ва ер усти сувларини ифлослантирувчи манбалар, шунингдек, ташламалар ва чиқиндиларнинг ноқонуний манбалари мониторинги амалга оширилади.

Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ихтисослаштирилган аналитик назорат маркази (лабораториялар) ходимлари томонидан тасдиқланган рўйхат асосида ифлослантирувчи манбаларда атроф муҳит мониторингини ўтказиш учун ягона тизимга хабар берилиб (мониторинг ўтказиладиган объект аввалдан маълум бўлганлиги сабабли ягона тизимга мониторингга чиқишдан олдин хабар берилади), асос бўлувчи ҳужжатлар ва дастур бўлимига Мониторинг ўтказиш ҳақидаги Давлат экология қўмитасининг буйруғи, ваколатли орган билан келишилган рўйхатдан кўчирма (фақат тегишлилиги бўйича), мониторинг ўтказиш бўйича раҳбар томонидан тасдиқланган дастур (раҳбар томонидан тасдиқланган) киритилади.

Мониторинг ўтказиладиган рўйхатдаги ҳар бир субъектга алоҳида буйруқ чиқарилади. Буйруқда мониторинг ўтказиладиган субъект томонидан мониторинг ўтказишга тўсқинлик қилиш ёки турли эътирозлар бўлмаслиги учун, хабар берилгандан сўнг ягона тизимда ҳосил бўлган ҳос рақамни буйруқда қайд этиш лозим ва Ягона тизимининг Назорат органи ҳақида маълумот ойнасининг “буйруқ” ойнасида сақлаб қўйилади.

Мониторинг ўтказиладиган субъектлар сонини сунъий равишда ортиб кетишини олдини олиш мақсадида, турли сабабларга кўра иш фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларида мониторинг ўтказиш лозим бўлмайди (асосли ҳужжатлар бўлганда) ва уни ягона тизимда хабардор қилиш шарт эмас.

16-бандига мувофиқ ўтказиладиган хабардор тартибидаги текширувларда икки ёки ундан ортиқ назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилса, Ягона тизимга текширив ҳақида хабардор қилиш ҳар бир текширувчи орган томонидан алоҳида амалга оширилади. Ушбу бандда назарда тутилган назорат йўналиши бўйича текширув ўтказиладиган субъект номи аниқ бўлганлиги учун олдиндан ваколатли органни хабардор қилиб, текширувга ҳос рақам олингандан кейин ва буйруқ чиқаргандан кейин текширувга чиқиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони билан ПФ-5490-сон Фармоннинг 2-иловасига ўзгартишлар киритилди.

Унга кўра 2019 йил 1 ноябрдан бошлаб қуйидаги ҳолатлар аниқланганда ваколатли орган билан олдиндан келишмасдан, ўтказилган текширув ҳақида текширув бошланган пайдан бошлаб йигирма тўрт соат ичида

Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш лозим:

ёнувчи моддалар ва қурилиш материалларини бир жойга тўплаш ёки очик оловда ёқишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича талабларга риоя этмаслик;

далалар ва аҳоли пунктларида махсус техник воситаларни қўллагандан битумни эритиш, анғизни, тўкилган барглари ва дарахт шохлари ёки бошқа ўсимлик қолдиқларини ёқиш;

оқава сувларни жой рельефига ёки очик ҳавзаларга, шунингдек, коммунал канализация тизимида нормадан ортиқча ёки рухсатсиз оқизиш;

табiiй сув объектларидан сувдан махсус фойдаланиш ёки сув истеъмолига рухсатномасиз сув олиш;

дарахтларни қонунга хилоф равишда кесиш, ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиш ва тайёрлаш ёки йўқ қилиш, ёввойи ҳайвонларни (шу жумладан, балиқни) овлаш ёки қўлга киритиш;

чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик;

дарёлар, сойлар, кичик дарё ва қўлларнинг ўзанлари ва сувни муҳофаза қилиш зоналарини тозалаш, шунингдек, уларнинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларига риоя этмаслик.

Инспекторлар томонидан ҳудудларда назорат тадбирларини ўтказиш жараёнида юқорида қайд этилган ҳуқуқбузарликлардан бири тадбиркорлик субъектлари томонидан содир этилганлиги аниқланса, инспектор мазкур ҳолат бўйича қонунда белгиланган тартибда таъсир чораларини қўллаши мумкин ва ҳуқуқбузарлик аниқлангандан кейин 24 соат ичида бу ҳақида ягона тизимга хабар бериш шарт.

Бунда ягона тизимнинг асос бўлган ҳужжатлар ва текширув дастури ойнасига Давлат экология қўмитасининг назорат тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги буйруғи, назорат тадбирларини ўтказиш дастури киритилади.

Назорат органи ҳақида маълумот бўлимининг “буйруқ” ойнасида назорат тадбирларини ўтказиш ҳақидаги ҳудудий бўлимининг буйруғи сақлаб қўйилади.

Агар жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларда (ариза, шикоят) юқорида қайд этилган хабардор этиш тартибидаги текширувлар рўйхатида назарда тутилган масалалар келтирилган бўлса, текширувларни ягона

тизимдан рўйхатдан ўтказгандан кейин хабардор этиш тартибида амалга оширилади.

Агар жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларида бир нечта масала кўрсатилиб, улардан камида биттаси келишиш тартибида текширув ўтказилишини талаб қилса, текширув ваколатли орган билан келишилган ҳолда ўтказилади.

ЎТКАЗИЛГАН ТЕКШИРУВЛАР НАТИЖАЛАРИНИ ЯГОНА ТИЗИМГА КИРИТИШ

Ўтказилган текширув натижалари бўйича тузилган далолатномада қайд этилган қонун бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар текширув якунлангандан сўнг уч иш куни ичида, тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари тўғрисидаги маълумотлар (ёзма кўрсатма, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома, молиявий ва иқтисодий жарималарни қўллаш тўғрисида қарорлар, суд қарорлари ва бошқалар) мазкур чоралар қўлланилгандан сўнг уч иш кунидан кечиктирмасдан назорат қилувчи орган томонидан Ягона тизимга киритилиши шарт.

Бизнесомбудсман билан келишилган ҳолда ўтказиладиган текширувлар натижалари тўғрисидаги маълумотлар қўмитанинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратуралари билан келишилган текширувлар бўйича маълумотлар ҳудудий органлар томонидан Ягона тизимга киритилади.

Тадбиркорлик субъектига нисбатан қўлланилган таъсир чоралари бекор қилинган ёки ўзгарган тақдирда, тегишли назорат қилувчи орган томонидан шу ҳақидаги маълумотлар Ягона тизимга киритилиши лозим.

ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИГА ТЕКШИРИШЛАР ҲАҚИДАГИ ЁЗУВЛАРНИ КИРИТИШ

Тадбиркорлик субъектларида барча турдаги текширувлар ўтказилганда уларнинг “Текширувларни рўйхатга олиш китоби” тўлдирилиши шарт, текширув бошладан олдин текширув гуруҳи раҳбари китобига тегишли ёзувларни киритиш лозим.

Текширишларни рўйхатга олиш китоби — ўтказилган текширишлар тўғрисидаги ахборот ёзиб қўйиладиган электрон ёки қоғоз шаклидаги махсус китобдир.

Тадбиркорлик субъектида техник имконият мавжуд бўлганда мажбурий тартибда текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли тўлдирилади. Бунда текширишларни рўйхатга олиш китобининг қоғоз шаклини тўлдириш талаб этилмайди.

Текширув натижалари тўғрисидаги далолатномага "Текширувларни рўйхатга олиш китоби"нинг тўлдирилган шакли (қоғоз шакли тўлдирилганда - электрон шакли тўлдирилмаганлиги сабаби) ёки китоб тақдим этилмаганда - унинг тақдим этилмаганлиги тўғрисида текширувчи томонидан тегишли ёзув киритилади.

Масъул ходимлар "Текширувларни рўйхатга олиш китоби"ни тўлдиришдан бош тортган тақдирда, тадбиркорлик субъекти текширув ўтказилишига йўл қўймасликка ҳақли.

Текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шакли бевосита хўжалик юритувчи субъектда тўлдирилади. Текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклига кириш etk.minjust.uz сайти орқали амалга оширилади.

Текширувчи мансабдор шахс текшириш бошланишига қадар текширишларни рўйхатга олиш китобининг 2 — 7-устунларини тўлдиради.

2-устунда текширувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, у бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

3-устунда текширувчи мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган ташкилот номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

4-устунда текширишга:

назорат қилувчи орган жалб этилган тақдирда, назорат қилувчи органнинг тўлиқ расмий номи, унинг почта манзили, текширувчи мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, гувоҳнома (шу жумладан махсус гувоҳнома) рақами, гувоҳномани берган ташкилот номи, гувоҳноманинг амал қилиш муддати кўрсатилади;

аудиторлик ташкилоти жалб этилган тақдирда, аудиторлик ташкилотининг номи, лицензия берилган сана, рақами ва амал қилиш муддати, аудиторнинг фамилияси, исми, отасининг исми, текширишга жалб

этишга асос бўлган назорат қилувчи орган билан тузилган шартноманинг рақами ва муддати кўрсатилади;

эксперт жалб этилган тақдирда, экспертнинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжат рақами, текширишга жалб этишга асос бўлган назорат қилувчи орган билан тузилган шартноманинг рақами ва муддати кўрсатилади.

5-устунда текшириш ўтказиш режа-жадвалини тасдиқлаган орган номи ва уни тасдиқлаш санаси; буйруқни чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, буйруқни қабул қилиш рақами ва санаси; кўзғатилган жиноят иши билан боғлиқ текширишни тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган мансабдор шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, қарорнинг санаси, шунингдек жиноят ишининг рақами кўрсатилади.

6-устунда текшириш турининг тўлиқ номи ва мақсади кўрсатилади. Текшириш турининг номи текшириш ўтказиш режа-жадвали ва буйруқда кўрсатилган номга, мақсади эса — буйруқда кўрсатилганига мувофиқ бўлиши лозим.

7-устунда текшириш ўтказиш муддати кўрсатилади. У текшириш ўтказиш режа-жадвалида кўрсатилган муддатдан ошмаслиги лозим.

Т/р	Нazorat ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг номи	Текширувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва гувоҳнома рақами	Текширишга жалб қилинган назорат қилувчи органнинг номи (текширувчининг Ф.И.О. ва гувоҳнома рақами), аудиторлик ташкилотининг номи, экспертнинг Ф.И.О. (шахсини тасдиқловчи ҳужжат, текширишга жалб этишга асос бўлган шартноманинг рақами ва муддати)	Текшириш ўтказиш учун асос	Текшириш тури ва мақсади
1	2	3	4	5	6
1	Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, 100047. Манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Той-тепа, 2а-уй. Раҳбар: Кучкаров Баҳром Тулкинович	1. Беликов Алексей Владимирович гувоҳнома № 111, амал қилиш муддати 12.20.2019 йилгача, маҳсус гувоҳнома № 11 амал қилиш муддати 12.20.2021 йилгача. 2. Джамбурбаев Нодир Туракул ўғли гувоҳнома № 123, амал қилиш муддати 12.12.2019 йилгача, маҳсус гувоҳнома №12 амал қилиш муддати 08.01.2021 йилгача.	-	Ўзбекистон Республикаси Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (унинг ҳудудий ходимлари) билан 2019 йил 10 мартда 1035-сонли келишув, Давлат экология қўмитаси раисининг (Қорақалпоғистон Республикаси қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармаси бошлигининг) 2019 йил 15 мартдаги 10-сонли буйруғи	Келишув тартибдаги текшириш Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилona фойдаланишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бажарилишини текшириш

		Барча гувоҳномалар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атропоф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан берилган.		Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490- сонли фармонининг 2- иловаси 3-банди (Қорақалпоғистон Республикаси қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураси билан келишилган рўйхат) Мониторинг ўтказиш тўғрисида 2019 йил 10 январдаги 10-сонли буйруқ	Хабардор қилиш тартибдаги текшириш Атропоф муҳит ифлосланиши мониторинги
				Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490- сонли фармонининг 2- иловаси 16 (21), банди Экологик рейд ўтказиш тўғрисидаги 2019 йил 10 январдаги 10-сонли буйруғи	Хабардор қилиш тартибдаги текшириш Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга оид қонун ҳужжатлари талабларини бажарилишини текшириш

Текшириш ўтказиш учун белгиланган муддатлар	Текширишни бошлаш ва тугатиш санаси ва вақти	Текширишнинг аниқ давом этган вақти	Талаб қилинган ҳужжатлар	Текшириш жараёнида қўрилган чоралар	Хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор)нинг фикри
7	8	9	10	11	12
2020 йил 5 январдан 14 январгача 10 кун муддатда	5 февраль соат 10 дан 16 гача 6 февраль соат 11 дан 17 гача 7 февраль соат 12 дан 18 гача	3 кун	Экология норматив ҳужжатлар, Ташкилий техник тадбирлар режаси, Охириги текширишда берилган мажбурий кўрсатмаларнинг бажарилиши, Компенсация тўлови бўйича ҳисоб-китоб ва ҳисоботлар	Маъмурий жарима	
2020 йил 5 январ 1 кун муддатда	5 февраль соат 10 дан 16 гача	1 кун	Бу ерда назорат тадбири (рейд) давомида 5490-сон Фармоннинг 2-иловаси 3,16,21 бандларида қайд этилган ҳолатлар бўйича тадбиркорлик субъектидан қандай ҳужжатлар талаб этилса шулар ёзилиши лозим.	Маъмурий жарима, зарар	

Китобининг 8 — 12-устунлари хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан тўлдирилади. Бунда, 8 — 10-устунларга текшириш давомида ёзувлар киритиб борилади.

8-устунда ҳар куни текшириш ўтказишни бошлаш ва тугатиш вақти, санаси кўрсатилади. Ушбу устунда зарур ҳолларда текширувчи мансабдор шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг ички тартибида белгиланган иш вақти тугаганидан кейинги ҳаракати ҳақида махсус белгилар қўйилади.

9-устунда текширишнинг ҳақиқатда давом этган календарь муддати кўрсатилади.

10-устунда талаб қилинган ҳужжатларнинг тўлиқ номи кўрсатилади. Ушбу устунда талаб қилинган ҳужжатлар тавсифи текшириш ўтказиш режа-жадвали ҳамда буйруқда кўрсатилган текшириш тури ва мақсадларига мос келмаган ҳолда махсус белгилар қўйилади.

11-устунда хўжалик юритувчи субъектга нисбатан белгиланган тартибда кўрилган чоралар (ишлаб чиқаришни тўхтатиш, омборни муҳрлаш, пул маблағларидан ва/ёки хом ашёдан фойдаланишни тақиқлаш, молия ва бошқа ҳужжатларни олиб қўйиш ва ҳ. к.) кўрсатилади.

12-устунда ўтказилган текшириш якуни бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг «Розиман», «Рози эмасман», «Эътирозлар билан розиман» шаклларидаги фикри қайд этилади. «Рози эмасман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда хўжалик юритувчи субъект раҳбари бунинг асосланган сабабларини кўрсатади. «Эътирозлар билан розиман» шаклидаги фикр кўрсатилган ҳолда асосланган эътирозлар келтирилади. Текшириш тугагандан сўнг хўжалик юритувчи субъект раҳбари ушбу устунга текширишларни рўйхатга олиш китобида қайд қилинган ёзувларнинг тўғрилиги ҳақида ёзув киритади. Мазкур ёзувлар текширишларни рўйхатга олиш китобининг қоғоз шаклида сана ва вақтни кўрсатган ҳолда имзо билан тасдиқланади.

Текширишларни рўйхатга олиш китобининг қоғоз шаклида ўчириб ёзиш ва бўяш тақиқланади. Тўғрилашлар хато ёзувлар ўчирилиб, керакли маълумотларнинг устидан қайта ёзиш ёки қўлда устидан ёзиш йўли билан амалга оширилиши лозим. Ҳар бир бундай тўғрилаш текширувчи мансабдор шахснинг ва хўжалик юритувчи субъект раҳбари (якка тартибдаги тадбиркор, хўжалик юритувчи субъект раҳбари бўлмаган тақдирда — унинг вазифасини бажарувчи шахс)нинг имзоси билан тасдиқланади.

Текширишларни рўйхатга олиш китобининг электрон шаклини тўлдиришда хатоликка йўл қўйилган бўлса, ушбу сатрга тўғрилашлар

киритиш орқали янги ёзув амалга оширилади. Бунда, олдинги маълумот автоматик равишда сақланиб қолинади.

Текшириша, шунингдек мониторинг ва назорат тадбирларида “Текширишларни рўйхатга олиш китоби” тақдим этилмаса бу ҳақида текшириш далолтаномасида қайд этилиши лозим.

Давлат бюджетдан молиялаштириладиган муассасалар, Давлат бюджети улуши бўлган унитар корхоналар фаолиятида Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан текшириш амалга оширилади.

Унга мувофиқ мулк шаклидан ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида давлат экологик назоратини қонунчиликда белгиланган тартибда текшириш ўтказилади.

Бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот ва муассасаларда ўтказилган текширишлар ваколатли органлар билан келишилмайди, хабардор этилмайди ҳамда текширув натижалари тўғрисидаги маълумот Ягона тизимга киритилмайди.

ЭСЛАТМА: Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 12 ноябрдаги ЎРҚ-583-сонли қонунига мувофиқ Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари ваколатлари кенгайтирилиб, уларга тадбиркорлик субъектлари фаолиятида текшириш ўтказиш тартибини бузган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўриш ҳуқуқи берилди.

Бунда ушбу Қонунга мувофиқ келгусида Вакил ва унинг ҳудудий девони ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишлар, уларнинг натижаларини тизимга киритилиши, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ҳужжатлар мунтазам равишда ўрганиб борилади ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашув ёки ноқонуний текшириш ҳолатлари аниқланганда мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чора кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сонли фармонининг 5-бандига мувофиқ текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувлар ноқонуний ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишнинг белгиланган тартибини бузиш, худди шунингдек тадбиркорлик субъектлари фаолиятини

қонунга хилоф равишда текшириш ташаббуси билан чиқиш ва (ёки) ўтказишга йўл қўйилганда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹-моддасида мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг қирқ бараваридан саксон бараваригача миқдорда жарима, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192-моддасида шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам содир этилса энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш белгиланганлиги ҳақида огоҳлантирилади.

Назорат учун саволлари

1. Давлат экологик назоратини амалга ошириувчи органлар ва мансабдор шахслар;
2. Текширувга тайёргарлик кўриш қоидалари;
3. Текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби қандай?

МАНСАБДОР ШАХСЛАРИНИ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШ ҲУҚУҚИНИ БЕРИШ ЮЗАСИДАН АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ

Тадбиркорлик субъектлар фаолиятида текширишларни ўтказишга қўйиладиган қўмита тизимидаги мансабдор шахслар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сон билан тасдиқланган “Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида Низом”га мувофиқ аттестациядан ўтказилиши лозим. Аттестациядан муваффақиятли ўтган ходимларга махсус гувоҳнома берилади. Ходимлар аттестациядан уч йилда камида бир марта ўтказилади.

АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Аттестация комиссияси Қўмита раҳбарининг буйруғи асосида ташкил этилади.

Аттестация комиссияси камида беш кишидан иборат бўлади: Аттестация комиссияси раис, котиб ва комиссия аъзолари.

Қўмита раиси ёки ҳудудий орган раҳбари аттестация комиссиясининг раиси ҳисобланади.

Комиссия таркиби тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишни амалга ошир иш мажбуриятига кирмайдиган шахслардан шакллантирилади.

Аттестация комиссияси таркибига мажбурий равишда Бизнесомбудсман ва унинг ҳудудлардаги ходимлари органлари, Савдо-саноат палатаси ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари киритилиши шарт.

Кадрлар билан ишловчи таркибий бўлинмалар ишчи орган функциясини бажаради ва унинг вакили аттестация комиссиясининг котиби ҳисобланади.

Ишчи орган қуйидаги функцияларни бажаради:

аттестацияни ўтказиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлайди;

аттестацияни ўтказиш учун ходимлар рўйхатини тузади ва уни аттестация комиссиясига тақдим этади;

аттестацияни ўтказиш учун саволлар рўйхатини тайёрлайди;

аттестация ўтадиган сана ва жой тўғрисида ходимларга хабар қилади;

манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликни таъминлайди;

ушбу Низомга мувофиқ аттестация комиссияси иши ҳамда унинг қарорлари ижроси билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

Аттестация комиссияси аттестацияни ўтказишда:

аттестациядан ўтаётган ходим ҳақида қисқача ахборотни эшитади;

аттестациядан ўтаётган ходимга саволлар беради;

аттестация яқунлари бўйича очиқ овоз беришни ўтказиши;

аттестациядан ўтаётган ходим фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар беради;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш тўғрисида қарор қабул қилади;

аттестация ўтказиш натижалари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатлари асосида ходимга аввал берилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини тасдиқловчи махсус гувоҳномани бекор қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади ва бошқалар.

АТТЕСТАЦИЯНИ ЎТКАЗИШ

Қўмита раиси (худудий орган раҳбари) аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхатини тасдиқлаган ҳолда аттестациядан ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради.

Аттестациядан ўтиши керак бўлган ходимлар рўйхатига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар (махсус гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугаган ёки шу ой мобайнида тугайдиган ходимлар) ва бундай ҳуқуқни олишга тавсия қилинган ходимлар киритилади.

Ушбу рўйхатга олдин тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини олган, бироқ тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга тайинланган ходимлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш соҳасида қонунчилик бузилиши муносабати билан бундай ҳуқуқдан маҳрум этилган ходимлар киритилмайди.

Ходимларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқи амал қилиши муддати тугаганда, тузилма, штат бирлиги ўзгарганда ва ходи янги ишга қабул қилинганда ва бошқа омиллар инобатга олинган ҳолда навбатдаги аттестациядан ўтказиш муддати белгиланади.

Аттестациядан ўтадиган ходмининг раҳбари (бўлим, инспекция) Комиссия ишчи органга аттестациядан ўтиши керак бўлган ҳар бир ходим тўғрисида хизмат тавсифномаси тақдим этади.

Аттестациядан ўтказиладиган ходим аттестациядан камида икки ҳафта олдин аттестацияни ўтказиш тўғрисидаги буйруқ билан имзо қўйдирилган ҳолда таништирилиши керак.

Аттестация комиссияси йиғилиши аттестация комиссияси тасдиқланган таркибининг тўртдан уч қисми қатнашса, ваколатли ҳисобланади.

Аттестация аттестациядан ўтаётган ходим билан суҳбат шаклида ўтказилади.

Ишчи орган аттестациядан ўтказилувчиларнинг доимий ҳисобини юритиш мақсадида реестрни юритади, унга қўйидаги маълумотлар электрон шаклда киритилади:

эгаллаб турган лавозими; ходимнинг фамилияси, исми ва отасининг исми; ходимнинг паспортига оид маълумотлари; ходимнинг малака ошириш курсини даврий ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса); аввалги аттестациядан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (мавжуд бўлса).

Аттестация комиссияси котиби ҳар бир аттестациядан ўтказилувчи ходим ҳақидаги маълумотномани аттестация ўтказиш санасидан камида бир ҳафта олдин комиссияга тақдим этади.

Аттестация ўтказилишидан камида 15 кун олдин аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда ишчи орган томонидан саволлар рўйхати тузилади ва ушбу рўйхат аттестация комиссияси раис томонидан тасдиқланади.

Рўйхатга мажбурий равишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга боғлиқ саволлар ва вазиятли вазифалар — тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш вақтида содир бўладиган ва/ёки содир бўлиши мумкин бўлган вазиятлар ҳамда тегишли тадбиркорлик субъектлари томонидан қонунбузарлик содир этиш хавфи даражасидан келиб чиқиб текшириш ташаббуси билан чиқишни назарда тутувчи «хавфни таҳлил этиш» тизимига оид саволлар киритилиши шарт.

Ҳар бир аттестациядан ўтаётган ходимга икки нусхада ушбу Низомга мувофиқ қуйидаги шаклда бўйича аттестация варақаси тузилади.

**Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш бўйича
АТТЕСТАЦИЯ ВАРАҚАСИ**

_____ (эгаллаб турган лавозими)

_____ (ходимнинг Ф.И.О.)

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш тўғрисида

_____ (назорат қилувчи органнинг номи)

аттестация комиссияси қарори:

Аттестация комиссияси раиси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Аттестация комиссияси
аъзолари:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

20 __ й. __ . _____

Аттестация комиссиясининг қарори билан танишдим, ушбу аттестация варақасининг иккинчи нусхасини олдим.

_____ (сана, имзо, ходимнинг Ф.И.О.)

Аттестация натижаси бўйича аттестация комиссияси қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

ходим аттестациядан ўтди;

ходим аттестациядан ўтмади.

Агар аттестациядан ўтказилувчи ўзининг аттестация варақасини имзолашга рози бўлмаса, бу ҳақида тегишли белги қўйилади.

Аттестация варақасининг иккинчи нусхаси аттестация ўтказилгандан кейин бир кун муддатда аттестациядан ўтган ходимга имзо қўйдирилган ҳолда тақдим этилади.

Аттестация яқунлари бўйича икки кун муддатда баённома тузилади.

Баённомада аттестация ўтказилган сана ва жой, аттестация комиссиясининг қарори кўрсатилади ҳамда аттестация варақалари илова қилинади. Баённома аттестация комиссияси раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Аттестацияга узрли сабабларга кўра (касаллиги, хизмат сафариди бўлганлиги ва ҳоказолар туфайли) келмаган ходимлар аттестация комиссиясининг кейинги йиғилишига қўйиладиган ходимлар рўйхатига киритилади.

Аттестация комиссияси томонидан аттестациядан ўтмаган деб ҳисобланган ходим такрорий аттестацияга, бироқ аттестация ўтказилганидан камида олти ойдан кейин қўйилиши мумкин.

Ушбу давр мобайнида аттестациядан ўтмаган ходимга тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ман этилади. Назорат қилувчи орган раҳбари мазкур ходимни тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган лавозимга ўтказиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш даврида ходим томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилган бўлса, унга берилган ҳуқуқ аттестация комиссияси томонидан бекор қилинади ва у қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Назорат учун саволлар:

1.Экология соҳасидаги ходимларни аттестацияси тушунчаси ва мақсадлари қандай?

2.Атестацияни ким ўтказди ва унинг муддатлари?

3.Атестацияга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиби ва қоидалари?

4.Атестация натижалари ва уни эълон қилиш тартиби?

XI. ИЛОВАЛАР

1-илова

 <p style="font-size: 8px;">ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ECOLOGIA VA ATROF-MUХITNI MUХOFAZA QILISH DAVLAT QUMITASI</p>	 <p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУХИТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚҶМИТАСИ Қонун бузилиш ҳолати юзасидан ДАЛОЛАТНОМА</p> <p>Сана: ____ / ____ / ____ й.</p>	
--	---	---

БЎЛИМ №1		Далолатнома тузган шахслар тўғрисида маълумот										
Ф.И.Ш.												
Лавозими									Жетон рақами			
Ф.И.Ш.												
Лавозими									Жетон рақами			
Иштирок этувчилар												
	Ф.И.Ш											
Иш жойи ва лавозими												
Манзили	Вилоят (шаҳар)					Туман (шаҳар)						
Кўча (МФЙ):					Уй №:					Хонадон №:		
Иштирок этувчилар	Ф.И.Ш											
Иш жойи ва лавозими												
Манзили	Вилоят (шаҳар)					Туман (шаҳар)						
Кўча (МФЙ):					Уй №:					Хонадон №:		

БЎЛИМ №2		Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс тўғрисида маълумот										
Ф.И.Ш.												
Туғилган санаси			/			/			Туғилган жойи			
Фуқаролиги								Шахсини тасдиқловчи ҳужжат				
Шахсини тасдиқловчи ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар (серия, берилган сана, берилган жойи)												
Манзили	Вилоят (шаҳар)					Туман (шаҳар)						
Кўча (МФЙ):					Уй №:					Хонадон №:		
Иш жойи ва лавозими												
Телефон рақами	9	9	8									

БЎЛИМ №3		Ҳуқуқбузарликнинг содир этганлиги ҳолати юзасидан маълумот									
Санаси			/			/			Вақти:		
Жойи											
Манзили	Вилоят (шаҳар)					Туман (шаҳар)					

(тушунтириш берилётган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф.И.Ш.)

(тушунтириш берувчи шахснинг яшаш жойи, Ф.И.Ш., телефон рақами)

2-илова

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

1. Ким сифатида тушунтириш олинаётганлиги _____

2. Туғилган йили, ойи ва куни _____

3. Маълумоти _____

4. Оилавий аҳволи _____

5. Иш жойи ва лавозими _____

6. Муқаддам маъмурий жазога тортилганлиги _____

7. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат _____

(номи, серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Менга маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича била туриб ёлғон маълумот бериш МЖтКнинг 40-моддаси бўйича маъмурий ва ЖКнинг 139-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши хусусида тушунтирилди:¹

(Ф.И.Ш. ва имзо)

Менга берилган саволлар юзасидан қуйидагиларни билдираман:

Тушунтириш хатини ўқиб чиқдим, менинг сўзимдан тўғри ёзилган. Эътироз ва қўшимчалар йўқ (ёки тушунтириш хатини ўз қўлим билан тўғри ёздим)

¹ ҳуқуқбузарлик содир этган шахс огоҳлантирилмайди

 <p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ</p>	 <p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ</p>	 <p>МА 0000009</p>
<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги БАЁННОМА</p>		

Сана: / / й. Жойи:	
Баённома тузган ваколатли шахс тўғрисида маълумот	
Ф.И.Ш.	
Лавозими	Жагон рақами




Ҳуқуқбузарлик содир этган шахс тўғрисида маълумот	
Ф.И.Ш.	
Тугилган санаси	Тугилган жойи
Фуқаролиги	Шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ID, серия, берилган сана, берилган жойи, СТИР)
Манзили	Туман (шаҳар)
Кўча (Мей):	Уй №: Хонадон №: +998
Иш жойи ва лавозими	

Ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳолати юзасидан маълумот	
Санаси	Вақти:
Манзили (жойи)	Туман (шаҳар)
Кўча (Мей):	Уй №: Хонадон №:
Ҳуқуқбузарлик моҳияти:	
(содир этилган объект)	
(Қонун, мақдд, Банди, қисм, қонунбузарликка талаблари)	
(Қодисс номи, Банди, қисм, талаби)	

Ҳуқуқбузар бу ҳаракати (ҳарактсизлиги)лари учун Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг _____ - модда(лар)си _____ - қисми(лари) билан жавобгарликка тортиш назарда тутилади.

Ҳуқуқбузар тушунтиришлари

Ҳуқуқбузарлик юзасидан гувоҳлар ва уларнинг кўрсатмалари	
Гувоҳ Ф.И.Ш.	
Манзили	Туман (шаҳар)
Кўча (Мей):	Уй №: Хонадон №: +998
Кўрсатмалари	

 <p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ</p>	 <p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ</p> <p>Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш БАЁННОМАСИ № _____</p> <p>Жойи _____ Сана: / / й.</p>	 <p>МА 0000009</p>	
БЎЛИМ №1	Ишни кўриб чиқувчи мансабор шахс тўғрисида маълумот		
Ф.И.Ш.			Жетон рақами
Лавозими			
БЎЛИМ №2	Ҳуқуқбузарликнинг содир этганлиги ҳолати юзасидан маълумот		
Санаси	/ /	Вақти:	:
Жойи			
Манзили	Вилоят (шаҳар)	Туман (шаҳар)	
Кўча (май)	Уя №	Хонадон №	
Мазмуни			
Ҳуқуқбузарнинг ҳозир бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақидаги маълумотлар			
Ҳуқуқбузарнинг тушунтиришлари, илтимослари			
Бу илтимосларни кўриб чиқиш натижаси			
Тавоҳлар кўрсатувлари ва эксперт хулосаларининг оғзаки тушунтиришлари			
Ишни кўришда ўрганилган ҳужжатлар ва ашёвий далиллар			
Қабул қилинган қарорни ўқиб ашитириш тўғрисидаги маълумотлар			
Ушбу қарор бўйича шикоятлар 10 кун ичида қўйқдаги манзилга қабул қилинади			
Қонуний вакил адвокат	Ф.И.Ш.		Илоҳ:
Эксперт	Ф.И.Ш.		Илоҳ:
Таржимон	Ф.И.Ш.		Илоҳ:
Баённома туздим:	Ф.И.Ш.	Лавозими	Илоҳ:

**Шахсинг аввал маъмурий жавобгарликка тортилганлигини
текшириш тўғрисида
ТАЛАБНОМА**

№ _____

20 ____ йил « ____ » _____

олинсин: почта орқали/ ИИВда

(керагининг остига чизилади)

1. Фамилияси: _____

2. Исми: _____

3. Отасининг исми: _____

4. Туғилган санаси: ____ йил « ____ » _____

5. Яшаш жойи: _____

6. Текширишнинг асоси: _____

7. Давлат органи раҳбари: _____

(Ф.И.О, имзо)

8. Бажарувчи _____

(Ф.И.О., лавозими)

9. Жўнатувчининг манзили: индекси / ____ / ____ / ____ / ____ / ____ / ____ / ____

_____ вилояти _____ шаҳри

_____ тумани _____ қишлоғи

_____ кўчаси _____ -уй

Давлат органи _____

(тўлик номи, қисқартиришларсиз)

“М.Ў.”

(талабномани жўнатган орган муҳрининг ўрни)

20 ____ йил “ ____ ” _____

№ _____

(материал юборилаётган идора ёки мансабдор
шахс номи)

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик
тўғрисидаги баённомани юбориш
хақида²**

Сизга _____ га нисбатан
(ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг Ф.И.Ш. ва турар жойи)

Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг ____-моддаси бўйича тўпланган ҳужжатлар, МЖтКнинг 282-моддасига асосан мазмунан кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Илова: “ ____ ” варақда.

(мансабдор шахс лавозими)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

² идоранинг расмий бланкасида тайёрланади

20 ____ йил “ ____ ” _____

№ _____

(материал юборилаётган прокуратура органи
номи)

**Жиноят аломатлари аниқланганлиги
сабабли ишни юбориш ҳақида³**

Сизга _____
(МЖтКнинг моддаси, ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг Ф.И.Ш. ва турар жойи)

нисбатан расмийлаштирилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш материалларида жиноят аломатлари аниқланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 278-моддасига асосан кўриб чиқиш учун юборилмоқда.

Илова: “ ____ ” варақда.

(мансабдор шахс лавозими)

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

³ идоранинг расмий бланкасида тайёрланади

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахслар,
уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

№	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда иштирок этувчи шахс	Ҳуқуқлари	Мажбуриятлари
1.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганликда гумон қилинаётган шахс	<ul style="list-style-type: none"> - иш материаллари билан танишиб чиқиш; - изоҳлар бериш; - далиллар келтириш; - ўз илтимосини баён этиш; - ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; - ўз она тилида сўзлаш; - таржимон хизматидан фойдаланиш; - иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш. 	<ul style="list-style-type: none"> - содир этган ҳуқуқбузарлиги учун МЖКда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шarti билан олиб кўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, ишларни кўриб чиқиш вақтида қатнашиш; - маъмурий жавобгарлика тортилаётган шахс маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлагани тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан ички ишлар (милиция) органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.
2.	Жабрланувчи	<ul style="list-style-type: none"> - ишга оид ҳамма материаллар билан танишиб чиқиш; - кўрсатувлар бериш; - далиллар келтириш; - илтимослар қилиш; - ишни кўриб чиқиш пайтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш; - ўз она тилида сўзлаш; - таржимон хизматидан фойдаланиш; - иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш. 	
3.	Қонуний вакиллар	<ul style="list-style-type: none"> - иш материаллари билан танишиш; - манфаатларини ўзлари ифода этаётган шахс номидан илтимослар қилиш; - иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш. 	

4.	Адвокат	<ul style="list-style-type: none"> - ишга оид материаллар билан танишиб чиқиш; - уни таклиф қилган шахснинг тошпиринига биноан ва унинг номидан илтимослар қилиш; - иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят бериш. 	<ul style="list-style-type: none"> - ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан кўрсатилган вақтда келиш; - ҳаққоний кўрсатувлар бериш, шу иш хусусида ўзига маълум бўлган ҳамма нарсаларни айтиб бериш ва қўйилган саволларга жавоб бериш.
5.	Гувоҳ	<ul style="list-style-type: none"> - ўз она тилида сўзлаш; - таржимон хизматидадан фойдаланиш. 	<ul style="list-style-type: none"> - ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиш, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма хулоса бериш; - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиш;
6.	Эксперт	<ul style="list-style-type: none"> - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишнинг экспертиза предметиға оид материаллари билан танишин; - улардан зарур маълумотларни ёзиб олиш ёки кўчирма нусхалар олиш; - экспертизани ўтказиш учун зарур бўлган қўшимча материаллар ва текшириш объектлари тақдим этилиши ҳақида илтимосномалар бериш; - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган орган (мансабдор шахс) руҳсаги билан ишни кўриб чиқишда ҳозир бўлиш; - жавобгарликка тортилаётган шахсга, жабрланувчига, гувоҳларға экспертиза предметиға оид саволлар бериш; - ашёвий далиллар ва ҳужжатларни кўздан кечириш; - ўз хулосасида нафақат ўзининг олдига қўйилган саволлар бўйича, балки экспертиза предметиға оид ва иш учун аҳамиятға молик бошқа масалалар бўйича ҳам фикрларини баён этиш; - унинг хулосаси ёки кўрсатувлари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритишда ишгирок этувчи шахслар томондан нотўғри талқин қилинганлиги хусусида маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш баённомасига киритилиши лозим бўлган баёнотлар бериш; 	<ul style="list-style-type: none"> - ўзига тақдим этилган текшириш объектларини ҳар томонлама ва тўлиқ текширишдан ўтказиш, ўз олдига қўйилган саволлар юзасидан асосли ва ҳолисона ёзма хулоса бериш; - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) чақирувига биноан ҳозир бўлиш; - ўзи ўтказган экспертиза хусусида кўрсатувлар бериши ва ўзи берган хулосани тушунтириш учун қўшимча саволларға жавоб бериш; - экспертизани ўтказиши муносабати билан ўзига маълум бўлиб қолган маълумотларни ошкор қилмаслик; - тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материалларининг сақланишини таъминлаш; - маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда тартибға риоя қилиш.

		<p>- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юритилаётган тилни билмаса ёки етарлича билмаса, ўз она тилида хулоса тақдим этиш ва кўрсатувлар бериш ҳамда бундай ҳолда таржимон хизматидаан фойдаланиш;</p> <p>- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) экспертнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузаётган бўлса, бу қарорлар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан шикоят қилиш.</p>	
7.	Таржимон		<p>- маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритаётган органнинг (мансабдор шахснинг) ҳақиқатига биноан келиш;</p> <p>- ўзига тоширилган таржимани тўла-тўқис ҳамда аниқ бажариш.</p>

**Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишда белгиланган
муддатлар**

№	Амалга ошириладиган ҳаракат	Белгиланган муддат
1.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган орган (мансабдор шахс)га юбориш	бир суткадан кечиктирмай (ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки аниқланган пайдан бошлаб)
2.	Маъмурий йўл билан ушлаб туриш	уч соатгача
3.	МЖТКнинг 90-моддасида этган ёхуд ўзининг шахси тўғрисидаги маълумотларни яширган шахсларни ушлаб туриш	ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий ишлар бўйича судья ёки ички ишлар органи бошлиғи (бошлиқ ўринбосари) томонидан кўриб чиқилгунга қадар (24 соатдан кўп бўлмаган муддатга)
4.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарорнинг нусхаси бериш	уч кун ичида
5.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва уларга олиб келган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномани кўриб чиқиш	бир ой ичида (тақдимнома келиб тушган кундан бошлаб)
6.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги шикоятни кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган органга (мансабдор шахсга) юбориш	уч сутка ичида (шикоятни олгач)
7.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида шикоят бериш	ўн кун ичида (қарор нусхасини олган кундан бошлаб)
8.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусидаги берилган шикоят ёки билдирилган протестни ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан кўриб чиқиш	ўн кун муддат ичида (шикоят ва протест тушган кундан бошлаб)

9.	Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган қарор хусусида берилган шикоят ёки билдирилган протестга доир ҳал қилув қарорининг нусхасини ўзи ҳақида ана шу қарор чиқарилган шахсга юбориш	уч кун муддат ичида
№	Амалга ошириладиган ҳаракат	Белгиланган муддат
10.	Маъмурий қамоққа олиш ёки жарима солиш (жойнинг ўзида ундириб олинадиган жарима солиш бундан мустасно) тарзида маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарорни дарҳол ижро этишга имкон бермайдиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда унинг ижросини кечиктириш	бир ой муддатга
11.	Маъмурий жазо қўлланиш тўғрисидаги қарор ижросининг муҳлати	уч ой давомида (қарор чиқарилган кундан бошлаб)
12.	Жариманинг ҳуқуқбузар томонидан тўланиши	ўн беш кундан кечиктирмай (ҳуқуқбузарга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб)
	Маъмурий жаримани ушбу қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда тўланиши	шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги тўғрисида хабар берилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай
13.	Мулкий зарарнинг ҳуқуқбузар томонидан тўланиши	ҳуқуқбузарга қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай
	Мулкий зарарни ҳуқуқбузар томонидан тўланиши тўғрисидаги қарор хусусида шикоят берилган ёки протест билдирилган тақдирда зарарнинг қопланиши	шикоят ёки протест қаноатлантирилмаганлиги маълум қилинган кундан бошлаб ўн беш кундан кечиктирмай

МУНДАРИЖА

Муқадима	5
I. Экологик ҳуқуқбузарликлар ва жавобгарликларнинг турлари	7
II. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар	14
III. Маъмурий жавобгарликни истисно этувчи ҳолатлар	17
IV. Маъмурий жазонинг турлари	18
V. Маъмурий жавобгарлик кодексига киритилган ўзгартиришлар	21
VI. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ишларнинг идоравий тааллуқлиги	27
VII. Экологик назорат тушунчаси, унинг турлари ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлашдаги аҳамияти	85
VIII. Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга ошириш тартиби	102
IX. Экология ва агроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритиш	128
X. Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган текширувларни келишиш ва ўтказиш тартиби	144
XI. Иловалар	165

ХОЛМУРОД НАЗАРОВ

ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ: МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ВА ЖАВОБГАРЛИК БЎЙИЧА ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Мухаррир:

М.Мустафоева

Босишга рухсат этилди: 22.12.2020 й. Қозғоз ўлчами 60x84 - 1/16,

Ҳажми: 11,5 б.т. 50 нусха. Буюртма № ____.

ТИҚХММИ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент 100000, Қори – Ниёзий кўчаси 39 уй.

БЕЛГИ УЧУН
